

ХОСИЯТ БЕКМИРЗАЕВА



БОБУР ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК ОБРАЗ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ

ХОСИЯТ БЕКМИРЗАЕВА

БОБУР ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК ОБРАЗ

(Илмий рисола)

12.77

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

185974

Тошкент

“Мұхаррір” нашриети
нұсқасы

2013

УЎК: 821,511
КБК 54(5Ў)6
Б 10

Бекмирзаева , Хосият

Б 10 Бобур шеъриятида поэтик образ / X.Бекмирзаева - Тошкент:
"Муҳаррир" нашриёти, 2013. 104 б.

ISBN 978-9943-25-332-2

Ўзбек мумтоз адабиётида ҳар бир шоир ўзининг ўрни ва мавқеига эга. Мумтоз шеъриятимиз тўғрисида фикр юритилганда, албатта, Заҳириддин Мухаммад Бобур хизмати ҳам ифтихор билан эътироф этилади. Шунинг учун бу буюк санъаткорнинг номи ҳамиша Алишер Навоий билан ёнма-ён тилга олинади. Зоро, Бобур ўзбек адабиётини турли жанрдаги гоявий бадиий баркамол асарлар билан бойитган муносаб издошидир.

Ушбу рисола шоирлик маҳоратининг асосий талаби – сўз ва образ алоқаси ҳамда мутонасиблиги тадқиқига бағишлиланган. У адабиётшунос олимлар, тадқиқотчи илмий ходимлар, филология факультетлари талабалари, ўзбек мумтоз адабиёти тарихига кизикувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

УЎК: 821,511
КБК 54(5Ў)6

Масъул муҳаррир:
Иброҳим Ҳаққул,
филология фанлари доктори

Тақризчилар:
Сайфиддин Сайфуллоҳ,
филология фанлари номзоди

Буробия Ражабова,
филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-25-332-2

© "Муҳаррир" нашриёти,
Тошкент, 2013 й.

МУҚАДДИМА

Сўнгги йилларда ўзбек халқининг тарихи, дини, адабиёти ва маънавиятига эътибор янада ортиб, улуғ аждодларимиз мероси холисона, ҳар томонлама кенг ўрганила бошланди. Жумладан, Алишер Навоий асарлари янгича нуқтаи назардан таҳлил қилиниб, шох ва шоир, олим Захириддин Муҳаммад Бобур ижодини чукур ўрганишга киришилди. Чунки Навоий, Бобур сингари шоир, адилар ижодий мероси нафақат ўзбек, балки дунё маданияти хазинасини бойитишга салмоқли улуш бўлиб қўшилган.

Бобур – мутафаккир. Бу унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятида ҳам, ижодида ҳам акс этган. Унинг асарлари мавзусининг ранг-баранглиги: ёрқин шеърий яратгани, “Воқеот”дек муҳташам қомусий асар битгани, битишдан ташқари, “Хатти Бобурий” (алфавит) тузиб, ҳарбий маҳорат ҳақида, шеър вазнлари хусусида рисолалар ёзгани, Хўжа Аҳрор Тошкандийнинг “Волидия” рисоласини таржима қилгани шундан далолат беради. Албатта, Бобурнинг бой ва ранг-баранг ижодий меросининг салмоқли қисмини унинг лирикаси ташкил этади. Лекин “Бобурнома”га нисбатан олганда Бобур шеърияти ҳали етарлича тадқиқ этилмаган. Шоир шеъриятини янги тафаккур, миллий ғоя асосидаги яхлит бир шаклда тадқиқ ва таҳлил этиб адабиётшуносликдаги ана шу бўшлиқни тўлдириш кўйидагича асарларни дунёга келишига сабаб бўлади. Бобур ижодидаги умумбашарий ғоялар, эзгулик ва комилликни улуғловчи қарашлар барҳаёт қадриятлар сифатида бугунги жамиятимиз маънавиятини бойитиши эса китобнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбек адабиётшунослигига Бобур ижодини ўрганиш бўйича бир қанча асарлар ёзилган. Чунки Бобур асарларига барча даврда ҳам катта қизиқиш билан каралган. Лекин шоир ижодига шу пайтгача эҳтиёткорлик билан ёндашилиб келингани ҳам сир эмас. Истиқлолгача бўлган даврда Бобур ижодий меросини тадқиқ этиш борасида талай ишлар

қилинган бўлса-да, ҳозирда уни холис ва янада кенг ўрганишга эҳтиёж мавжуд.

Бобур истеъододли шоир, олим, тарихчи, мусиқашунос, табиатшунос, географ ҳамда этнографдир. Бу буюк инсон ҳақида тадқиқотлар, китоблар кўплигидан фаннинг алоҳида бир тармоғи – бобуршунослик юзага келган. Бобур шеъриятининг гоявий-бадиий хусусиятлари, ўзига хос жиҳатлари тўғрисида тарихий манбаларда, замондошларининг тазкира-баёз, рисолаларида қайд қилинган¹. Муҳими шундаки, бобуршунос олим, академик Ботирхон Валихўжаев таъкидлаганидек: "...Бу қутлуг ишни Бобурнинг ўзи "Бобурнома"да бошлаб берган эди. Шундан сўнг Мовароуннахр, Афғонистон ва Ҳиндистонда ёзилган тазкира ва тарихий асарларда Бобур ҳақида маълумот бериш кузатилади"². Бобурнинг кизи Гулбаданбегимнинг "Хумоюннома", Муҳаммад Ҳайдар Дуғлатнинг "Тарихи Рашидий" асарларида бу улуғ сиймо ҳаёти ва фаолияти тўғрисида қимматли мулоҳазалар баён этилгани, Европада ҳам Бобур ижодий меросига қизиқиши билан қаралганини муаллиф алоҳида таъкидлайди³. Бобурнинг илмий-ижодий фаолиятига хорижда, айниқса, Европада қизиқиши жуда юқори бўлган. Хусусан, "Бобурнома"нинг турли нусхалари излаб топилган, чоп этилган; инглиз, француз, немис, голланд, рус, форс, усмонли турк ва бошқа тилларга таржима қилинган. Биргина Англиянинг ўзида "Бобурнома" 8 маротаба нашр этилган⁴. XVI асрдаёқ "Бобурнома" Абдураҳмон ибн Байрамхон тарафидан форс тилига таржима қилинган. Ушбу асар 1828 йили А.Кейзер томонидан немис тилига ўтирилган. Бу мазкур асарнинг Европа тилларидаги дастлабки таржимаси сифатида

¹ Азимджанова С.А. Государство Бабура в Кабуле и Индии. Гл I (обзор источников и научной литературы). – Москва, 1977. – С. 5-33; Пант Г.Н. «Бабур-наме» – блестательный памятник автобиографической литературы. Индия. 1984, №4; Миклухо-Маклай Н. Джондамир и «Записки» Бабура. – Веб.: Тюркологические исследования. – М. – Л., 1963. – С. 237-249.

² Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. – Тошкент: А.Қодирий номидаги "Халқ мероси" нашриёти, 2002. – Б. 217.

³ Кўрсатилган манба. – Б. 275.

⁴ Абдуллаева Р. Фарб олимлари Навоий ва Бобур ижоди ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: Фан, 2007. №1, – Б. 44.

эътироф этилади⁵. Лола Убайдуллаеванинг тадқиқоти орқали “Бобурнома” таржималари ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин⁶. Ҳозир ҳам Европада Бобур ижодига қизиқиши кучли. 2003 йил Германияда чоп этилган “Истанбул матнлари ва тадқиқотлари” сериясидаги илмий тўпламдаги “Бобурнома”да Навоий образи⁷ каби ва бошқа мақолалар шундан далолат беради.

Бобурнинг мураккаб шахсий ҳаёти, кураш, зиддиятларга тұла ижтимоий-сиёсий фаолияти ва ноёб адабий-илмий мероси Россияяда ҳам катта қизиқиши билан ўрганилган. Буни дастлаб 1737 йили Георг-Якоб Керр бошлаб берган. Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд, А.Ю. Якубовский, А.А.Семенов, С.П.Толстов каби тарихчилар, И.Н.Берёзин, А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, А.Н.Бөлдириев, И.В.Стеблева каби адабиётшунослар, Н.И.Ильминский, В.В.Радлов, П.М.Мелиоранский, Л.Б.Будагов, А.К.Боровков, А.Н.Кононов, А.М.Щербак⁷, Г.Ф.Благова каби лингвистлар, С.И.Тюляев, Г.А.Пугаченкова, Р.И.Ремпель каби санъатшунослар ўз тадқиқотларида улуғ ҳукумдор, улкан шоир, зукко ва нағис қалб эгаси Бобур ҳаёти ва ижоди тўғрисида теран мулоҳазалар баён этишган. Бобур ижодини ўрганишда И.В.Стеблеванинг тадқиқотлари алоҳида ўрин тутади⁸.

Бобурнинг адабий, илмий мероси XX асрда Собиқ Иттифоқда ҳам ўрганилиб, тадқиқ этилиб, бир неча бор нашр

⁵ Бобур. «Бабур-наме». 1-2-жиллар, А.Паве де Куртейл таржимаси. – Париж, 1878; Бобур. “Бобурнома”. А.Бевериж хоним томонидан инглиз тилига таржимаси, Лондон, 1905-1922 йиллар; Бобур. Энциклопедия Ислама (инглиз тилида) Лондон, 1960; Бобур. «Бабур-наме». француз тилига Ж.ЛБакье-Граммона таржимаси, Публикасион ориентал-Париж, 1980-1985; Бобур (Рубоий ва ғазаллар). Ўзбек поэзияси антологияси, серб тилига Лъупчо Стойменски таржимаси. – // Македонская книга. – Скопли, 1984.

⁶ Убайдуллаева Л. Проблемы перевода; характер, стиль и интерпретация текста «Бабурнаме». Автореферат К.Д. – Ташкент, 1985. – С. 11-14.

⁷ Щербак А.М. Бобурнинг аруз рисоласи ва унинг Навоий ижодини ўрганишдаги аҳамияти. // Адабий мерос. – Тошкент, 1972. №6.

⁸ Стеблева И.В. Захиридин Мухаммад Бабур. Трактат об арузе. Вступительная статья и указатели. – Москва: Наука, 1972; Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура. – Москва: Наука, 1982;

қилинганд⁹. Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш мақсадида талай тадқиқот ишлари олиб борилган. Шокиржон Раҳимийнинг 1923 йилда “Билдириш” журналида босилган “Захириддин Мухаммад Бобур” мақоласи ушбу йўналишдаги илк тадқиқотлар сирасига киради. Фитратнинг 1928 йили босилиб чиқкан “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасига Бобурнинг 31 ғазали, 2 маснавийси, 28 руబоийси ва “Бобурнома”дан парчалар киритилган. Отажон Ҳошим ушбу китобга ёзган сўз бошисида ҳам Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берган¹⁰. 1937 йили нашр этилган “Литературная энциклопедия”,¹¹даги “Ўзбек адабиёти” мақоласида ҳам Бобур ижодига қисқа, холис илмий баҳо берилган. Ушбу мақола Олим Шарафиддинов, Сотти Ҳусайн томонидан ёзилган.

1948 йили Сайджон Алиев “Захириддин Мухаммад Бобурнинг шеърий ижодиёти” мавзусида, 1949 йили Сабоҳат Азимжонова “Умаршайх ва Бобурнинг Фарғона улуси” мавзусида, 1944 йили Москвада П.И.Петров “Бобурнома” тарихий манба сифатида” мавзусида, 1954 йили Г.Ф.Благова “Характеристика грамматического строя (морфологии) староузбекского литературного языка конца XV века по “Бабур-наме” мавзусида номзодлик диссертацияси ёқлашган.

Бобур ҳаёти ва ижоди М.Шайхзода, Ҳ.Ёкубов, В.Зоҳидов, С.Азимжонова, И.Султонов, А.Қаюмов, Н.Маллаев, Б.Валихўжаев, С.Жамолов, С.Ҳасанов, И.В.Стеблев, Ҳ.Кудратуллаев, Р.Воҳидов, Ҳ.Назаров, И.Мирзаев, А.Абдугафуров, В.А.Абдуллаев, И.Ҳаққулловлар

⁹ Бобур. “Бобурнома” I-II қисм. – Тошкент: Ўздавнашр, 1948; Бобур Захириддин Мухаммад. Лирика. (перев. с узб. Л.Пеньковского, предисл. Е.Бертельса). – Москва: Гослитиздат, 1957; Бобур. “Танланган асарлар”. – Тошкент, 1958; Бобур. “Бобурнома”. – Тошкент: ЎзФАнашр, 1960; Бобур. “Асарлар” 2–3-жиллар. – Тошкент, 1965–1966; Бобур. “Мухтасар”. – Тошкент, 1971; Бобур. “Бобурнома”. – Тошкент: Юлдузча, 1989; “Бабурнаме–Записки Бабура”. (перев.М.Салье) Изд.2-е. – Ташкент: Фан, 1993; Бобур. “Бобурнома”. – Тошкент: Шарқ, 2002.

¹⁰ Ўзбек адабиёти намуналари. Тузган Фитрат. – Тошкент, Самарқанд: Ўзиашр, 1928.

¹¹ Литературия энциклопедия. – Москва: Наука, 1937.

томонидан тадқиқ этилган¹². 2007 йилда Азизхон Қаюмов ва Сайдбек Ҳасановлар томонидан чоп этилган “Бобур ижодиёти” китоби Бобур ижоди ҳақидағи кейинги йилларда яратылған салмоқлы ишлар сирасига киради¹³.

Бобурнинг Ҳинд девони тарих фанлари доктори Сабоҳат Азимжонова, Кобул девони эса Шафиқа Ёрқин томонидан нашр этилган.

Шафиқа Ёрқин 2004 йилда Бобурнинг ҳозиргача илм ахлига маълум бўлмаган 195 та янги, катта-кичик шеърий

¹² Шайхзода М. Захириддин Бобур. // Гулистон. – Тошкент, 1940. -№2; Ёқуб Ҳ. Бобур. – Тошкент, 1941; Гулбаданбегим. Ҳумоюннома. – Тошкент: Фан, 1959; Зоҳидов В. Бобурнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси ҳақида, “Бобурнома”га ёзилган сўзбоши. – Тошкент, 1960; Жамолов С.О. Художественных особенностях “Бабурнаме”. – Ташкент, 1961; Валихўжаев Б.Н. XV-XIX аср ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихидан. // Ўзбек шеърияти ва адабиётшунослиги тарихидан. СамДУ асарлари, янги серия, 138-нашр. – Самарканд, 1964. – Б 103-117; Қаюмов А. Бобур. Асарлар, З томликка ёзилган сўзбоши. – Тошкент, 1965; Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, 1965; Азимжонова С. Индийский диван Бабура. – Ташкент: Фан, 1966; Адабий мақолалар. – Тошкент, 1970; Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент, 1970; Сулаймонов С. “Бобурнома” минагоралари. – Тошкент. 1972; Назарова Х. Захридин Муҳаммад Бобур. Асарлар. 6 жилдлик, 5-жилд, – Тошкент, 1973; Валихўжаев Б. Бобурнинг ҳаёти ва адабий-илмий мероси. Ўзбек адабиёти тарихи. З-том. – Тошкент, 1978; Ҳасанов С. Бобурнинг «Аруз рисоласи» асари. – Тошкент, 1981; Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. З-том. – Тошкент: Фан, 1981; Абдуллаев В.А. Бобур ва унинг замондошлари ижодини ўрганиш масалалари. – Самарканд: СамДУ нашири, 1983; Абдураҳмонов А. Барот Бойқобиловнинг “Кун ва тун” шеърий киссасида Бобур образи // Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамДУ нашири, 1983; Кудратуллаев Ҳ. Бобурнинг адабий-эстетик қарашлари. – Тошкент, 1983; Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989; Ҳаққулов И. Шеърият – руҳий муносабат. – Тошкент, 1989; Ҳаққулов И. Абдият фарзандлари. – Тошкент, 1990; Камрон Мирзо. Девон. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993; Бобур. Девон. Нашрга таёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Абдуғафуров. – Тошкент: Фан, 1994; Мирзаев И. Бобур маърифати. – Тошкент, 1996; Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур. – Тошкент, 1999; Кудратуллаев Ҳ. Бобур армони. – Тошкент, 2005; Ҳаққулов И. Ким нимага таянади? – Тошкент, 2006; Отажонов Н. “Бобурнома” жаҳон адабиёти жараённида. Қиёсий типологик таҳлил: докт. ...дис. – Тошкент, 1994; Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашиёти, 1995; Кудратуллаев Ҳ.С. “Бобурнома”нинг тарихий адабий ва услубий таҳлили. Д.Д. автореферати. – Тошкент, 1998.

¹³ Қаюмов А., Ҳасанов С. Бобур ижодиёти. – Тошкент, 2007.

асарини девонга такмила (Кобул нашрига қўшимча) сифатида чоп эттириди.

Абдурашид Абдуғафуров томонидан нашр қилинган Бобур “Девон”и, Л.Пеньковский таржимаси ва Е.Э.Бертельснинг сўз боиси билан чиқарилган “Бобур лирикаси” китоби, Сабоҳат Азимжонова нашрига тайёрлаган “Индийский диван Бабура”, Шафиқа Ёркин Кобул шаҳрида нашр эттирган “Девони Заҳиридин Муҳаммад Бобур”, “Бобур девони”га такмила (Кобул нашрига қўшимча), Азиз Қаюмов сўз боши ёзган “Рисолаи Волидия”, Сайдбек Ҳасан нашрига тайёрлаган “Китоб ул-хаж”, “Мубаййин”, “Бобурнома” ва бошқа китоблардаги адабий матнлардан фойдаланилади. Ўрни билан санъаткорнинг салафлари ва замондошлигининг илмий-адабий меросларига ҳам мурожаат қилинади.

Бадиий образ, тимсол, тасвирий воситаларни тадқик этиш орқали Бобур шеъриятининг поэтик маҳоратини очиб бериш, Лутфий, Навоий ва Умар Хайём каби Шарқ адабиёти намояндалари шеърияти билан Бобур лирикасининг ўхшаш ҳамда фарқли ўзига хос жиҳатларини ёритиш ушбу рисоламизнинг асосий мақсадидир. Мазкур мақсадга эришиш учун қуидаги масалаларни ёритишни вазифа қилиб белгиладик:

- Бобур шеъриятига онд тарихий, адабий манбаларни ўрганиб, ҳозиргача қилинган тадқиқотлар ва чол этилган материалларни таҳлил этиш;
- Бобурнинг Лутфий, Навоий, Умар Хайём каби ижодкорларга издошлиги асосида унинг шеъриятида намоён бўлган анъана ва новаторликни очиш;
- шоир лирикасидаги кенг қўлланган бадиий образ, тимсол ва рамзларни ёритиш;
- Бобур лирик услубига хос етакчи хусусиятларни кўрсатиш;
- шоир шеъриятида мавзу, гоя ва тимсол мутаносиблигини ўрганиш;
- Бобур лирикасида ҳаёт воқелигини акс эттиришда қўлланган усул ва воситаларни аниқлаштириш;
- ижодкорнинг бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш маҳоратини очиб бериш.

Рисолада келтирилган назарий умумлашма ва хулосалар XVI аср адабий мұхити ёрқин вакили Бобур ижодий мероси, хусусан, унинг шеърияти, ўша давр адабиётини теран тассаввур этишга ёрдам беради. Шоир шеъриятининг мавзу ва жанр ранг-барамгалиги, услуб равонлиги, фикр ва туйғу уйғунылиги, поэтик образ ва тимсолларнинг ўзига хослиги мумтоз адабиётимиз саҳифаларига ёрқинлик улуғворлик бағишлайды.

Бобур шеъриятини таҳлил қилиш асосида илгари сурыйланган мушоҳада-мулоҳазалар келгусида мумтоз адабиётимизнинг кўпгина вакиллари меросини тадқиқ этишда ҳам ёрдам беради.

Тадқиқот хулосаларидан олий ўкув юртларида ўзбек адабиёти тарихи бўйича дарслик, кўлланма яратишида ва маъруза матнлари тайёрлашда, шунингдек, ўрта ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўзбек адабиётини ўқитиш жараённида, умуман, Бобур шеъриятини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

БИРИНЧИ БОБ

БОБУР ЛИРИКАСИ: АНЬАНА ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

XVI асргача бўлган ўзбек шеърияти ва Бобур ижоди

Ўзбек мумтоз адабиёти тўғрисида сўз юритилганда, албатта, Заҳириддин Муҳаммад Бобур тилга олинади. Унинг номи ҳамиша Алишер Навоий билан ёнма-ён қўйилади. Чунки Бобур ўзбек адабиётини турли жанрдаги бадиий баркамол асарлар билан бойитгани билан ўзбек адабиёти асосчиси Навоийнинг муносиб издошидир. Таъкидлаш жоизки, Бобурнинг ҳаёти, ижоди, ҳатто, алоҳида асари ҳақида ҳам янги бир фикр айтиш осон эмас. XX асрда фанда “бобуршунослик” деган янги йўналиш шаклланди ва маълум чекланиш, бир ёқлама ёндашувларга қарамай ривожланди. Бобурнинг бебаҳо адабий, илмий мерос асарларига бағишлиб турли тилларда кўплаб мақола, китоблар ёзилган, бир неча номзодлик ва докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Айниқса, мустақилликдан кейин бобуршуносликда ҳам янги давр бошланди. “Бобурнома”¹⁴ ва шоир шеърлари¹⁵ бир неча марта нашр этилди, қатор тадқиқотлар¹⁶ эълон килинди.

¹⁴ “Бобурнаме – Записки Бабура”. (перев.М.Салъе) Изд.2-е. – Ташкент, 1993; Бобур. “Бобурнома”. – Тошкент, 2002;

¹⁵ Бобур. Девон. Нашрга тайёрловчи А.Абдугафуров. – Тошкент, 1994; Бобур. Мубайин. – Тошкент, 2000; Бобур девони. Кобул нашрига такмила (қўшимча). Нашрга тайёрловчи Шафиқа Ёрқин. – Тошкент, 2004; Бобур. Сочининг савдоси тушти. Нашрга тайёрловчи Эргаш Очилов. –Тошкент, 2007.

¹⁶ Отажонов Н. “Бобурнома” жаҳон адабиёти жараённида. Қиёсий типологик таҳлил. Д.Д. – Тошкент, 1994; Кудратуллаев Ҳ.С. “Бобурнома”нинг тарихий адабий ва услубий таҳлили. Д.Д. автореферати. – Тошкент, 1998; Собиров М. “Бобурнома”нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари. К.Д. – Тошкент, 2002; Каримов Р. “Бобурнома”даги шеърлар хорижий таржималарнинг қиёсий таҳлили. К.Д. автореферати. –Тошкент, 2003; Отажонов Н. Жаҳонгашта “Бобурнома”. – Тошкент, 1996; Файзиев Т. Бобур ва унинг авлодлари. – Тошкент, 1996; Иброҳимов А. Бобурийлар мероси. – Тошкент, 1993; Иброҳимов А. “Бобурнома” – буюк асар. – Тошкент, 2002; Иброҳимов А. “Бобурнома”даги ҳиндча сўзлар. – Тошкент, 2002; Машрабов З.

Бобур асарлари, худди Алишер Навоий ижоди каби доимо ўқиб, ўрганиладиган бадиият ва тафаккур хазинасидир. Шу боисдан ҳар бир авлод уни ўзича тадқиқ ва таҳлил қиласиди. Шу маънода Бобур шеъриятининг ҳали очилмаган қирралари кўп. Мана, юз йилдан ортиқ муддатки, Бобур шеърлари Фарб ва Шарқ олимлари диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Унинг шеърлари дастлаб Рампур Наввоб кутубхонасидағи қўлёzmанинг факсимилеси билан бирга 1910 йилда Денисон Росс томонидан нашр этилган. Денисон Росс шоирнинг саноқли шеърларидан иборат ушбу тўпламни ягона нусха ҳисоблаган эди. Бу китобга такриз ёзиб, муҳтасар тарзда унинг ютуқ ва қамчиликларидан баҳс юритган¹⁷ рус шарқшуноси А.Н.Самойлович орадан етти йил ўтгач, Бобур шеърларининг Парижда сақланаётган бир нусхасини топиб, унинг аввалги тўпламига нисбатан каттароқ ҳажмдаги китобини нашр эттирган¹⁸. А.Н.Самойлович бу билан киғояланмасдан, “Собрание стихотворений императора Бабура” деган мавзуда маҳсус тадқиқот олиб боради ва шеърларини рус тилига таржима қиласиди. Ўтган аср етмишинчи йилларигача ҳам Бобур девонининг икки қўлёzма нусхаси маълум бўлса,¹⁹ ҳозирги пайтда улуг шоир қаламига мансуб девоннинг бешта қўлёzма нусхаси топилган.

“Мен ҳижрий 1330 йилда Холис Афанди кутубхонасидан топганим Бобур девонининг бир нусхасидан, –дейди М.Ф.Купрулузода, – бир қанча шеърларни “Миллий татаббулар мажмуаси”да (ҳиж. 1331 йил. 2,3,4-сонлар) чоп қилдирдим”. Унинг ёзишича, кейинчалик ушбу девон университет кутубхонасига олинган. Девонда туркий тилдаги

Шокаримов С. Асрларни бўйлаган Бобур. – Тошкент, 1997; Шарм Л.П. Бобурийлар салтанати (Инглизчадан F.Сотимов таржимаси). – Тошкент, 1998; Эрскин У. Бобур Ҳиндистонда (Бобур ҳукмронлиги давридаги Ҳиндистон тарихи) таржимон Сотимов F. – Тошкент, 1995; Қаюмов А. Ҳасанов С. Бобур ижодиёти. – Тошкент, 2007; Адизова И. Сўзумни ўкуб англайсан ўзумни. – Тошкент, 2008.

¹⁷ Самойлович А.Н. Тюркское языкознание. Филология. – Москва, 2005. – С. 597–604.

¹⁸ Собрание стихотворений императора Бабура. Часть 1. Текстъ. – Петроградъ, 1917.

¹⁹ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, 1965. – Б. 647.

118 ғазал, 8 маснавий, 104 рубой, 52 муаммо, 18 қитъа, 15 туюқ, 75 фард, 29 маснұй шеър, “Рисолай волидия” таржимаси, форсий 3 ғазал, битта қитъа, 18 рубой ўрин олган. “Бундан ташқари, баъзи мансур мактуб парчаларини ва шеър истилохларига оид бир муқаддимани қамраб олган бу нусха, Самойлович нашридан бирмұнча катта эканлиги билан ҳам, бугунгача маълум нусхаларнинг, шубҳасиз, энг кимматлиси дидир”²⁰.

Бобур девонининг Тўпқопи нусхаси ҳам мавжуд. Қўлёзма Тўпқопи саройи Равон кутубхонасида 2314-рақами билан қайд этилган. Қўлёзма 22,5 – 14 см ўлчамда, 54 варак, ҳар саҳифада 16 сатр. Девон сарлавҳасига “Девони Султон ул – аъзам Бобур Мирзо Алайхир-раҳмату вал ғуфрон” деб ёзилган.

Бу нусхада 111 ғазал, 12 маснавий, 131 рубой, 57 муаммо (6 рубой, 6 қитъа, 45 мусарра байт), 11 қитъа, 13 туюқ, 63 матлаъ, 7 маснұй шеър (2 ғазал, 5 рубой), 8 тугалланмаган ғазал, битта назм, 8 мусарра байт, 4 муфрад, 3 мансур, форсча 2 ғазал, 8 рубой, 3 қитъа, 15 матлаъ мавжуд.

Шунингдек, Бобур девонининг яна бир нусхаси Муаллим Жавдот кутубхонасидан олинган бўлиб, у Истанбул Отатурк кутубхонасида 332-рақами билан қайд этилган. Муаллим Жавдот кутубхонасидаги нусха қўлёзмаси 12,3–17 см ўлчамда, 74 варак. Девон сарлавҳасида “Девони Мирзо Бобур” деб ёзилган. Бу нусха 29 ғазал ва бир форсча рубой йўқлигини ҳисобга олмагандан, Тўпқопи нусхаси билан бир хил.

Қўлёзмада 82 ғазал, 12 маснавий, 131 рубой, 57 муаммо, 15 қитъа, 13 туюқ, 63 матлаъ, 7 маснұй шеър (2 ғазал, 5 рубой), 8 тугалланмаган ғазал, битта назм, 8 мусарра байт, 4 муфрад, 3 мансур, форсча 2 ғазал, 7 рубой, 3 қитъа, 15 матлаъ бор. Тахминан XV асрдан кейин кўчирилган²¹.

Бобурнинг ушбу девони нусхалари девон тузишнинг анъанавий қоидасига мувофиқ эмас. Уларда шеърлар алифбо тартибида берилмаган. Бу Бобур ҳаётидаги нотинчлик,

²⁰ Купрулу. М.Ф. Тарих тадқиқотлари. 1. – Анкара, 2006. – Б. 344.

²¹ Бобур девони (Сўз боши муаллифи Билол Южел). – Анкара, 1995. – Б. 23–24.

сарсон-саргардонлик ва талотўплар эътиборга олинса, бунинг асосий сабаби ҳам осон англашилади. Бобур девон тузишнинг барча қонун-коидаларига мувофиқ келадиган мажмуа яратмаган бўлса ҳам, кўнглида шеър завқи уйғонганидан сўнгги нафасигача ҳаётининг яхши ё ёмон, ғамгин ва шодон, умидли ва ноумид ҳолатларида ҳам шеърдан йироклашмаган, шеъриятга дил-дилидан боғланиб яшаган. Бобур учун шеър ёзишдан мақсад, аввало, ўз ички кечинмалари, реал ҳаёт воқеа-ҳодисаларидан олган таассуротлари, турли ўй-хаёлларини ўз ҳолида самимий тарзда ифодалаш эди. Бобур шеърлари тили сунъий жимжимадорлик, китобийлик, соҳта баландпарвозлиқдан тамоман холи. Унинг шеърлари тили сўзлашув тилига ғоятда ҳамоҳанг, содда ва тушунарлидир. Шоир шеърларидағи ҳар бир сўзда унинг қалб дарди, руҳиятидаги оғриқ ифодаланган. Шу боисдан М.Ф.Купрулу: “Бобурнинг адабий шахсиятини ифодалаган энг ёрқин асари, шубҳасиз, девонидир”²² дейди. Бобур шеърларидағи туйғу ва маънолар сиёсий, ахлоқий, маънавий, маданий савияси юксак, адолатни ҳамма нарсадан кўпроқ қадрлайдиган, мард ва жасур инсоннинг кўнглидан сизиб чикқан. Шунинг учун унинг шеърлари ғоятда таъсирчан. Уларнинг мавзу ва оҳанглари хилма-хил бўлганидек, шакл ва ифода усуслари ҳам ўзаро фарқли: бир кайфият ё ҳолат, ҳасрат ёки ғам-ғусса иккинчисиникига ўхшамайди. Бобур шеърда сўз меъморига айланади. Сўздан сўзни фарқлаш, сўзни ўз ўрнида қўллаш, сўз бирлигидан ранг, оҳанг, манзара яратишида у шу қадар моҳирки, буни шунчаки шарҳлаб тушунтириб бўлмайди. Шоирнинг ғазал, рубойи ва маснавийлари ўзига хос, бадиий жозибаси билан ўқувчини сеҳрлайди. Бунда Бобурга у иштиёқ билан ўқиб ўрганган Умар Хайём, Ҳофиз, Саъдий, Жомий, Лутфий, Навоий каби Шарқ шеърияти намояндалари ижоди катта таъсир кўрсатгани шубҳасиздир.

Шеъриятнинг анъанавий қонун-коидаларига катъий амал қилиб ижод этган шоирлар кўп. Лекин Бобур уларнинг хеч бирига ўхшамайди. Бунга асосий сабаб, бизнингча, Бобурнинг

²² Купрулу М.Ф. Тарих тадқиқотлари. I – Анқара, 2006. – Б. 342.

такдири, давр ва замон тўфонлари қуршовида қолган шахсият ва дунёқарashi билан боғлиқдир.

Бобур девонидаги шеърларнинг асосий қисмини газал ва рубойй ташкил этади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Маълумки, Бобур яшаб ижод килган даврда газал ва рубойй нафақат ўзбек, балки Шарқ адабиётида етакчи жанрга айланган эди. Газалнинг тасвир имкониятлари нихоятда бой бўлиб, унда ҳар қандай ҳис-туйфу, мушоҳада, фикр (хоҳ у ишқий, хоҳ ижтимоий-маърифий, ахлоқий-сиёсий бўлсин)ни ифодалаш қулай эди. Рубойй эса ишқий, ахлоқий, фалсафий ғояларни лўнда, ихчам ва таъсирчан ёритишда ҳамиша қўл келади. Бобур девонида оддий газаллардан ташқари, газали мусажжаль (марказий рукнлари қофиядош газал), қитъя газал (биринчи байти қофиясиз газал), газали хусни матлаъ (матлаъдан кейинги байтнинг ҳар иккала мисраси матлаъга қофиядош газал), қўшалоқ вазнли ва қўшалоқ қофияли газал, рубойй тарона (тўрта мисраси ҳам қофиядош), оддий туюқдан ташқари, қўшалоқ тажнисли туюқ, тажнисли қитъя, тажнисли фард, қофияли фард ва қофиясиз фардлар мавжуд²³.

Умуман, Бобур шеърий меросининг ҳажми анча салмоқли. Ҳозиргача шоирнинг 119 газали, 1 маснавийси, 209 рубойиси, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъаси, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фарди аниқланган. 270 байтдан иборат 8 маснавийси бор²⁴. Бобуршунос олима Шафиқа Ёрқин томонидан чоп этилган Бобур девонига такмила (қўшимча)да шоирнинг китобхонларга нотаниш ўзбек тилидаги 5 газали, 9 қитъаси, 5 рубойиси, 9 маснавийси, 10 тўртлиги, 2 туюғи, 40 дан ортиқ фарди, қатор маснуъ шеърлари, битта маснуъ таржеъбанди, 2 номаси, форс-тожик тилидаги битта газали, 10 рубойиси, 4 қитъаси, 12 фарди ва битта номаси эълон қилинди²⁵.

“Бобурнома”га киёсланса, И.В.Стеблева қайд қилганидек, Бобур шеърияти адабиётшуносликда анча кам

²³ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, 1965. – Б. 647 – 648.

²⁴ Муҳаммаджонов А., Абдуғафуров А. Бобур // Ўзбекистон миллӣй энциклопедияси. 2-жилд. – Тошкент, 2001. – Б. 87.

²⁵ Бобур девони. Кобул нашрига такмила (қўшимча). Нашрга тайёрловчи Шафиқа Ёрқин. – Тошкент: Шарқ, 2004.

үрганилган. Бобур шеърияти тўғрисида мақола, тадкиқотларда үхшаш мулоҳазалар, кўп холларда такрорланадиган фикрлар кўп²⁶.

Бобур ўз шеърларида поэтик нутқни имкон қадар ҳалқ нутқига яқинлаштиришга харакат килган. Е.Э.Бертельс таъкидлаганидек, “Бобур ўз даврининг шеър техникасини ниҳоятда яхши эгаллаган”²⁷ бўлса-да, Шарқнинг бошқа шоирлари сингари шеърий шаклларга мафтун бўлмаган, сунъий жимжимадорликка интилмаган, аксинча, шеърий асарларида ҳам, насрый асарларида ҳам тил ва ифодада доимо аниқлик, соддалик, самимият ҳамда мукаммалликни кўзлаган. Шунинг учун адабиётшунос Ҳ.Ёкубов: “Бобур ўз қарашлари, фикр ва туйгуларини фавқулодда содда ифодалайди. У яратган лирик образларнинг содда, самимий ва табиийлиги кишини ҳайрон қолдиради”²⁸, деб таъкидлайди. Бу унинг шеърлари ритмикасига таъсир этган ва аруз вазнини силлиқлаштириб юборган. Бобур шеърлари шу қадар равонки, уларни ўқигандан киши мазмунидан таъсирланиш баробарида шеърнинг мусиқасидан ҳам завқланади. Шоир шеърларида арузнинг ўн бир хил вазни(хафиф, рубойй, раЖаз, рамал, сарій, тавил, мутакориб, мужтасс, музориъ, мунсарих, ҳазаж)ни кўллаган. Шу вазнлар ичидаги хилланишлардан фойдаланиб, уларнинг сонини 25 га етказган.²⁹ Шоирнинг шеърларида ифодаланган руҳий кечинмалари, кайфияти ўқувчи қалбига беихтиёр кўчади. Унинг шеърларида фикр, хаёл, ҳис ва мусиқийлик бир-бири билан узвий бирлашиб кетган. Унинг шеърлари бу жиҳатдан Лутфий ижодига яқин туради. Алишер Навоий Лутфийни устоз деб билган ва:“Мавлоно Лутфий... ўз замонасининг малик ул-каломи эрди, форс ва туркийда назири йўқ эрди. Туркийда шухрати кўпрак эрди ва туркча девони ҳам машҳурдур”³⁰, деб эътироф этган.

²⁶ Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура. – Москва: Наука, 1982. – С. 3.

²⁷ Бабур лирика (перевод Л.Пеньковского). Пред-е Бертельса, – Москва, 1943. – С. 5.

²⁸ Ёкубов Ҳ. Адабий мақолалар. – Тошкент, 1970. – Б. 321.

²⁹ Ўша манба. – Б. 321.

³⁰ Навоий А. Мажолисун нафоис. – Тошкент, 1961. – Б. 72.

Бобурнинг содда ва равон услуги унинг туркий тилда гўзал ғазал, рубоий битган Лутфий ижодини иштиёқ билан ўрганганидан далолат беради. Аслида ҳам Навоийгача яшаб ижод қилган туркийзабон ижодкорлар орасида Лутфий ўзига хос ўрин тутади. Лутфий ўзбек тилидаги баркамол девон соҳиби; шунингдек, “адабиётимизнинг марказий сиймоси” (таъкид адабиётшунос И.Ҳаққулники) Алишер Навоийнинг бевосита ва билвосита устози.

Бобур ҳам Лутфийни билвосита ўзининг устози деб билган. “Аруз рисоласи”да унинг аруз анъанавий ва янги вазнларини тадқиқу таҳлил этишда Лутфий ижодига қайта-қайта мурожаат қилгани шундан далолат беради. И.Ҳаққулов: “Бобур аруз рисоласида ўзбек шоирларининг шеърларидан мисоллар танлаганида Навоийдан кейинги ўринни Лутфий асарларига ажраттан”³¹, – деб таъкилайди. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир муаллиф фикрини асослаш учун мисолни ўзи тан олган ва ҳурмат килган ижодкор асаридан олади. Буни ҳисобга олсак, Бобурнинг Лутфий ижодига эҳтиром билан муносабатда бўлгани равшанлашади.

Адабиётшунос Э.Аҳмадхўжаев Бобур Лутфий мазкур рисолада шеъриятидан 32 байт (яъни 30 байт ғазал ва битта туюқ) намуна олганлигини таъкилайди ва “...унинг ўзи (яъни Бобур) ҳам аруз вазнининг ўзбек тилига уйғунлигини кўрсатиб, ўзбек тилининг имкониятлари кенглигини очиб берди”³², – дейди. Ушбу рисолада Бобур шеър мазмуни, бадиияти тўғрисида мулоҳаза юритганда Лутфий ижодига мурожаат этган.

Бобур арузнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатишда Лутфий ижодига таяниш билан чекланмасдан, “малик-ул калом” дея улуғланган шоир ғазалларига эргашиб, оҳангдош ғазаллар ҳам битган. Бу ғазалларда Лутфий лирикаси Бобур шеъриятига кучли таъсир кўрсатгани яққол сезилиб туради.

Жумладан, Лутфий:

Мени оғзинг учун шайдо қилибсан,
Манга йўқ қайгуни пайдо қилибсан,—

деса,

³¹ Ҳаққулов И. Шеърият – руҳий муносабат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 193.

³² Аҳмадхўжаев Э. Туркий назмнинг сеҳргари. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 36.

Бобурнинг ғазалларидан бири:

Яна кўз уйида маъво қилибсен,

Кўнгул кошонасида жо қилибсен, (88)³³ –

деб бошланади.

Мумтоз шеъриятимизда кўпина шоирлар “қани” радифли ғазаллар ёзишган. Жумладан, Бобурнинг:

Қади шохи гулдек нигорим қани?

Лаби гунчадек гулузорим қани? (134) –

матлаъли ғазали Лутфийнинг куйидаги матлаъли ғазалига оҳангдош:

Кўкарди чаман, гулузорим қани?

Сиҳи сарв бўйлук нигорим қани?

Адабиётшунос И.Ҳақкулов: “Мазкур ғазаллар ўртасида оҳанг, қофия, радиф яқинлигидан ташқари, улардаги айрим сатрларда ҳам айнан ўхшашликлар бор”³⁴, – деган фикрни билдиради.

Бобур ва Лутфийнинг фаҳрия жанридаги шеърларда ҳам ўхшашлик мавжуд.

Лутфийнинг Ҳофиз Шерозий ва унинг замондоши Камол Хўжандийга ихлоси баланд бўлган. У Камол Хўжандий шеърларига ўхшатма ва жавоблар, фаҳриялар ёзган. “Лутфий мана шу шоирнинг ижодига катта хурмат билан қарап ва ундан ўрганар, Камолга назиралар боғлар эди”³⁵.

Лутфий каломи етса Самарқанд аҳлина,

Амудин ўтмас эрди Хўжандий сафинаси.

Ҳакиқатан, Лутфий шеърлари ҳар бир ижодкор учун илҳом манбай бўлиб хизмат қиласиди.

Лутфий машҳур шоир Салмон Соважий (XIV аср) шеърларидан қолишмайдиган шеърлар битганини фаҳр билан таъкидлаб:

³³ Бобур. Сочининг савдоси тушти. Нашрга таёровчи Эргаш Очилов. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 88. (Бундан кейин куйидаги мисоллар асосан шу китобдан олинади. Бошка манбадан олинган мисолларнинг нашри кўрсатилиди.)

³⁴ Ҳаккулов И. Шеърият – руҳий муносабат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 199.

³⁵ Ҳоди Зариф. Фозиллар фазилати. – Тошкент: 1969. – Б.42.

*Улугбекхон билур Лутфий камолит
Ки, рангин шеъри Салмондин қолишмас, –
дейди.*

Бобур Лутфий ва Камол Хўжандий баҳсини давом эттиргандек, шундай мисралар битади:

*Ироқу Форс гар етса сенинг бу шеъринг, эй Бобур,
Ани ҳифз этгуси Ҳофиз, мусаллам туткуси Салион.(98)*

Ушбу сатрлар Бобурнинг Ҳофиз, Салмон ижодига эътиқоди баланд бўлгани ҳамда ўзининг шеърлари ҳам юксак мақомда эканини ҳис қилганини билдиради. Бобур мазкур байтда Лутфийнинг юқоридаги байтларини деярли давом эттирган. Тъқидлаш жоизки, ҳақиқатан кейинчалик Бобур шеърияти Ироқу Форсда эмас, балки бутун жаҳонда машҳур бўлди.

Лутфийнинг ғазалларидан бирида ёз фасли, ёр васли, бода кайфи ҳақидаги байтлар бор. Унда ёз ишрат мавсуми, кишилар роҳат-фароғатда ҳордик оладиган дам, баҳт ойлари, деб тасвир этилган:

*Ёз бўлди керак ул бути айёр топилса
Барча топилур бизга керак ёр топилса,*

*Гул даврида ич боданиким, оқил эмастур
Ҳар кимки буқун дунёда ҳушёр топилса.*

Бобур ёз фасли, ёр васли, май базмига дўстларнинг сұхбатини, шеър баҳсини қўшиб, тасвирни янада кенгайтиради, гўзаллаштиради. Шоир бундан ортиқ бойлик – давлат йўқ, деб хулоса чиқаради:

*Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг сұхбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти,*

*Ёз фаслида чозир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,
Кимга бу наиъа мүяссар бўлса, бордур давлати.(150)*

Бобур ижодида бундай сўз санъаткорининг шеърларидан илҳомланиб ёзилган, ғазал, рубоий, туюқлар талай, ўхшатма ва назиралар анча. Жумладан, шоир Лутфийнинг:

*Неча жонима жафо қилурсен?
Вақт ўлди агар вафо қилурсен,*

матлаъли ғазалидан илҳомланиб, Бобур:

Гайрга неча вафо қилгайсен,

Жонима неча жафо қилгайсен. – (109)

байти билан бошланувчи ғазалини битган³⁶.

Юқоридаги мисоллар Бобурнинг ифодада оғзаки нутққа хос путф, ибора ва мақоллардан фойдаланишдаги маҳоратини, бу жиҳатдан унинг услуби, Лутфий ифода услубига уйғунлигини кўрсатади.

Бобур лирикасини Алишер Навоий лирик меросидан йири тасаввур этиб бўлмайди. Бобур Шарқ ва ўзбек шеърияти намояндадари, айниқса, Лутфий ва Алишер Навоий анъаналарини ижодий ўзлаштириди, давом эттириди. Адабиётшунос Б. Валихўжаев Бобурнинг ўзи Навоийнинг терма девонини тушиб чиққанини “Бобурнома” асосида аниқлаган³⁷.

Навоийнинг идеал ҳукмдор ҳақидаги орзулари ҳам Бобур фаолиятида муайян даражада акс этган. Бобур ўзи тузган “Буюк империя”да ўтказган ислоҳотларини қарор топтириш ва мағкурасини мустаҳкамлаш учун астойдил ҳаракат қилган. Бунинг назарий асосларини яратиш мақсадида циний-фалсафий, ҳарб ишига оид асарлар ёзган. “Мубайин” ва ҳарбий масалалар хусусидаги рисолалари бунга далил бўла олади.

Алишер Навоийгача ҳам ўзбек ёзма адабий тили муайян даражада шаклланган, шеъриятда ҳам муайян анъаналар мавжуд эди. Алишер Навоий ўзининг турли мавзуга бағишлиланган шеърий ва насрый асарлари орқали ўзбек адабий тилини ривожлантириди. У бунинг учун ўзбек тили шевалари имкониятларидан фойдаланди, мавжуд адабий мактабларнинг анъаналарини ўзлаштириб ва умумлаштириб, ягона ўзанга солди. Профессор А. Ҳайитметов қайд этганидек: “Навоийнинг ўзбек тилида ёзиш ҳақидаги ташвиқот ва тарғиботлари ўз даврида у кутган даражада муваффақият қозонмаган бўлса ҳам, аммо ўзбек адабиётининг бундан

³⁶ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, 1965. – Б. 659.

³⁷ Бу ҳақда қаранг: Ўзбек адабиёти тарихи, З томлик, 1-том. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 50.

кейинги тараккиётида жуда катта ижобий роль ўйнади”³⁸. Заҳириддин Мұхаммад Бобурнинг шеърий ва насрый асарлари шундан далолат беради.

В.Белинский адабий таъсир хусусида сўз юритар экан: “Улуг шоирнинг иккинчи шоирга кўрсатган таъсири у яратган поэзиянинг бошқа шоирда кўринишида эмас, балки унинг бошқа шоирда бўлган, лекин ҳаракатсиз ётган кучни ўйғотиш ва ҳаракатга келтиришидадир”,³⁹ деб таъкидлайди.

Бобур ҳам бошқа ижодкорлар сингари мавжуд адабий анъаналардан, таъсирангдан бўлса-да, лекин у Навоийнинг “олий услугуб”ига тақлид қилмага. Бобур оддий туркона услубда асарлар битди. И.Султоннинг фикрича, ўз асарларида замонанинг жуда мухим ижтимоий ва фалсафий масалаларини кўтарган Навоий “олий услугуб”да ёзишни катта адабиёт учун муносиброқ ҳисоблар ва шеъриятда соддаликни ҳаддан ошириб юборган шоирларни “бисёр туркона битадир” деб танқид қилган. Навоий асарлари ва Бобур ижоди бир даврда турли усуслар мавжуд бўлишининг ёрқин памунасиdir. “Бобурнома” жуда содда, равон тилда билан ёзилган. “Бобурнома”га нисбатан айтилган бу фикрни Бобур шеърияти хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Адабиётшунос Э.Очилов: “Бобур шеърларининг ҳаётийлиги уларнинг ижодхонада эмас, балки ҳаёт қозонининг ичидаги туриб ижод қилингандигидир”,⁴⁰ деб қайд қилади.

А.Аъзамов: “...Бобурнинг ўзига маъқул келган шеърларни ёд олиш одати бўлган”,⁴¹ дейди. Бобур ўзига устоз деб билган Навоий ижодини чукур ихлос билан ўрганган, унинг кўпгина ғазалларини ёддан такрорлаб юрган. “Бобурнома”нинг 1499 – 1500 йилларга бағишлиланган бобида у руҳиятида вужудга келган безовталик ҳақида: “Гоҳи телбалардек ёлғуз пушта ва даштқа борур эдим. Гоҳи боғот ва

³⁸ Ҳайитметов А. Навоийнинг адабий танқидий қарашлари. – Тошкент, 1959. – Б. 95.

³⁹ Белинский В.Г. Собрание сочинение. В 3 томах. – Москва, 1948. – С. 164.

⁴⁰ Бобур. Сочининг савдоси тушти. Нашрга таёrlовчи Эргаш Очилов. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 18.

⁴¹ Аъзамов А. Аруз. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б. 43.

маҳаллотни кўча-бакўча ахтарур эдим. Не юрумоқта ихтиёrim бор эди, не ўлтурмоқта, не бормоқта қарорим бор эди, не турмоқта.

Шеър:

Не борурга қувватим бор, не турага тоқатим,

Бизни бу ҳолатқа сен қилдинг гирифтор, эй кўнгул”.

дейди. Ушбу мисралар Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонидаги (385-рақамли) ғазалнинг учинчи байтидир. Руҳиятига мос келган учинчи байтини эсга олгани Бобур бу ғазални тўлиқ ёд билганини билдиради. Бобур Навоий ижодини чукур ўзлаштиргани унинг лирикасида ҳам акс этган. Бу шоир лирикасида ҳам аниқ акс этиб туради. “Бобурнинг лирик ғазалларида, рубоий ва туюқларида бу ўрганишнинг ижобий натижаларини сеза олиш мумкин”⁴². Навоийнинг айрим шеърий мисралари Бобур шеърларида айнан қайтарилиган:

Ошиқ ўлгоч кўрдум ул шамишод қаддин юз бало,

“Оллоҳ, оллоҳ, ишиқ аро мундоқ балолар бор эмиши”.(64)

Тазмин санъати асосида Бобур ғазалидаги байтга киритилган иккинчи мисра Навоийнинг машҳур байти матлаъсидаги иккинчи мисрадир:

Ошиқ ўлдим билмадим ёр ўзгаларга ёр эмиши,

Оллоҳ, Оллоҳ, ишиқ аро мундоқ балолар бор эмиши.

Маълумки, Навоийнинг кўпгина ғазаллари аниқ бир мавзуга бағишлиланган ва улар композицион жиҳатдан яхлит. Шоирнинг ушбу ғазаллари воқеабандлик касб этган. Бобур ижодида ҳам Навоий шеърлари таъсирида ёзилган бундай ғазаллар талайгина.

Навоий ғазаллари мавзу ва мазмун эътибори, воқеабандлик даражасига кўра ҳар хил. Бобур ғазаллари хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

Навоий нимага эътибор қаратмоқчи бўлса, асар давомида ўкувчи дикқатини бот-бот ўша нуқтага жалб қиласи, ана шу мақсадга етказадиган сўзлардан қайта-қайта фойдаланади. Шундай ҳолат Бобур ғазалларида ҳам мавжуд. Бунга унинг куйидаги беш байти газали аниқ мисол бўлади:

⁴² Ўзбек шеърияти ва адабиётшунослиги тарихидан. В.Абдуллаев таҳрири. – Самарқанд, 1964. – Б. 112.

*Қүёшім ҳар сориға азм қылса, заррае қолмон,
Не учунким, агар айрилсам ондин, кун күра олмон.*

*Онингдек бұлмішам ҳайрон қуёш янглиғ іузунгаким,
Қүёшдек наизалар тегса күзуміга күз ола олмон.*

*Агарчи ёр ишқи нотавон күнглумға ўт солди,
Вале, мен нотавон ул ёр ишқида күнгүл солмон.*

*Ибодат вақти бұлса, ҳар неча меҳроб ўтрумда,
Қошин нақшин тасаввур қылмагунча, ерга бои чолмон.*

*Ироку Форса гар етса сенинг бу шеъринг, эй Бобур,
Ани ҳифз этгуси Ҳофиз, мусаллам тутқуси Салмон.(98)*

Ғазалда шоир қуёш, ёр ишқи каби сүзларни қайта-қайта ишлатади. Ғазалдан куйидагича маъно англашилади:

Қуёшім (яни ёрим) қай томон юрап бұлса, мен ундан зарра ҳам ортда қолмайман, нега десандыз, агар ундан айрилар бўлсан, кун кўролмайман.

Қуёш юзингга шунчалар ҳайрон бўлганманки, қуёш нурлари гўё наиза бўлиб кўзимға санчилса ҳам, ундан кўз узолмайман.

Ёр ишқи нотавон күнглімға гарчи ўт солди, аммо мен нотавон ёр ишқида күнглімни хотиржам қила олмайман.

Намоз вақти бўлғанда, қаршимда меҳроб; у ҳар қанча яқин бўлса ҳам, ёр қошининг шаклини тасаввур қылмагунча, сажда учун бош кўя олмайман.

Эй Бобур, агар бу шеъринг Ирок ва Эронга етиб борса, Ҳофиз уни асраб, Салмон эса эъзозлайди.

Ғазал мисралари мазмунан бир-бири билан мустаҳкам боғланиб, олдингиси навбатдагисига йўл очган. Шоирнинг бошқа ғазалида ҳам шундай манзара мавжуд:

*Бу кеча кулбамга келди ул қуёшім ёшурун,
Қарнларда келмади ҳаргиз мунингдек кечқурун.*

*Оғзидек тор фурсат васли, вале, ҳајсри туни,
Ул муанбар сочи янглиғ ҳам қоронгү, ҳам узун.*

*To хаёли оразинг тушиши күнгүлга, эй қуёш,
Бүлди күнглум бир ёнар ўту сүнгакларим - ўтун.*

*Бүлди күнглумда гириҳи ҳасрат аниң тор оғзидин,
Бор магар жиссими мениң тору күнгүл анда тугун.*

*Олгали жонимни ҳижронга ҳавола қилди ёр,
Күйма ҳижронга, ажал, жонимни ол, тенгри учун!*

*Сарвдек қадди фироқида фигонимдур баланд,
Гул киби рухсори ҳажрида ёшимдур лолагун.*

*Ишқ ила девоналигда бүлмишам соҳиб камол,
Ишқ аҳли, эмди Бобурни дегайсиз зуфунун.(101)*

Бугун кечаси қүёшим (яни ёрим) кулбамга хуфиёна келди, шунча замонлар ҳеч бундай кечқурун келмас эди.

Висол фурсати унинг оғзидек тор, ҳажр йўли эса анбар бўй сочи каби ҳам қоронғу, ҳам узун.

Эй қуёш (эй ёр), жамолинг ҳаваси күнгилга тушгач, күнглим тутантириғу суюкларим ўтин бўлди.

Тор оғзининг ҳасратидан күнглим хижил бўлди, жиссим худди бир тору күнгил ундаги тугун.

Ёр жонимни олғани ҳижронга топширди; ажал, ҳижронга қўйгунча, тангри йўлида жонимни ол.

Сарвдек қадди фироқида оху фарёдим юксакка ўрлайди, тул каби рухсори ҳажрида кўз ёшим лоларанг.

Ишқнинг девоналигига комилликка эришдим, ишқ аҳли энди Бобурни аллома дейсизлар.

Бобурнинг бошқа шеърларида каби ушбу ғазалида ҳам арабча-форсча сўз ва иборалар нисбатан кам.

Ғазалдаги кофиядош сўзлар: ёшурун – кечқурун – узун – ўтун – тугун – учун – лолагун – зуфунун ўша давр шеърияти учун оҳорли қофия саналади.

Бобурнинг “Кошқи” радифли ғазали бор. Лутфий ҳам, Навоий ҳам худди шундай радифли ғазал ёзган.

Жумладан, Навоийнинг ғазалида:

Очмайгай эрди жсамолинг олам аро кошки,

Солмагай эрди бари оламга гавго кошки,

дейилган бўлса, Бобур ғазалида янги фикр-мулоҳаза, ўзгача хиссиёт – армон-пушаймонлик ҳисси ифодаланади:

Кўрмагай эрдим жсамоли оламоро, кошки,

Бўлмагай эрдим бори оламга расво, кошки.

Ихтиёр эт ўзга иш, Бобурки, ҳосил бўлмагай

Ишқу васлу айш ила ишратдин илло, кошки.(142)

Навоийда ҳам, Бобурда ҳам ёр ёғлиғи (рўмоли) ҳақида ғазал мавжуд. Муаллифлари айтилмасдан ҳам улар кетма-кет ўқилса, шеършунос бўлмаган киши ҳам ғазалларнинг қайси бири Навоийга, қайси бири Бобурга тегишли эканини аник ажратади. Тингловчи уларни фарқлаб олади. Бунга, аввало, сўз ва ибораларнинг танишлиги, фикрнинг аниқ ва лўнда ифодаланиши; қўлланган бадиий-тасвирий воситалари имкон беради. Албатта, бу ижодкорнинг маҳоратидан далолат беради. Бобурнинг ёғлиқ ҳақидаги ғазалида ёрнинг рўмоли ошиққа “жон риштаси”дан тўқилганга ўхшаб кўриниши таъкидланади. Лирик қаҳрамон машъуқага рўмолинг жонларнинг ришталаридан тўқилган, дейди. Шоир: “Хаста жонлар риштасидинdur магар ҳар тор анга?” деб савол берар экан рўмолга нисбатан ҳавасланиб:

Эвруулур бошиннгаю гоҳи юзунга юз қўяр,

Бу жиҳатдин от эмиш “гулпечу” гаҳ “гулзор” анга, -
дейди.

Бу байтдан шоир яшаган замонда рўмолнинг “гулпеч”, “гулзор” деган турлари бўлгани англашилади. Бизнингча, “гулпеч” – дурра, “гулзор” эса рўмол маъносида келмоқда.

Ғазалдаги сўнгги икки байт кўнгилга хитобан айтилган.
Уларнинг бирида:

Эй кўнгул, юз пора қўлса ёр тиги, ғам ема,

Лутф этиб гар боғлар ўлса ёғлигини ёр анга, -
деб кўнгилга тасалли беради.

Мактаб байтда эса бу фикрни яна ҳам кучайтирилади:

Кўнглум истар ёғлигини, балки андин бир насим

Етса Бобурга эрур жсон бирла миннатдор анга!(32)

Бобур ғазалда ёғлиқни байтма-байт тадқиқ килади ва унинг тўлақонли образини ғавдалантиради. Бу эса “Бобур 18 ғинидәёқ арузни ҳам, ғазал санъатини ҳам етук даражада ғаллаган”⁴³ идан далолат беради.

Бобурнинг ғазаллар хусусидаги айтилган фикрларни унинг рубоийларига нисбатан ҳам кўллаш мумкин. Чунки Бобур ҳам ўз рубоийларинда Навоийнинг одоб-ахлоқ ва инсоний комиллик мавзуларини давом эттирган. Масалан, Бобурнинг ижтимоий-сиёсий ахволи билан боғлик “Ёд этмас эмиш кишини фурбатда киши” деб бошланадиган рубоийси Навоийнинг “Фурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш” мисраси билан бошланувчи рубоийсига маъно ва мазмунан оҳангдош. Еки Бобур: “Рафторию қаддига равоним садқа, Бир боқишига икки жаҳоним · садқа”, – деганда, олисдан Навоийнинг шу монанд мисралари қадрдан куй бўлиб кулогимиз остида янграйди. “Кўзум ичра ёр тутуб, кўнглумда манзил қилғудек” мисраси Навоийнинг “Қаро кўзум...” деб бошланувчи байтининг соддароқ талқинидир. Лекин бундан Бобур ижоди Алишер Навоий ижодига жуда якин, деб нисбат бера олмасмиз, бунга сабаблар кўп. Бу ҳақда хинд адаби Қамар Райис шундай дейди: “Шоирнинг фожиаси шундаки, Алишер Навоийга насиб этган тинчлик-хотиржамлик ва ҳаловат Бобурга мұяссар бўлмади.

Катта туғма истеъоди, кучли эрудицияси ва ўзгаларга ўхшамас фикрлари жиҳатидан у Мир Алишер Навоийдан қолишмас эди”⁴⁴, дейди.

Бобурнинг Навоийга битган мадхия рубоийсида⁴⁵:

Мазмуни анинг ҳатти саводий ичра,

Зулмат аросида оби ҳайвон янглиғ!(168) –

деганига мувофиқ уларнинг “ҳати саводи ичра” оби ҳайвон қатраларини излаб, оби ҳайвон қатраларидан баҳра олмоққа уринамиз.

⁴³ Аъзамов А. Аруз. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б. 14.

⁴⁴ Қамар Райис. Бобур шахсияти ва шъерияти. – Андижон: Андижон нашриёти-матбаа, 2007. – Б. 52.

⁴⁵ Абдуғафуров А.”Бошимни олиб, эй Бобур...”// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. – Б. 19.

Бобур ижодига форс шеърияти ҳам кучли таъсир кўрсатган. Ўша даврда зодагон табақадагилар форс тилини ўз она тили даражасида билган. Мактаб, мадрасаларда форс адабиёти асосида адабий таълим берилган. Саъдий, Ҳофиз сингари форс адабиёти намояндалари асарларидан барча зиёлилар баҳраманд бўлишган. Бобур ҳам “Бобурнома”, “Аруз рисоласи”да Шайх Саъдийнинг ижодига қайта-қайта мурожаат қилган. У “Аруз рисоласи”да: “...панду насиҳату мавъаза бобида Шайх Саъдийнинг “Бўстон”ича маълум эмаским оламда бўлғай. Нечукким ўзи дебтур:

Суҳанҳои Саъдий мисол асту панд,

Ба кор оядат шави корбанд.

Дариг аст аз-у рўй бартофтан,

*К-азу рўйи давлат тавон ёфтган.*⁴⁶

деган. Бобур “Бобурнома”да ўзининг йўлларда тошга байт, хикматли сўзлар ёздириб кетиш одати бўлганини қайд этган. Жумладан: “Ушбу чашма бошида, чашма ёқасидаги тошида казиб, бу уч байтни сабт эттим:

Шунидамки Жамиеди фарруҳ сиришт

Ба сарчашмае бар санге навишт:

Барин чаима чун мо басе дам заданд,

Бирафтанд то чаим барҳам заданд:

Гирифтем олам ба мардию зўр,

Ва лекин набурдем боҳуд бағур”

дейди. “Бўстон”даги бу байтлар Шайх Саъдийники эканлиги аниқ айтилмаган бўлса-да, улар Бобурнинг бу улуғ форс шоири ижодига ихлоси баланд бўлганидан далолат беради. Умуман, Бобурнинг ижтимоий фаолияти ва ижоди унинг форс адабиётидан яхши хабардор бўлгани, форс шоирларининг шеърларини ёддан билганини билдиради.

Зуллисонайнлик Бобурга салтанатни бошқаришда ҳам, кишилар билан ўзаро муомалада ҳам, бадиий ижодда ҳам бир умр ҳамроҳлик қилган. У форс тилида гўзал шеърлар ёзган. “Бобурнома”ни варақлаганда, форс тилидаги ўнлаб мисраларга дуч келиш мумкин. Масалан:

⁴⁶ Захириддин Муҳаммад Бобур. Аруз рисоласи. – Тошкент, 1971. – Б. 119.

*Бо түрк сиптеза макун, эй мири Биёна,
Чолокиу мардонагил түрк аёнаст.
Гар зуд наёши насиҳат накуни гүш,
Онжсо ки аёнаст чи ҳожсат ба баёнаст?*

Мазмуни:

*Эй Биёна амири, түрк билан ўйнашима,
Түркниң эпчилгик ва мардлыги ҳалмага аёндир.
Агар тез келиб, насиҳатни қулоққа олмасанғ,
Аён бўлган гапни баёни қилишининг нима ҳожсати бор?*

Бобурнинг икки юздан ортиқ рубоийси маълум. Улардан ўн еттитаси тарона рубоий шаклида. Ойбек таъбири билан айтганда, Бобур шеъриятининг чўққиси унинг рубоиёти. Шарқ шеъриятида рубоийни энг баланд чўққига қўтарган шоир - Умар Хайёмдир. Шарқ шоирлари рубоий ёзишда Умар Хайём ижодидан доимо таъсирланишган. Адабиётшунослар Бобур рубоийларини “хайёмана” эканлигини кўп бор таъкидлашган. Бобур асарларида Хайёмнинг номини қайд қилмайди, унинг рубоийларини эслатмайди. Шундай бўлсада қатор рубоийларида ҳаётга, инсон тақдирига хайёмана караш, фано ва бақо масалаларини содда талқин яққол сезилади.

Хайём олам ва одам тақдирига мутафаккирона қарайди, ҳаётдан маъно ахтаради. У ҳаётнинг моҳиятини излашдан ҳам қаноатланмайди. Аммо излаганидан ҳам, топганидан ҳам кўнгли тўлмайди. Май ва майхўрликни ҳаётнинг ғам-ғуссаларини унутиш, таскин топиш воситаси деб билади. Хайём мадҳ этган май, албатта, инсонга эркинлик, қаноат, ҳаёлий саодат йўлини очувчи ҳақиқий ишқ майдир.

“Одатда, рубоийга кўп кўл урган шоирлар, – деб ёзади профессор А.Ҳайитметов, – олимтабиат, файласуфмижоз, ҳаёт ҳақида чуқур мулоҳаза юртишга мойил кишилар бўлади. Умар Хайём, Паҳлавон Махмуд, Навоий, Бедил кабиларнинг рубоийлари шундан гувоҳлик беради. Кўп ҳаёт мاشаққатларини бошидан кечирган, кўплаб жангу жадалларнинг гувоҳигина эмас, фаол иштирокчиси ҳам бўлган Бобурнинг рубоийлари ҳам шу аспектда текширилса ва

баҳоланса хато бўлмайди”⁴⁷. Ҳакиқатан, Бобур олим ва мутафаккирдир. У ҳаёт ҳакида файласуфона мушоҳада юритади. Бу унинг рубоийнавис бўлиши учун замин яратади.

Бобур сиёсий-эстетик қарашлари жиҳатидан эмас, балки воқееликка адолатли ва танқидий муносабатда бўлиши жиҳатидан хам замондошларидан илгарилаб кетган.

Бобур ҳам худди Умар Хайём сингари жуда кенг қамровли тафаккур соҳиби бўлган. Улар олам ва одам, одамнинг бу оламдаги ўрни, ҳаётда қандай яшаш кераклиги хусусида бир-бирига монанд мулоҳаза юритишиган.

Хайём Бобурдан беш аср аввал яшаб ўтган. Лекин бу мuddат ичида ҳаёт ташқи томондан ўзгариб, илгарилаб борган бўлса-да, ундаги кўтигина муаммо, ички зиддиятлар ўзгармасдан сақланиб қолган. Хайёмни азоблаган жаҳолат ва нодонликлар Бобурни ҳам қийнаган. Хайём жавоб топмокчи бўлган саволларга Бобур ҳам дуч келган. Хайём қўл силтаган дунёдан узила олмагани Бобурни қийнаган. Бобур шунда ҳаёт ҳакида англаган ва англамаган ҳакиқатларини умумлаштириб рубоийда ифода қилишга интилган. Натижада, Бобур ҳам Хайём сингари рубоий жанрида ажойиб асарлар яратишга эришган.

“Бобурнома”даги қайдлардан аёнки, Бобур аксари рубоийларини ҳеч қандай тайёргарликсиз, йўл-йўлакай бадиҳа (экспромт) тарзида битган. Хайёнинг аксарият рубоийлари ҳам шундай яратилгандай таассурот уйғотади. Бундан ташқари Хайём рубоийлари форсий тилнинг латофати, нағислигини қандай намоён этса, Бобур рубоийлари ўзбек тилининг гўзаллиги ва ифода кучини худди шундай тарзда кўз-кўз қиласи. Шунинг учун ҳам Ойбек бу икки улуғ шоир рубоийларидаги муштарак жиҳатлар тўғрисида сўз юритар экан: “Бобур рубоийлари ҳам Умар Хайёнинг рубоийлари каби фалсафий фикрларга бой, шаклан мукаммал...”⁴⁸, – деб таъкидлайди.

⁴⁷ Ҳайитметов А. Бобур рубоийларининг гоявий-бадний концепцияси. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. -№ 6. – Б. 20.

⁴⁸ Ойбек. Асарлар. 10 томлик, 9-том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – Б. 174.

Бобур рубоийларида ҳам: *гул ва булбул, ошиқ ва маъшуқа, май ва майхўр, чарх ва ҳаёт, ибодатгоҳ ва майхона, ғасл ва ҳажр, сабо ва ошиқ, шодлик ва қайгу, ринд ва зоҳид, ёр ва агёр* сингари Умар Хайём қўллаган поэтик тимсоллар мавжуд.

Шарқ шеъриятида фикр ҳамиша бирор тимсол ё мажоз ёки бадиий санъат орқали ифодаланади. Шоирлар, айниқса, соч, зулф, қоши, кўз, хол каби поэтик тимсолларни қўп қўллашган. Улар ушбу тимсоллардан янги фикр айтиш мақсадида фойдаланишган. Май ва майхўрлик, маълум маънода, улфатчилик ва улфатга содиклиқ, кўнгил очиш деганидир. Улфат – тушунадиган, қайғу ва хурсандликни баҳам кўришга қодир, сирдош, маслакдош одам. Хайённинг кўпгина рубоийлари марказида улфат, мусоҳиб образи туради. Бобур эса Хайём қўзлаган мақсадни ҳам улфат, ҳам ахбоб образи орқали илгари суради:

*Аҳбоб, ишиғимоқни фарогат тутингиз!
Жамъиятингиз борини давлат тутингиз!
Чун гардииши чарх будурур, Тенгри учун,
Бир-бирни неча кун ганимат тутингиз! (166)*

Шоир рубоийларидан бирини “Эй ел, бориб ахбобка номимни дегил!” деб бошласа, бошқаларини қуйидагича хотималайди:

*Бўлмай доги масти хоб қилмоқ мушкил,
Аҳбобдин ижтинооб қилмоқ мушкил. (175)*

ва:

*To ҳажр ғаму меҳнати таскин топқай,
Истайдурур аҳбоб паёмини кўнгул. (175)*

Ахбоб – севимли дўстлар, кўнгилга ёр кишилар демак. Шундай бўлгач, улар меҳру вафони унутмаслиги керак:

*Аҳбоб унутмаса керак аҳди қадим,
Еткурса керак хабар гаҳи пайки насим. (181)*

Ахбобдан айрилган киши хотиржамлик ва ҳаловатини бой беради, бундай азобдан қутулиш ҳақида ўйлади:

*Аҳбоб, фироқингиз била эл нетгай?
Сизларга киши не чора айлаб етгай?
Жамъиятингизни жамъ тутқай Тенгри,
Бобурни доги бу жамъда жамъ этгай. (206)*

Бобур олис юртларда орзиқиши ва умид билан азоб чекиб умр кечиргани туфайли одам одамга, дүст дүстга ғанимат эканлигини қайта-қайта таъкидлаган. Унинг бу хусусдаги шеърлари оддий инсоннинг ўзидек бир инсонга мурожаат сифатида ҳам тушуниш мумкин. Ёки шоҳнинг содик дүстга интизорлиги ифодаси деб ҳам талқин этиш мумкин. Чунки Бобур рубоийларида ахбоб соғинчи ва ахбобга эътиқод ҳиссияти такрорланиб, юксалиб келаверади:

Ахбобқа қилсанг гулзор, эй ел, ногоҳ,
Ул жамъни бу сўзимдин этгил огоҳ.
Сиз кўргандек эсон-саломаттурмиз,
Сиз даги эсон бўлгасиз, иниооллоҳ.(197)

Бобур айрим рубоийларида Умар Хайёмга маслақдошига айланиб, гўзал табиат қучоғида май ва маъшуқдан бошқасини ўйламайдиган ринд қиёфасида кўринади:

Бир гўшаи bog ўлсаю сен бўлсангу мен,
Май қуйсоқ икимиз қадаҳ ичра бир ҳин.
Ондин сўнгра аёқ ширкка олибон,
Сен тутсангу мен исчам, мен тутсаму сен. (183–184)

Куйидаги рубоийда ифодаланган фикр Хайём ва Бобур мушоҳадаларидаги ўзаро яқинликка ёрқин мисол бўла олади:

Келди рамазону мен тақи бодапараст,
Ийд ўлди-ю, зикри, май қилурмэн пайваст.
Не рўзаю не намоз йиллар, ойлар,
Тун-кун маю маъжун била девонаю маст.(158)

Адабиётшунос Ш.Шомуҳамедов: “Хайёмнинг услуби дохиёна содда, ниҳоятда табиий, ҳаммага осонгина этиб борадиган услугуб”⁴⁹, – дейди. Ушбу эътирофни Бобур услубига нисбатан ҳам бемалол татбиқ этиш мумкин. Бобур ҳам худди Умар Хайём каби турли чекланиш, бемаъни мажбурият ва ақидабозликлар инсон умрини маънисиз қилиб кўйишини таъкидлайди. Хайём ёзади:

Кечаги кунингни айламагил ёд,
Эртанг келмай туриб этма кўп фарёд.

⁴⁹ Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. – Тошкент, 1963. – Б. 97.

Үтган, келмаганга қайгурмокни күй,
Кувноқ бўл, умрингни қилмагил барбод.

Бобур ҳам Хайёмнинг ушбу фикрини тўла қўллади ва янада ривожлантиради:

Хотирга хутур этти бу сўз ёнгла, ахий,
Айтай сенга, сен қулоқ солиб онгла, ахий.

Умрингни бу кун хуши кечир аҳбоб илаким,
Топилмагусидур ушибу кун тонгла, ахий.(202)

Одатда, рубоийда муаллифнинг исми ёки тахаллуси қайд этилмайди. Умар Хайём эса айрим рубоийларида ўзига ўзи хитоб қилиб, тахаллусини тилга олади. Шоир рубоийларидағи “Хайём, ичкиликдан кайф қилиб, шод ўл”, “Эй Хайём, ким айтар дўзахийсан деб”, “Хайём, ул одамдан уялур замон” каби мисралар бунга мисол бўла олади. Бобур ҳам баъзи рубоийларида бу усулдан фойдаланган.

Умар Хайём рубоийнависликни ниҳоятда юқори даражага кўтарган, ҳар қандай ижодкорнинг қалбига илҳом уйғота оладиган сўз санъаткори. Унинг рубоийларида ўзига хос ёркин маъно ва мазмун мужассам. Хайём рубоийларида ҳаёт ҳақида теран мушоҳада юритган ва инсон умри моҳиятини излаган. Бобурни ижодга бошка омиллар рағбатлантирган бўлиши мумкин. Лекин у рубоийларида ҳаёт ҳақида мушоҳада юритади, ундан маъно излайди. Аммо нима бўлишидан қатъи назар, Бобур рубоийни мустакил фикр ҳаётига соҳиб инсоннинг ҳақиқий тафаккур ойнаси даражасига етказа олган. Бобур рубоийлари янги сўз иқлими, ҳеч кимникига ўхшамайдиган маъно ва бадиият олами сифатида намоён бўлади.

ШЕРЬИЙ ОБРАЗ ВА ИФОДАДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИК

Бобур шеъриятининг ўзига хос хусусияти унда шоир шахсиятининг бўртиб туришидир. Унинг асарлари тили, ифода услуби салафлари ва замондошлари асарларидан тамоман фарқ қиласди. Бу ўзига хосликни айрим адабиётшунослар ҳукмдорларга хос бетакаллуфликка йўйса, баъзилар уни Бобурнинг турмуш тарзи билан боғлашади. Масалан, шоирнинг машхур байтини олайлик:

Лабинг багрыни қон қиласди, кўзумдин қон рабон қиласди,

Нега ҳолим ямон қиласди, ман андин бир сўрорим бор.(49)

Ушбу байтда ҳукмдорларга хос қатъийлик акс этган. Ошиқ етказган жафоси учун маъшуқани жазоламоқчи. Бошка шоирларда эса бундай кескин ҳукмфармонлик кузатилмайди. Аксинча, улар учун маъшуқа жафоси хушнудлик билан қабул қилишади. Навоий:

Ул ойдин ҳам вафо хуши, ҳам жафо хуши,

Не келса ўзгалардин – барча ноҳуши...

Фарог аҳлига жоми васл хуитур,

Менга лекин эрур заҳри бало хуши⁵⁰.

деса, Фузулийда:

Эй Фузулий, ёр агар жавр этса андин инжисма,

Ёр жаври ошиқа ҳар дам муҳаббат тозалар, –

дейди. Бобурнинг лирик қаҳрамони эса етказган жафоси учун ёрни жазога лойик кўради. Навоий ёрдан келадиган “захри бало”, яъни ўша жавру жафо учун миннатдорлик изҳор этади. Фузулий эса ёр жаврини ошиқ муҳаббатини тозаловчи (янгиловчи, кучайтирувчи) восита сифатида талқин қиласди. Бу Бобур лирикасидаги бетакаллуфлик, жимжимадорликдан йироклик унинг подшолиги, ҳукмдорлиги билан боғлик, деган фикрда асос борлигини билдиради.

Бобур лирикасида ватан ҳајсри, лирик қаҳрамон ва маъшуқанинг ички дунёси, умуман, дунё, ҳаёт фалсафаси, дину диёнат, май,adolat, рашик, рақиб каби мавзулар асосий

⁵⁰ Алишер Навоий. Фавоид ул-кибар. МАТ. 20 томлик. Т. 6. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 174.

урин тутади. Улар замирида Бобурнинг ўз ҳаёти, унинг бонидан кечирган реал воеа-ҳодисалар тасвири ётади.

“Буюк ёзувчи ва шоирлар ҳаётида ижодий эркинлик ҳамиша муҳим аҳамият касб этган. Даҳо санъаткорлар, энг аввало, ана шу эркинликнинг куч-қуввати ва фалсафасига таяниди. Шу боис ҳам ҳақиқий санъаткорнинг ҳаёт тарзи, руҳоний гоявий олами бошқаларнига ўхшамайди”⁵¹. Буюк салтанат сохиби ва истеъоддли ижодкор Бобур асарларида диний ва тасаввуфий руҳият ҳам мавжуд. Девондаги айрим газал, рубойй, маснавийлари, “Мубайин”, “Эътиқодия”, Ҳожа Аҳрор Валининг “Волидия” асари назмий таржимаси шундай асарлар жумласидандир.

Бобур ҳаётда ҳам ҳамиша адолатга, ростгўйликка шигилган. Бобур Мирзо ўзи тўғрисида ҳам, бошқалар ҳақида ҳам ҳеч қачон ёлғон сўзламаган, риёкорлик қилмаган. Шеъриятда ҳам ўзининг ҳар бир ҳолатини ростгўйлик билан тақиқин этади. Ҳис-туйғулари, кечинмаларидағи оний лаҳзалик ҳаифликни тан олишга ва бу ҳакда ёзишга ҳар қандай ижодкор ҳам журъат қиласкермайди. Шунинг учун ҳам адабиётшунос Р.Орзивеков: “Бобур ғазаллари ҳаёт, коинот, инсон, жамият муаммолари ҳақидағи маъно уфқи нихоятда кенг, бадиийлиги ҳайратомуз ғазаллардир”⁵², дейди. Маълумки, ўгит-насиҳат оҳангидан ғазал учун анъанавий хусусият саналади. Бобур ғазалларида ҳам шу хусусият мавжуд. Бобур ғазалларида тасаввуфий ғоя ва тимсолларни инсоннинг маънавий-рухий оламини очишга йўналтиради. Бу эса Бобурнинг шеърларида реалистик бўёқлар ва хусусиятлар бўртиб туришини таъминлаган. Масалан:

Эшикингга бош урармен телбалар янглиг юруб,
Эй пари, йўл бер висолинггаки, кетмай бош уруб.

Ушбу сатрларда “эшик” сўзи ўз маъноси ҳамда “ҳовли” маъносида келган. Одатда, остоная бош урилади, бироқ мисрадаги “телбалар янглиг юруб” ибораси бунга мантиқан

⁵¹ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 4.

⁵² Орзивеков Р. Бобир ва лирикасининг жанрлари / Бобир ва унинг замондошлари ижодини ўрганиш масалалари. – Тошкент, 1983. – Б. 49–50.

мувоғын қелмайды. Телбаларча бош уришга қараганда, уни боңға муштлаш деб англаш жоиз.

Сарв қаддинг борида, үз қаддини чун қилди васф,

Үтқа ёқты бөгбон сарви сихисин синдурууб.

Яъни сенинг қоматинг олдида сарв үз қоматини мақтагани учун, бөғбон уни синдириб ёқиб юборди. Аслида, бу байт шарху изохға мұхтож әмас. Байтдаги “сарви сихисин” (сарвнинг келишган қоматини) бирикмасини хисобға олмаганда барча бирикма ва сүзлар тушунарли.

Байтдаги асосий маъно – ёр қаддининг сарвдан тик ва гүзалиги түғридан-түғри эътироф этилмасдан (масалан, эй ёр, сенинг қаддинг сарвдан ҳам гүзалроқ каби) балки бөғбоннинг ҳаракатлари орқали ифодаланған. Яъни бөғбон үз боғида ўсган сарвнинг ёр қаддидан гүзалрекман, дея мақтаниши ҳақиқатта зид бўлгани учун уни синдириб ташлайди. Шоир ёрнинг қадди сарвдан устунлигини шу тарзда таъкидлайди.

Үлтуруб эрди, кўпуб кетмакка чун азм айлади,

Ёна тиргузди мени, алҳаидулилаҳ, ўлтуруб.

Ушбу ўринда “ўлтуруб” сўзи икки маънода – омоним сифатида кўлланган. Ўлдириб, ташлаб кетмоқ учун чоғланган эди, худога шукурки, қайта ўтириб, мени яна тирилтирди, дейилган.

Бобур кейинги байтда маъшуқанинг кўзи, қоши ва киприкларини шу “ўлтуруб” ибораси асосида тавсифлаган:

Кўзлари сайд айлар учун телба кўнглумни менинг,

Қоши ёсини курууб, кирпик ўқини тўлдуруб.

Байтда маъшуқа ошиқ кўнглини ўзига ром этиш, овлаш, ўзига боғлаш учун қошлардан ёй, киприкларидан ўқ сифатида фойдалангани айтилади.

Ошиқ ёр зулфини шамол паришон қилганини кўргач бир йўла жон, ақл ва кўнглини елга беради. Шоирнинг ошиқ садоқатини шу тарзда ифодалайди:

То сабо зулфини ул гулнинг паришион айлади,

Жон била ағлу кўнгулни елга бердим собуруб.

Топиуруб эрдим кўнгулни ёрга чун борди ёр,

Ҳамдали эттим хаста кўнглумни Худога топиуруб.

Кўнгулни слга топшурдим, дейиш таъсирчан образли ифода. Аммо шоир бу билан кифояланмайди: у ёрга ҳамроҳ бўлган кўнгулнинг хасталигини инобатга олиб, фикрини янада соддалаштиради. Ҳамроҳ эттим хаста кўнглумни Худога тоншуриб, дейди. Одатда, “елга совурмоқ” ибораси ҳайф қилмоқ, бекорга увол қилмоқ маъносини англатади. Байтда ошиқ ёрнинг соchlари тонги шамол томонидан тўзғитиб юборилгандан кейин жони, акли ва кўнгли билан видолашади. Бобур ошикнинг таслимият ва ихтиёrsизлик ҳолатини ишинарли далиллаган.

*Бўйнума занжисири ғам, ё бўғзума тиги ситам,
Ҳар не келса ишқ йўлида турубмен телмуруб.*

*Мен билурмен кўзи қотил, лаъли жонбахши эрканин,
Чунки, Бобур, ҳажрида кўп йиғладим оғзим қуруб.(34–35)*

Ёрнинг кўзи қотил бўлса, лаъли (лаби) жонбахш экан. Бу жойда тазод санъатидан фойдаланиб икки нарса, икки ҳолат бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Ёр кўп йиғлаб, сув тўкаётган бўлса, оғзи қуриётган экан. Сўнгги икки байтда ҳам ҳалқ тилидаги иборалар асосида ошикнинг ёр “ҳажрида кўп йиғладим оғзим қуриб”, дейиши оркали унинг қай ҳолатга стгани янада ойдинлаштирилган.

Бобур ижодида носиҳ билан мунозара услубида битилган газал ва байтлар кўплаб учрайди. Унда лирик қаҳрамон – муаллиф гоҳ “носиҳ”, гоҳ “оқил” деб носиҳга (панд-насиҳат қилувчига) мурожаат этади.

*Кўй, эй оқил, насиҳат сўзларинким, дилтисанд эрмас,
Менинг девона кўнглумга насиҳат судманд эрмас.*

*Неча девона кўнглумни қишурсен нафй, эй оқил,
Агарчи телбадур бори сенингдек худтисанд эрмас.*

Ошиқ – девона, оқил – худтисанд. Айнан телбалик ошиқни такаббурлик ўз-ўзига бино қўйишдан асрайди. Шоир наздида худтисанд бўлишдан кўра ортиқроқ фожиа йўқ. Шу сабабли ҳам лирик қаҳрамонга оқиллик ва телбаликдан бирини танлашга тўғри келганида у ҳеч иккиланмасдан телбаликни танлайди.

*Құлурсен талх айшити комити бекітуда сүзлардин,
Саросар сүзларинг заһредур, әй носиҳи, панд әрмас.*

Ошиқ учун азоб ҳам, фароғат ҳам ишқда мужассам. Носиҳнинг бекітуда сүзлари эса ишқдан воз кечишига қаратылған. Шу сабабли ҳам улар ошиққа панд әмас, заһар бўлиб туюлади. Чунки ошиқ уни ишқдан узоклаштирувчи хеч бир нарсага тоқат қилолмайди.

*Бўлубмен бир парининг анбарин сочига вобаста,
Мени телбага эмди ҳожати занжисуру банд әрмас.*

Инсон хаёт экан, у занжирлардан буткүл ҳалос бўла олмайди. Уни турли занжирлар тутиб туради. Ким учундир мол-дунё, ким учундир бирор маслак, кимгадир мансаб занжир. Фақат ишқ занжирига боғланганлар бошқа барча занжирлардан ҳалос бўлади. Бобурнинг лирик қаҳрамони ишқ занжирига банди. Унинг учун “бир парининг анбарин сочига вобаста”ликдан ортиқ даража йўқ. Бу эса бир вақтнинг ўзида, бошқа барча занжирлардан ҳалослик, маънавий-рухий ҳурлик демакдир.

*Жаҳонда кўп гадо, гарчи лавандатворлиқ бордур,
Валекин, Бобуро, ҳаргиз сенингдек шаҳлаванд әрмас.(62)*

Гадо-дарвешларнинг лавандлиги – ишққа таслим эканлиги ажабланарли әмас. Буни ҳаётда кўп учратиш мумкин. Дарвешларнинг ишқ кўйида девона бўлиб юришига табиий ҳол деб қаралади. Бироқ Бобурнинг шоҳ бўла туриб, ишққа қул эканлигини даъво қилиши ғайритабиий. Ушбу байтда гадо-шоҳ тазодидан моҳирона фойдаланилған. Ошиқ ва оқил – икки кутб. Ошиқ учун ишққа таслимият, ўзликдан кечиши, тозаланиш, дунё занжирларидан ҳалос бўлиш, қалб, рух ва онгни ҳурлик мартабасига эриштириш муҳим; у ишқдан бошқа нарсада маъни кўрмайди, уларни бебаҳо-ўткинчи деб ҳисоблайди. Носиҳ (оқил) эса зоҳирпаст, чекланган, худпараст инсонлар образи. Бинобарин, ушбу ғазалда ишқнинг асосий моҳияти – ҳалоскорлик намоён бўлади. Ғазалда Ошиқ ва оқил (носиҳ)нинг зидлантирилиши фикрнинг аниқ ва таъсирчан ифодаланишини таъминлаган.

Юкорида таъкидлаганимиздек, росттўйлик донишманд хукмдор ва истеъдодли ижодкор Бобур шахсиятидаги бош

фазилатдир. Буни унинг шеърияти ҳам, “Бобурнома”да қайд этилган эътирофу икрорномалари, тавба-тазарру ҳам исботлайди. Бу ҳақда ёзувчи Хайриддин Султон шундай дейди: “Бобур – инсонлар ичидаги энг ростгўйидир, деб айтсан ҳам хато бўлмас. Унинг қалб дафтари – “Бобурнома”ни диққат билан вараклаган киши бунга амин бўлади”⁵³.

“Шоҳнома”, “Зафарнома”ларда ҳукмдорларнинг факат зафарлари, муваффакиятлари, ғалаба нашидалари ҳақида ҳикоя қилинган. Бобур эса улардан фарқли ўлароқ “Бобурнома”да ўзининг сарсон-саргардонликлари, кўрган хору зорликларлари, адашишлари, алданишлари ҳақида ҳам ростгўйлик билан ёзган. Замондошлари, замонасининг машхур кишиларини таърифлагандаги ҳам ростгўйлик йўлини тутган. Бу эса “Бобурнома”нинг ҳақиқатни заррача ҳам яширмасдан, ростгўйлик қоидаларига қатъий амал қилинган ҳолда яратилганидан далолат беради⁵⁴. Бобур бу ҳақда “Бобурнома”да: “Чун бу тарихда андоқ интизом қилибтурким, ҳар сўзни ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқиини таҳrir этилгай”.

Шоҳ Бобур ва шоир Бобур доимо бир шахс бўлиб фаолият юритган. Шоҳ Бобур салтанат ишида жанг жадалларда қатъият кўрсатган, таваккал килган. Айни хусусият унинг ижодида ҳам ўз аксини топган. Ҳаётидаги жанг жадал, ташвиш, бесаранжомлик, вақт тифизлиги Бобурни мушоҳадаларини содда ва тушунарли ифодалашга унdagандир. Бобур шеъриятининг латиф, насрининг ростгўй ва дангал эканлиги аввало шу омил билан боғлиқдир.

Бобур ўзбек шеъриятини реалистик хусусиятлар билан бойитди, уни афкор омманинг бадиий-эстетик таъбига яқинлаштириди. Шеърий шаклларга ҳам янги оригинал унсурлар олиб кирди. И.В.Стеблева айтганидек, “Бобур ғазаллари мумтоз туркийзабон шеъриятнинг эстетик меъёрларини бузмаган ҳолда, воқеликни имкон қадар аниқ акс эттиради”⁵⁵.

⁵³ Султон Х. Бобурийнома (матърифий роман). – Тошкент, 1997. – Б. 101.

⁵⁴ Қаюмов А., Ҳасанов С. Бобур ижодиёти. – Тошкент, 2007. – Б. 74.

⁵⁵ Стеблева И. Семантика газелей Бабура. – Москва: Наука, 1982. – С. 200.

Хар бир шоир ўзининг руҳий ҳолатидан келиб чиқиб шеър битади. Инсоннинг руҳияти эса доимо ташқи омилларга боғлиқ ҳолда кечади. Бобур руҳиятига таъсир этган воқса-ҳодисаларни унинг мемуар, қомусий асари “Бобурнома”дан ўқиб билиш мумкин. “Бобурнома” – бошдан-охир ҳаёт китоби, реал ҳаётда кечган, лекин маъно-мазмуни беҳад хилма-хил воқеа-ҳодисалар тасвирланган қомусий китобдир⁵⁶. “Бобурнома” комусийликда шу қадар миқёси кенг асарки, ундаги мавзу-масалалар ва воқеа-ҳодисалар, тафсилот-таҳлиллар, тарихий шахслар рўйхатини акл-шуур билан дафъатан қамраб олиш қийин. Асарнинг Афғонистонда кечган воқеаларга бағишлиланган бобларида бу ўлкадаги тоғу тошларда, дараларда яшайдиган бир-бирига ўхшамаган, турли-туман уруғ-қабилаларни санаб, улар истиқомат киладиган жойлар номи аниқ қайд этилади.

Ўзининг қайд этишича, Бобур босиб ўтган йўлларида, жуда кўп жойларда тошларга ўйдириб, тарих ёздириб қолдирган. Уларнинг айримлари топилгани бунинг ашёвий исботидир. Масалан, Афғонистон воқеалари бобида ёзади: “Бодижнинг устида бир тошда буюрдимки, бу келур ва борурнинг тарихини қозғайлар. Ҳофиз Мирак битиди, устод Шоҳ Мухаммад сангтарошлиқ қилди. Шитоб учун ободон қозимади”. Шу вактдан бошлаб, энди ўзини “мирзо” эмас, “подшоҳ” деб тилга олишларини буюрганини таъкидлайди: “Ушбу тарихқача Темурбекнинг авлодини бовужуди салтанат мирзо дерлар эди, ушбу навбат буюрдимким, мени подшоҳ дегайлар”.

Бошидан кечган бу каби воқеа-ҳодисалар Бобурнинг шеъриятида ўз ифодасини топган. Зотан, асл шеърият шоирнинг ҳис-ҳаяжони ва ҳаётий тажрибалари синтези сифатида майдонга келади.

Бобур қисқа умри давомида жуда кўп юртлар эл-улусларни кўрди, турли-туман диний эътиқод ва мистик ҳодисалар шоҳиди бўлди. Булар ичida шаманизм ҳам, мусовийлик ҳам, буддизм ҳам бор эди. Шундан бўлса керак, у ёзади:

⁵⁶ Ҳаккул И. Эътиқод ва ижод. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 61.

Агар муслихмен, ар муфсид ва гар ошикмен, ар обид,

Не ишинг бор сенинг, зоҳид, менингки ихтиёри бор.(49)

Бобурнинг шеъриятида у яшаган мухит таъсири кўринади:

Манга осондурур бўлса агар юз минг туман душман,

Вале бўймоқ жаҳонда, эй қўнгур, беёр мусикидур.(52)

Бобур бошидан кўп ҳодисаларни кечириб, дунё ҳеч нарсага арзимаслигини англағанини маснавийларидан бирида қўйдагича таъкидлайди:

Тамаъ узгил бу эски дунёдин,

Хотирингдин чиқар бу дун ёдин.(244)

“Дун” сўзи паст, пасткаш, тубан каби маъноларни билдиради. Бобур шеъриятида бу каби кескин фикрлар кўп учрайди.

Бобур ҳис-туйғуларини яширмасдан изҳор этади ва уларни ўқувчига ўз ҳолича етказади. Камдан-кам шонргина бундай макомга эришган. Бобур шундай ижодкорлар сирасига киради. Ўз ҳис-туйғу, кечинмаларини аниқ ифодалашга эришган шоир ижодида давр ҳаёти акс этади.

Бобур шеъриятининг, ўзига хос хусусиятларини, уларнинг яратилиши тарихини “Бобурнома” асарисиз таҳлил қилиш, талқин этиш мумкин эмас.

“Бобурнома”да ўзбек ва форс тилларидағи ўнлаб шеърий парчалар ҳам мавжуд. Улар байт, рубоий, қитъа шаклида келтирилган. Ушбу шеърий парчаларни икки гурухга ажратиш мумкин:

1)кейинчалик таҳрир қилиниб, шоирнинг девонига киритилган шеърий парчалар;

2)факат “Бобурнома”дан ўрин олган назмий парчалар.

Одатда, ҳар бир асар ўзининг яратилиши тарихи ва таржимаи ҳолига эга бўлади. Бобур ижодида ҳам бу кузатилади.

Бормоққа не маскан мұяссыр,

Тұрмөққа не давлат мұқаррар.

Бу “Бобурнома”даги дастлабки байт. Маснавий шаклидаги мазкур фард асарнинг 1498 – 1499 йил воқсалари бобида берилган. Фардда Бобур мирзо ўша пайтдаги ўз ҳасби ҳолини ифодалаган. Мазкур фард, аввало, ҳаётйлиги ва реал

воқеликка асосланиши билан эътиборни тортади. Иккинчидан, эса у Бобурнинг қачондан шеър машқ қила бошлаганини аниқлаш имконини беради. Айтиш мумкинки, Бобур мирзо ўн беш ёшидан байтлар бита бошлаган.

Бобур мирзо ғазаллари анъанавий ишқий ғазаллар сирасига киради. Лекин “Бобурнома”да берилган маълумотлар унинг айрим ғазаллари аниқ ҳаётий воқеалар таъсирида ёзилганидан далолат беради. Аслида ҳам ушбу ғазаллар аниқ ҳаётий кечинмаларга асосланган. Адабиётшунос Н.Шукуров ҳам Бобур ғазаллари шундай хусусиятга эга эканлигини таъкидлайди⁵⁷.

Асарнинг 1499 – 1500 воқеалари бобида:

Корҳоро ба вақт бояд жуст,

Кори бе вақт суст бошад, суст

байт Бобур бу пайтда нафақат туркий байтлар, балки форс тилида ҳам байтлар бита бошлаганини билдиради. Ушбу бобда муаллиф: “Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат менга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим. Жавоб келгунча, тафриқа ва ғавғо бўлди”, деб ёзади.

Бу жумлалардан кўп нарса ойдинлашади. Аввало улар Бобурнинг буюк замондошига нисбатан ихлосу эътиқодини билдиrsa, иккинчидан, Бобур ва Навоий ўртасида шахсий алоқа муносабат бўлганидан далолат беради.

“Бобурнома”даги назмий парчаларнинг аксарияти муаллиф ижоди учун ташлама вазифасини бажарган. Улар кейинчалик муайян рубоий, ғазал ёки қитъя учун асос бўлган.

“Бобурнома”да муаллиф Ўратепада, Оқбурдон деган жойдаги, чашма олдида турган тошга уч байт ёзdirгани тўғрисида: “Ул қўхистонда бу расмдурким, тошқа қазиб абёт ва нималар битурлар” дея қайд этади. Ушбу тошларга битилган байтларни Бобур мирзонинг ўзи айтиб ёзdirгани шубҳасиз.

⁵⁷ Шукуров Н. Бобур ғазалларининг ҳаётий асослари ва романтик бўёклар хақида. // Бобир ва унинг замондошлари ижодини ўрганиш масалалари. Тўплам. – Тошкент, 1983. – Б. 11.

Тадқиқотларда таъкидланганидек, “Бобурнома”нинг өбебаҳо қиммати шундаки, унинг ёрдамида Бобур ижодий биографияси ва асарлари яратилиши тарихини билиб олиш мумкин. Чунончи муаллиф: “Ушбу Масчода эканда мулло Ҳижрий шоир Ҳисор тарафидин келиб мулозамат қилди. Бу матглаъни ушул айёмда айтиб эдим:

*Такаллуф ҳар неча суръат тутулса, ондин ортуқсан,
Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуқсан*”,
деб эътироф этади.

Бобур Тошкентда, тоғаси Маҳмудхон хузирида бўлганини эслаб: “Бу рубоийни айтиб эдим, маъмул қоғиясида тараддудим бор эди, ул маҳалда шеър мусталақотига мунча татаббубъ қилмайдур эдим, хон хуштабъ киши эди, шеър айтур эди, агарчи сару сомонлиқ газали камроқ эди, бу рубоийни хонга ўткариб, тараддудимни арз қилдим…”, дейди-да, “Рубоий будур” ишораси билан “Ёд утмас эмиш кишини меҳнатта киши” рубоийсини келтиради. Кейин қуйидаги назарий фикрни қайд этади: “Сўнгра маълум бўлдиким, туркий лафзида маҳал иктизоси била “то” ва “дол”, яна “ғайн” ва “қоф” ва “коф” бир-бирлари била мубаддал бўлурлар эмиш”.

1501-1502 йил воқеалари бобида: “Ул ғазалеким, тугаттим, ушбу кун ушбу юртта тугаттим. Ул тугангган ғазал будур:

*Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.*

Бу ғазал етти байт туурур. Мундин сўнг ҳар ғазалким туганди, ушул тартиб била-ўқ битилди”, дейди.

Бобур шоҳ Ҳасан Шоҳбекнинг уйидаги сухбат чоғида бадиҳа тарзида қуйидаги рубоийни айтганини ёзди:

*Аҳбобки базмida гулистон ҳуснтур,
Йўқ лек алар базмida бизга дастур.
Ул жамъда гар ҳузури жамъияти бор,
Юз шукур, бу жамъ беҳузур эмастур.*

Бобур мирзо биринчи ва сўнгти шеърий асарини ҳам рубоий жанрида ёзганини таъкидладик. Бобурнинг ижодий фаолияти фикр ва хиссиётни лўнда ифодалаш имконини берувчи рубоий ёзишдан бошланган. Бобур рубоийларининг

аксарияти биографик асосга эга бўлиб, улар бирор воқеа муносабати билан ёки кимгадир бағишлиб ёхуд кимгадир мурожаат қилиб ёзилган.

Бобур рубоийлари муаллиф ёхуд лирик қаҳрамон шахсияти тўғрисида сўз юритиш имконини беради. Ҳатто, улар ёрдамида муаллифнинг таржимаи ҳоли ва ҳаёт йўли харитасини ҳам чизиш мумкин.

Рубоийнинг бадиҳа тарзида ёзилиши ҳам Бобурга жуда кўл келган. “Бобурнома”нинг ҳижрий 906 (мелодий 1500 – 1501) йил воқеалари фаслида Бобур форсийгўй шоир Бинойнинг рубоийсига жавоб айтиб, мушоира қилгани тўғрисида:

“Ул фурсатларда бирар-иккирар байт айтур эдим. Вале ғазал тугатмайдур эдим. Биргина туркий рубоий айтиб йибордим.

Рубоий:

*Ишлар бори кўнгулунгдагидек бўлгусидур,
Инъому вазифа бори буйрулгусидур.
Ул галлау мухъмалки деб эдинг, бердим,
Мухъмалга бўю галладин уй тўлгусидур*⁵⁸.

деб ёzáди. Бобур рубоийнинг тили, оҳангি ва ифодаларини имкон қадар соддалашибириб, оғзаки нутққа яқинлашибиради. Натижада, у дидактик мазмундаги фикр ва ғояларни ҳам юракка бориб етадиган таъсиричан гапга айлантиради. Бобур рубоийларида баъзи шоирлар асарларида учрайдиган қуруқ насиҳатгўйлик, ақлбозлик кўринмайди. Бобурнинг:

*Душманники, бу даҳр забардаст қилур.
Наҳват майдин бир неча кун маст қилур.
Ғам емаки, еткурса бошини кўкка,
Охир яна ер каби они паст қилур,*(159)

каби ижод намунаси юқоридаги фикримизни исботлайди.

“Эй қўргон эли, қолдиму дармонларингиз”, “Шеъринг эшитур фикрини Бобур қилди” сатрлари билан бошланувчи рубоийлар ҳам биографик характерда бўлиб, уларда Бобурнинг таржимаи ҳолига бевосита дахлдор ҳодисалар акс этган.

⁵⁸ Бобур. Бобурнома. -- Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 18.

Бобурнинг биографик характердаги яна бир рубоийсида бүпдай дейилади:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Оlam элидин турфа ситамлар кўрдум.
Хар ким бу “Вақоеъ”ни ўқур, билгайким,
Не ранжсу не меҳнату не гамлар кўрдум.(181–182)

Муаллиф “Вақоеъ” деганда ўзининг “Бобурнома” мемуарини назарда тутади.

Бобур ушбу рубоийсида: “Бу олам аро ажаб аламлар кўрдим”, “Оlam элидан турфа ситамлар кўрдим”, дейди. Бобур иҳли оламдан кўрган ситам, қайғу ва ғамларни рубоийларида рост ҳамда табиий тарзда ёзган. Уларда инсон қалбидаги дард ва қайғу, ҳасрат ва надомат, изтироб ва орзу-умидлар бутун кўлами, барча мураккабликлари билан таъсирчан ифодаланган.

Умуман, “Бобурнома” Бобурнинг таржимаи ҳоли ва лирикасининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатишда муҳим таянич манба саналади.

ИККИНЧИ БОБ

СҮЗ, ТИМСОЛ ВА ИФОДА МУТАНОСИБЛИГИ

БОБУР ЛИРИКАСИДА ОБРАЗ ВА ТИМСОЛЛАР

Маълумки, адабиёт, жумладан, шеърият учун ҳам бирдан-бир унсур сўздири. Шеърда турли кечинма, хиссиёт, хаёл, туйгу, тушунчалар факат сўз орқали ифодаланади. Шунинг учун ҳам улуғ шоирлар сўз ўлиқ кўнгулларга ва жонсиз туйғуларга ҳаёт бағишловчи жон дея таърифлашган. Масалан, Муҳаммад Фузулий ёзади:

*Жон сўздир агар билирса инсон,
Сўздур ки, дерлар ўзгадир эсон.*

Яъни: агар инсон билса, тушунса, жон (рух) сўздан иборат. Жоннинг бошқа бир нарса эканини сўзлаганлар адашишишади.

Сўз маъносини чиройли ва таъсирли кайфиятда акс эттириш, мазмун билан сўзнинг оҳангдор тарзда ўзаро бирикишига эришиш шоир ва адибларнинг асосий мақсади бўлган. Сўздан айри шеърни тасаввур этиб бўлмагани сингари маънодан маҳрум сўзни ҳам хаёлга келтириш қийип.

Бобур сўзни жуда чуқур хис қилади. Ҳар бир сўзни ўз ўрнида кўллади. Шунинг учун ҳам унииг ғазал ва рубоийларида сўз турли ранг ва оҳангларда жилоланади.

Сўзни танлаш ва уни ўз ўрнида кўллаш шоирнинг иқтидори ва маҳоратига боғлиқдир. Иктидорли ижодкор сўзларни сафга шундай тизадики, улардан гўзал образлар ҳам ҳосил бўлади. Бунга, албатта образли тафаккур асосида эришилади. Захириддин Муҳаммад Бобур шеъриятида униинг юксак бадиий тафаккур соҳиби эканлиги яққол кўринади. “...мазмун ва шакл омухталигию пухталиги, фикрда жасурлик, эркинилик, самимий ва истехзоли оҳанг, сўзнинг сирли

оқинланиши, серқатламлик ва сербӯёқлик”⁵⁹ Мўминжон Сиддиковнинг Mashrab шеъриятига нисбатан айтган юқоридаги фикрларини Бобур лирикасига ҳам таалукли, деб bemalol литши мумкин.

Бобур шеър ва наср тилини имкон кадар соддалаштирган ва ҳалк оғзаки нутқига яқинлаштирган. X. Кудратуллаев “Бобурнома” муаллифи асарларининг ушбу жиҳати хусусида сўз юритар экан: “Бобур сўз мазмунида тақрорга йўл кўймаслик учун назмда баён этадиган фикрини насрый матнда очик-ойдин айтмайди. Унда фикр умумий тарзда ифодаланиб, муаллиф мақсадини шеърий сатрлар ёркин очиб беради”⁶⁰, дейди.

Бобур шеърларида ўзининг турли кечинмаларини ифода этган. Унинг таъсичан қалби чарху қажрафтordan, давру замондан, ундаги одамлардан кўп азият чекиб, жавру жафо кўрган. Лекин ҳеч бир вазиятда Бобур ғамга ботиб, умидсизликка тушмаган. Ҳамиша ишонч билан яшаган. Яратганга таваккал килган, унга таянган. Аллоҳнинг бекиёс қудратига, унинг барча бандаларига ҳамиша меҳрибонлигига ишонган.

Шоирнинг аксарият ғазал ва рубоийларида аниқ бир мавзуу теварагида сўз боради ва мантиқий изчилликка қатъий амал қилинади. Натижада, улар композицион яхлитлик касб этади. Бобур конкрет бир мавзуга бағишлиланган ёки бир образни, ёхуд муайян бир ҳолатни ёритувчи ғазал ва рубоийлари, алоҳида-алоҳида фикрлар айтилган, бадиий стук байтлардан таркиб топган ғазаллари, яъни мактубъ шеърлари ҳам шу тамойил асосида битилган. Бинобарин, мавзуу, образ, зоя бирлигидир Бобур ғазалларининг бош хусусиятидир.

Бобур шеъриятини шартли равища: ишкий лирика, табиат лирикаси, ватан дарди ва соғинчга бағишлиланган ҳижрони ёритилган шеърларга ажратиш мумкин. Буларнинг барчаси у ёки бу тарзда шоирнинг шахсий ҳаёти, турмуш гарзи ва ички кечинмалари билан боғланган.

⁵⁹ Сиддиков М. Тасаввуб ва XVI–XVIII аср адабиёти тили. //Адабиёт кўзгуси. Тўплам. №8 – Б.224.

⁶⁰ Кудратуллаев X. Бобур армони. – Тошкент, 2005. – Б. 364.

Ватан айрилиқ ва ҳижрон азобини ҳеч бир ижодкор Бобур даражасида дард билан ифодаламаган.

Бобур шеъриятдаги анъанавий висол ва ҳижрон, вафо ва бевафолик, умид ва ноумидлик тазодини ҳаётга жуда яқин тарзда ёритишга эришган. Шоир ўз шеърларида ёр образини гул, ой, қуёши, жон, гунча, пари, моҳ, ҳур, жонон, рафиқ, дўст, шоҳ, Лайли, Ширин, баъзан эса дилдор, дилором, гамгусор, соҳиби камол, раҳнамо, нозук, париваш сўзлари билан тавсифлайди. Гунча даҳан, қадди шамишод, шакар сўз, сарвқад, юзи насрин, юзи қуёши, лаъли майгун, кўзи хумор, гул чехра, зулфи паришин, қоши ё, тиши дур – булар ҳам Бобур шеъриятида ёрга нисбатан кўлланган ташбеҳлардир.

Шеъриятдаги ҳар бир поэтик образ ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки улар инсоннинг ички оламини акс эттиришда таъсиран восита саналади.

Бобурнинг ёр образини ифодалашда кўлланган сўз ва ибораларни қайд этдик. У ошиқ образини ифодалаши учун қул, телба, Мажнун, бемор, дардман, гарип, хор-тикон, парвона, зор, им, бедил, расвойи олам, мискин, хотавон, булбул каби сўз ва иборалардан фойдалантган.

Шарқ шоирлари ижодида бўлгани каби Бобур лирикасида ҳам ёрнинг бевафолиги, бераҳмлиги таърифтавсифи кенг ўрин тутади. Шоир ғазал, рубоййларида гўёки “мехру вафога” қарши “жавру жафо”нинг қандай ва қайси тарзда устунликка эришиши бирма-бир очиб берилади.

Чунончи ёрнинг жабру зулми зўрайган сайин, ошиқнинг яхши сифатлари ёрқинлашиб боради. Бобур бу ҳолатни ёритишида гул ва булбул образидан моҳирлик билан фойдаланади. Шоир шеъриятининг ўзига хос ушбу жиҳатини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Маълумотларга кўра, Нил дарёси бўйида яшаган қадимги мисрликлар гулни муқаддас гиёҳ деб билишган экан. Кейинчалик бу тасаввур ва тушунча Бобил (Вавилон) ва Эронга ўтган. Ўрта асрларда Европада гул номи билан боғлиқ шаҳарлар (Флоренция, Венеция) пайдо бўлган ва ушбу шаҳарлар номига муносиб равишда гуллаб-яшнаган. Европада илм-фан соҳиблари ва санъаткорларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши мақсадида уларнинг бошига лавр-дафна гулчамбарни

кийдирилган ёки бўйнига осилган. Бизда кишилар ўзини хушнуд қилиш, кайфиятини чоғ қилиш мақсадида чаккасига гул қистириш одатлари бор.

Қадимги Хитойда императорлар хонадонида гул алоҳида ўзозланиб, парвариш қилинган, хукмдорларнинг тожи гул билан безатилган. Хитойликлар турмушида ҳозир ҳам бу ҳолни кузатиш мумкин.

Кўпгина ҳалқлар адабиётида ёр гулга қиёсланади ва аксинча гулни ёр дейиш урфга айланган. Бу гул ҳакидаги тушунча жуда кенг мазмунга эга эканлигини билдиради. Ҳалқ оғзаки поэтик ижодида гул ҳақида қўшиклар жуда кўп. Чунки гул ва булбул тимсоли ҳам кўпгина бошқа образ ва тимсоллар сингари дастлаб ҳалқ оғзаки шеъриятида пайдо бўлган. Албатта, бу тимсолларнинг мумтоз шеъриятимизда кенг ўрин ҳгаллашида форс-тожик адабиёти ҳам самарали таъсир кўрсатган. Ушбу анъанавий поэтик тимсоллардан шоирлар қандай мақсадда фойдалангани ва уларни қай даражада янгилай олганлигини алоҳида диққат қилиш лозимdir.

Умар Хайём, Атоий, Лутфий, Жомий, Алишер Навоий каби Шарқ шоирлари ҳам гул образига кўп мурожаат қилган. Умар Хайём бир рубоийда шундай деган:

Гул кулиб боқарди, май жомда ёқут,
Бир маст булбул кўриб, этолмай сукут,
Юрак тили билан шивирлаб айтди:
Умар ўтиб боради, ҳар фурсатни тут.

Умар Хайём ижодидаги гул ва булбул кўп ўринда май тимсоли билан бирга қўлланади. У тимсоллардан фикрини баён этиш учун эмас, балки чукур фалсафий маънони ифодалаш мақсадида фойдаланган.

Атоий гул тўғрисида бундай деган:

Үёткөндин қизил гул кўнглаки гарқи арақ бўлсин,
Юзи гулишан сари гулгун қиё bogin беза-беза.

Лутфий ижодида эса гул ва булбул нозик, нафис ва теран маънога эга тимсол сифатида кўринади:

Юзунг сифоти Лутфий сўзин нозук айлади,
Гул садқаси дурур, неки булбул наво қилур!

Ёр юзининг гўзаллиги лирик қаҳрамон сўзини латиф айлаган. Булбулнинг ҳазин навосида ҳам гул туфайлидир.

Алишер Навоий ижодида ҳам гул ва булбул тимсолидан жуда кенг фойдаланилган. Навоий лирикасида гул тимсолининг кўплаб рамзий маъно ва образлари баён этилган. Бу ҳақида ёзар экан адабиётшунос А. Валихонов Навоийдаги гул образини саккиз қисмга ажратади ва уларни алоҳида-алоҳида сарлавҳалайди⁶¹.

“Бобурда ўзига хос бир гулпастлик завқи бор. Шоир баъзан гул тимсолини шундай ташхислантирадики, – дейди адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул, – ҳаёлингизда гулдай нозик, гулдай сехрли бир санам жонланиб кетишини сезмай қоласиз. Бобур шеърга гулнинг муаттар бўйи, рангин бўёқлари ва бетакрор жозибасини мужассамлаштирган шоир. Чунки қаламни у қачон фикр, қачон рух ва туйғу ёки ҳол ва эҳтирос “қўлига” тутқазишни жуда яхши фарқлайди”⁶².

Бобурнинг наздида ёр – гул, ошиқ эса “ҳақир булбул”. Маъшуқа – шуъла, ошиқ – шу оташда ёнган кул. Шоир ушбу образлар воситасида маъшуқани шоҳ, ўзини эса “ҳақир булбул”дан ҳам паст даражада кўрсатади:

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласен, ул шуълага мен қулдурмен.
Нисбат йўқтур, деб ижтииноб айламаким,
Шаҳмен элга, vale сенга қулдурмен!(184–185)

Бобур ёрни тўғридан-тўғри “гул” деб атайди ва унга “гул” деб мурожаат қиласди. Бинобарин, Бобур ёрни гулга нисбат беради ва дейди:

То сабо зулфини ул гулнинг паришион айлади,
Жон била ақлу кўнгулни елга бердим совуруб.(34)

Сабо ва ел айни бир маънодаги сўзлар. Аммо зулфинг паришионлигини сабо нақадар аниқ гавдалантирса, ел «жон била ақлу кўнгулни» шамол(ел)га совирилишига шунча ишонтиради. Бу шоирнинг сўзни нозик ҳис қилишини билдиради.

Шоир пора-пора бўлган кўнгилни гул ғунчасига ўҳшатади: “Чок кўнглум ҳайъати гул ғунчаси андомида”.

⁶¹ Қаранг: Валихонов А. Ғазал нафосати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – 98–67 бетлар.

⁶² Ҳаққул И. Ким нимага таянади? – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 52.

Бобур кўнгилнинг кўринишини гул ғунчасига шаклига қиёсламоқда. Шоирнинг яна бир ғазали мақтасида ғунчадек қават-қават қонлик кўнгил ҳакида сўз юритилади.

Менинг кўнгтумки, гулнинг ғунчасидек таҳ-баташ қондур,

Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоги не имкондур.(51)

Бобурнинг бошқа бир ғазалида ўқиймиз:

Юзунгдин айру мен хор, эй азизим,

Киши гулдин айрмас хорларни.(138)

Шоир бу ўринда ёрга “азизим” дея мурожаат килиб, ўзини “хор” деб атайди. Бобур айрилиқда азобланиб таҳқирланганини, гулдан тиконни ажратиб бўлмаслигини таъкидлаш билан “хор” сўзини икки хил маънода ишлатади. Биринчи мисрада “Сендин айрилиб хор бўлдим” деса, иккинчи мисрада гулдан тиконни айрмаслик лозимлигини таъкидлайди.

Ёр юзини гулга қиёслаш, ёрни “юзи гул” дея таърифлаш Бобур шеърлари учун одатий ҳол:

Гаҳи гулдек юзини ул шакар сўзлукнинг исласам,

Гаҳи шаккар киби ул юзи гулнинг лаълидин тотсам.(85)

Ёки:

Баҳору бое сайрин не қиласайким, дилситонимнинг

Юзи – гул, зулфи – сунбул, қомати сарви ҳайрамондур.(51)

Бобур ижодида бошдан охир гулга бағишлиланган шеърлар ҳам талайгина. “Ғунчадек кўнглум менинг гулзор майли қиласайким”, “Хазон янроғи янглиг гул юзунг ҳажрида сарғардим”, “Гул жамолин ёпкон ул гулнинг ики райхонидур” мисралари билан бошланувчи ғазаллар унинг ана шундай шеърлари сирасига киради.

Шоир лирик қаҳрамонининг ҳаяжонлари, қайфу ва шодликлари реал ҳаёт воқеа-ҳодисаларига уйғун тарзда ифодаланади..

Гул ва булбул тимсоли Бобур учун ўз ички дунёси ва изтиробли руҳий ҳолатларини таъсирчан ифодалаш воситаси бўлган, дейиш мумкин.

Ғунчадек кўнглум менинг гулзор майли қиласайким,

Ғам била бутган кўнгул гулгашт ила очилмагай.

Шоирнинг кўнгил ҳолини байтдаги ”ғунчадек“ сифатлаши ҳамда “гулзор майли”га рағбатсизлик ҳолати

ифодалайди. Унинг кўнглини ғам-ғусса эгаллаб олган. Шунинг учун ҳам у “гулгашт ила” очилиб-сочилмайди. Буни эса кимгадир билдириш керак. Шоир боғбонга мурожаат қиласиди:

*Ранга-ранга гулларингни, боғбон, раз этмаким,
Таҳ-батаҳ қоилиг кўнгул гул орзусин килмагай.*

Боғбон, сен ранг-баранг гулларингни кўп мақтама: Тушунсанг-чи, лахта-лахта қонли кўнгилга гул ҳаваси сиғармиди?

*Йўқтур улким гул юзунгдин айру боқсам гул сари,
Гунача янглиг кўнглума юз хори ғам санчилмагай.*

Лирик қаҳрамон гулзордаги гулдан юз буриб, ўзининг ҳаёт гулини шарафлайди: гул юзингдан кўз олиб, гулга назар солмасман, шунда ғунчадек кўнглимга юзлаб ғам тиконлари санчилмайди, – дейди у.

Навбатдаги байтда ўқиймиз:

*Оразу қаддингни таъриф этсалар юз йил, ҳануз,
Эй юзи гул сарвқад, юздин бири айтмилмагай.*

Эй юзи гул, сарвқад! Жамолинг, қадду қоматингни юз йил таъриф этсалар ҳам, унинг сифатларидан юздан бирини ҳам айтиб бўлмайди. Шунинг учун ўша гулдан ажралмаслик зарур:

*Сендин айрилдим эса бўлди насибим хори ғам,
Сендин, эй гул, эмди Бобур бир замон айрилмагай.(137)*

Бошқа бир ғазалида шоир:

*Сен гул киби то ғамзадасен ҳуснунга магрур,
Булбул киби ғамзадамен ҳуснунга ҳайрон.(93)*

“Ғамзадасен” ва “ғамзадамен” сўзлари факат бир товуш билан фарқланади. Бироқ биринчи “ғамзадасен” сўзи “ноз-фироқ” қиляпсан маъносини англатса, иккинчи “ғамзадамен” сўзи эса “ғамнокман” маъносини ифодалайди.

Бобур шеърларида гул ва булбул тимсолига теран маъноларни жо этади. У маъшуқани ҳаст бўстонининг тенгсиз гули, ошик тақдирини ҳал қилювчи гўзаллик маъбудаси сифатида таърифлайди ва унга кўл эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Куйидаги сингари сатрларда Бобур шеъриятининг ўзига хослиги ва ҳастийлиги ёрқин намоён бўлади:

*Юзунг била лабларинг эрур гул, мулдек,
Балким, юзунг олида эрур гул қулдек.*

*Бобур киби ишқдин дам урмайдур эдим,
Эй гул, мени ишқинг айлади булбулдек.(170)*

“Балки юзунг оллида эрур гул қулдек” мисрасида ўтибор берилса, гулни қулга қиёслашнинг янгилиги билинади.

Унинг таърифлашича, ёр юзи шу даражада гўзалки, гул ҳам унинг олдида сажда қилиб, қул бўлишга тайёр туради. Ҳеч бир шоир ёр юзи ва гулни бу тарзда таърифламаган. Бобур шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган ва изчил тарзда қўлланилган анъанавий поэтик тимсоллардан бири сочдир. Шоирнинг айрим ғазалларида сўз сочдан бошланиб, сочга тегишли гап билан ниҳояланади. Унинг “Сочинг” радифли газали эса қуидаги байт билан бошланади:

*Кўнгулга бўлди ажойиб бало қаро сочинг,
Шикаста кўнглума эрмииш қаро бало сочинг.*

Бунда ёр сочининг қаролиги кўнгилга бир бало, шунчаки бало эмас, балки шикаста синган кўнгилни зулматга солгани таъкидланган.

*Бошиимга чиқти тутун рашиқдин қаро сочин,
Аёққа тушигали, эй сарвноз, то сочинг.*

Халқ тилида жаҳли чиққан кишига нисбатан бошидан тутуни чиқди, дейилади. Лирик қаҳрамонни рашқ шу ҳолга солган. Агар ёр сочининг оёққа тушгани, яъни узунлиги назарга олинса, рашкнинг сабаби равшанлашади. Навбатдаги байтда ўқиймиз:

*Муяссар ўлди жунун мулки, эй жунун аҳли,
Нисори ашкни эмди бу кун манго сочинг.*

Ошиқ “жунун мулки”га етишганидан дили завққа тўлиб, “жунун аҳли”га мурожаат этади: “Нисори ашкни эмди бу кун манго сочинг”. Бу сатрда “сочинг” сочмоқ мазмунида ишлатилган. Сочнинг сехридан бир эмас, бир қанча кўнгиллар шикастланган. Бунинг бир давоси, “қора соч”нинг рўмолдан кутулиб, очилмоғидир:

*Сочинг шикастида бордур шикаста кўнгуллар,
Кўнгуллар очилур, очилса ул қаро сочинг.*

Шу ишнинг шукронаси эса мақтаъда айтилган:

*Очилиди кўнгли, чу очтинг сочингни, Бобурнинг,
Не айб агар деса дилбанду дилкушио сочинг!(72)*

Шоир ғазалларидан бирининг матлаъсида ҳам соч “савдоси”дан баҳс юритилган:

*Сочининг савдоси тушибошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошидин яна.*

Соч, “савдо” сўзининг ҳам туб луғавий маъноси – қора. Сочининг ғами бошидан яна бошимга тушди; “Тийра бўлди” – яна қоронғу бўлди ҳаётим ёрнинг қаро қошидан.

Ушбу ғазалда матлаъдаги биринчи мисра, мақтаънинг охирги мисрасида ҳам келиб, зеб мисра, яъни ҳусни мисра ҳосил қилган. мақтаъ:

*Оёғим етганча Бобурдек кетар эдим нетай,
Сочининг савдоси тушибошима боштин яна.(116)*

Бундай зеб мисралар ўзининг шакли, оҳанги гўзаллиги билан бошқа, мисралардан алоҳида ажralиб туради.

Кўйидаги байтлар ҳам ёр сочи рамзини ифода этган:

*Очилиб икки сочи, юзига ёйилмисилар,
Ёруқ жаҳонни кўзумга қоронегу қилмисилар.(42)*

*Ул пари ишиқида, Бобур, кўнглум андоқ телбадур–
Ким, сочи занжисиридур чоҳи зақан зиндонидур.(50)*

*Сочию қошию кўзидин бошта ҳаводур,
Не бошда ҳаво–ҳар бириси боиқа балодур.(58)*

Бобур ижодида кўз тимсоли кўз ёш, қон сўзлари билан бирга ифодаланади. Бу тимсол лирик қаҳрамоннинг кечинма, ҳолатини аниқ кўрсатишга, шеър маъносини очиб беришга самарали хизмат қиласи.

Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул: “Айрим мутасав-вифлар, айниқса, Имом Ғаззолий инсоннинг зоҳирий – ташки кўзига муқобил бир ботиний – ички кўзи ҳам бор бўлиб, унга “қалб кўзи”, “маънавий кўз” дейилади, деган фикрни баён этган”⁶³, дейди. “Кўз” сўзини кенг маънода тушуниш мумкин: “кўнгил кўзи”, “қалб кўзи”, “руҳ кўзи”, “басират кўзи”, “маънавий кўз”.

Бобур ватандан олисда, мусофириликда ватан соғинчи билан яшади. Шунинг учун у ватан тимсолини яхлит тасаввур этди, кўрди, унинг меҳрини, қадрини теран ҳис этиб, идрок

⁶³ Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 94.

қилди. Ватан, диёр, ёр ҳажри, соғинч дарди унинг шеърларида яккол намоён бўлган. Бобур шеърларида “кўз ёши” ибораси кўп ишлатилган. Унга боғлиқ ҳолда “қон” сўзи ҳам кўп ўринда қўлланган. Бу Бобурнинг ватан ҳажрида кўп изтироб чекиб, кўз ёш тўkkанидан далолат беради.

“Кўз ёши” шоир шеърларида гоҳ “ашк”, гоҳ “гирён”, “сиришк” шаклларида учрайди. Кўз ёш – ҳис-туйғу, изтироб ифодаси. Кўз турли туйғу, кечинмаларнинг ижрочисидир. Лекин кўз ўзгаларни кўради-ю, ўзини кўра олмайди.

Мену кунжси ғаму оху фигону ашки хунолуд,

Не хуидур гўшаи холи, майи софии ҳамдамлар.(41)

Бобур шеърларида қонли кўз ёшини ифода этишда қон сўзини: “хунбор”, “чашиби хунфишон”, “ашки хунолуд” тарзида ёзади. “Ашки хунолуд” – кўз ёшим қон деган маънени билдиради. Бу дунёнинг ғаму ташвишидан оху фифон қиласвериб, лирик қаҳрамон қон йиғлайдиган бўлиб қолган.

Кўз ёши мантиқий равишда қон билан боғланиб кетади:

Ол юзи кўз ёшилини қон қилди,

Қўргач-үқ деб эдимки, ол қилур.(47)

Шоир юзининг қизиллиги билан қон ранги ўхшашлигига эътибор қаратган. Ёр юзининг қизиллиги кўз ёшини ҳам қизартириб қон қилган.

Яна бир мисол:

Кўз ҳажрида, юзи ёдидга, сўзи шавқида

Хотирим ағгору жиссим зору кўз хунбордур.(54)

Нутқимизда “қон йиғлаш”, “аҷчиқ йиғи”, “шўр кўз” ёши каби иборалар қўлланилади. Бу байтда “хунбор” сўзи (қон йиғловчи) ошиқ қай даражада изтироб чекканини аниқ кўрсатади. Бобур бу хил изтиробни бошидан кечирган ва айни пайтда халқ ибораларидан ҳам боҳабар бўлган.

Чоғир бағир қонидур барча ишқ аҳлига,

Зиҳи аларки, бу майдин даме ойилмишлар.(42)

Ишқ аҳли учун май бағир қонидур. Бағир қонисиз эса яшаб бўлмайди. Ишқ майи ишқ аҳли учун қондек зарур.

Оҳу вовайло – сурудум, дарду ғам – ҳамсуҳбатим,

Бода – ашким қони, ким кўрди мунингдек базми хос?(65)

Оху нола шоир учун мусиқа, дарду ғам – суҳбатдош; қонли ёш – май. Бу йўсин хос базмни ким кўрибди?

*Күз йүлидин ул пари хуснин назар айлар эдим,
Қон ёшым ул йүлни тутти, эмди қондин күргамен?!*

*Күз күрар, лекин солур мени балога бу күңгүл,
Бу балони неча чаими хунфииондин күргамен.(89)*

Күз воситасида “ул пари” хуснига қараганимда, қонли ёшим парда бўлиб олдимни тўсди. Бунинг учун қондан иддао қиласманми? Күз кўради-ю, кўнгил мени балога гирифтор килади. Менга бу бало қон тўкар кўз туфайли келди деб биламан. Кўз кўрмаганида эса кўнгил бунча азоб тортмас эди. Висол йўлини, нигоҳини тўсган қонли кўз ёшдан кўраман.

Кўпгина шеърларда қош тимсоли кўз тимсоли билан бирга келади.

*Кўзлари сайд айлар учун телба кўнглумни менинг
Қоши ёсини қуруб, кирпик ўқини тўлдурууб.(34)*

Шоир ошиқнинг ишқдан телба бўлган кўнглини ёрнинг кўзи ов қилиш учун қошини камон, кипригини ўқ қиласди, деб таъкидлади.

*Қошингдин мени ўқдек ташлар учун,
Янги ойдек қошингни ё қилибсан.(88)*

“Қош” сўзи ғазалларда икки хил маънода келади. Бу байтда ҳам “қошинг” биринчи мисрада шаклдош сўз бўлиб, у қошингдан, яъни ёнингдан маъносини англатади. Лирик қаҳрамон, ёрига ёнингдан мени тез узоклаштириш учун, янги ой каби қошингни нозик ўйдек керибсан дейди.

*Ибодат вақти бўлса, ҳар неча меҳроб ўтрумда,
Қошин нақшини тасаввур қилмагунча ерга бош чолмон.(98)*

Ошиқ ибодат вақтида меҳроб олдида ёр қоши нақшини тасаввур этмагунча, саждага бош кўслмайди.

*Чун фалак қўймас мени бир лаҳза вasl айёмида,
Тонг йўқ, эй бемехр, агар ўлсам фироқинг шомида.*

“Чун фалак қўймас мени бир лаҳза вasl айёмида” деб бошланувчи ғазалда ёр зулфи тимсоли ғазал маъносини тўла очиб беришга хизмат қилган. Матлаънинг иккинчи мисрасида шоир “Тонг йўқ, эй бемехр, агар ўлсам фироқинг шомида”, дейди. Яъни танг қоладиган жойи йўқ, эй бемехр, агар фироқинг шомида ўлсам. Агар “меҳр” ва “шом” сўзларини қиёсий қаторга кўйсак, уларнинг мазмунида ички мантикий

боғланиш бор. “Мехр” сўзининг туб маъноси “куёш” эканини хисобга олсак, бу боғланиш яна ҳам равшанлашади, “мехр” билан “шом” бир-бирига қарама-қарши икки қутб.

Кейинги байтда:

Эй кўнгул, юзин кўруб, зулфи паришин согин,
Шоми ҳижрондин таваҳхум айла васл айёмида.

Ошиқнинг кўнгли тўлмайди. У ёр юзини кўриб турган вақтида ҳам, унинг паришин зулфини соғинади. Ёр висолига етганида эса ҳижрон шоми ёдига тушади.

Зулфидаким, маскан эттинг, кўр занахдон чоҳини,
Воқиф ўлгилким, эрурсен ажсадаҳонинг комида.

Ёрнинг зулфида маскан этгани билан юзидаги кулдиргичи чоҳ каби домига тортади. Ёрнинг макри олдида доимо ҳушёр бўл. Чунки зулфи, занахдон чоҳи – ёрнинг тузоқлари.

Гунчадек оғзинг гами кўнглумда гар йўқ, бас недур
Чок кўнглум ҳайъати гул гунчаси андомида?

Ёрнинг зулфи олдидағи гунчадек оғзи кўнгилга сиғмайди. Чунки ошиқ кўнгли гул ғунчасидек чок-чокидан сўкилиб, пора-пора бўлган.

Ёрнинг пайгоми етгач, тоғти жон фарсуда тан,
Исо эъжози магар музмардуур пайгомида?

Ёрнинг хабарини эшитгач, жон танасига қайтди.
Ғазалнинг мақтаъсида шоир ташбех санъатидан фойдаланади:

Бобур, ул гул зулфи остинда эмастур холлар,
Жон қушин сайд айлар учун доналардур домида.(30–31)
байтида ёр зулфи остидаги холларни хол деб ўйламанг, улар жон кушини овлаш учун тузоқ атрофига сепилган донлардир, дейди. Шарқ адабиётида ёр зулфини тўр, тузоқка ўхшатиш кенг тарқалган.

Зулф тимсолига яна бир мисол:

Зулфунг черигини ийгки, жамъи
Бу фитнадин асрү қўзғолибтур.

Бобур ҳукмдор бўлгани боис доим черик, яъни қўшин билан бирга юрган, қўшин доимий ҳамроҳи, ҳамдами; черик ҳамиша унинг дикқат марказида турган, черик унинг тақдиррида ҳал қилувчи ўрин тутган.

БОБУР ШЕЪРИЯТИДА ТАБИАТ ЛИРИКАСИ, ВАТАН ОБРАЗИ

Бобур ғазал ва рубоийларида табиат ҳодисаларини, қиши, ёз фаслини жон, күнгил, даврон, замон каби рамз ва образлар билан боғлиқ тарзда таъриф-тавсиф этган. У ёр васлига зор ошиқнинг ҳолатларини ифодалашда табиат ҳодисаларидан, қиши, ёз, баҳор тимсолларидан, пейзаж лирикасидан унумли фойдаланган.

Маълумки, мумтоз адабиётдаги аксарият поэтик тимсоллар дастлаб ҳалқ оғзаки ижодида, қўшиқларда қўлланган. Бу хил тимсоллар, асосан, табиат ҳодисалари ва кишиларнинг тасаввурлари билан боғлиқ. Жумладан, йил фасллари – қиши ва ёз-тимсоллари. Бобур ижодида ҳам қиши, баҳор, ёз, ҳазон мавсумига доир шеърлар кўп. Уларда Бобурнинг табиатга меҳри акс этган. Шоирнинг ғазал, рубоийлари унинг табиат ҳодисаларидан бениҳоя таъсиранганидан далолат беради. Демак, табиат мавзуси худди Ватан ва муҳаббат мавзулари каби Бобур шеъриятида мухим ўрин тутади.

Бобур табиат мавзусини акс эттиришда ҳам анъанавий поэтик деталь – поэтик тимсолларнинг янги қирраларини топиб, уларни янгича талқин этади:

*Баҳору боғ сайрин не қилайким, дилистонимнинг
Юзи – гул, зулфи – сунбул, қомати сарви хиромондур.(51)*

Шоир баҳор чоғи боғ сайрини ҳам писанд қилмайди, қачонки, “...дилистонимнинг юзи – гул, зулфи – сунбул, сарви хиромондур”, дейди.

Баҳор шоирлар учун доим илҳом манбаи бўлиб келган. Баҳорни таърифлаб шеър битмаган шоир бўлмаса керак. Чунки баҳорда бутун борлиқ уйгонади, одатда, муҳаббат билан ҳамоҳанглик касб этади. Баҳор табиатда бошланиш, яшариш, янгиланиш фасли бўлгани сингари, инсон маънавий ҳаётида қайта тирилиш, янги жўшқин илҳом баҳш этади.

*Баҳор айёмидур, доди йигитликнинг авонидур,
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.(56)*

Ғазалдаги бадиий-эстетик юқ баҳор – йигитлик, соқий – шароб, гул – сахро жуфтликлар воситасида воқеланади.

Газалдаги замон аник – баҳор, бадиий-психологик макон эса ишрат замони – йигитлик.

Наврӯз ва байрам поэтик тимсоллари асосида яратилган газалда шоир:

Сендин айру наилгаймен ийд ила Наврӯзни,

Ою иши хуаштур сенинг бирла агар бўлсан била, –(129)
дейди. Иккинчи мисрадаги “сенинг бирла” ва “агар бўлсан била” бирикмалари ҳам омофоник, ҳам маъно жиҳатидан яқин бирикмалардир. Шоир уларнинг нозик маъно товланишларидан моҳирлик билан фойдаланган. Фаргона водийси шеваларида бундай ифода кўпинча “агар бўлсан била” шаклида кўлланилади.

Пейзаж (табиат) лирикасига мансуб қуидаги газалида Бобур ўзи орзу қиласидаги турмуш тарзини тасвирлаб беради.

Шоир дастлаб:

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,

Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти, –
деб уч ҳодисани ва уч хил ҳолатни санаб ўтади. Кейин лаф ва нашр санъатидан фойдаланиб уларни бирма-бир тавсифлайди.

Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,

Кимга бу нашъя мұяссар бўлса, бордур давлати.

Инсон баҳтли бўлиши учун жуда кўп нарсанинг кераги йўқ; кишига хотиржамлик, хушкайфиятнинг ўзи кифоя. Бунда ёз фасли хуш ҳавосининг ҳам ўрни бор.

Ишқ дардини чекиб ҳар кимки топса васли ёр,

Ул замон бўлгай унумт юз ишлги ҳижрон шиддати.

Ёз кунларидаги хушкайфиятга ёр васли ҳам қўшилса, ошик юрагида ишқ дарди, унинг чеккан азиятлари, юз йиллик ҳижрони унутилади. Ҳар бир киши эса шундай кунларни орзу қиласиди.

Дўстларнинг суҳбатида не хуши ўлгай баҳси шеър,

То билингай ҳар кишининг табъи бирла ҳолати.

Инсон ҳаётида ёз кечаларидаги дўстлар дийдоридан кўра азизроқ дамлар бўлмаса керак. Шундай дамларда шеърлар ўқилса, газалхонлик кечалари бўлс... Шоир яна таъби назмликни – эстетик дидни улуғлайди.

Ва ниҳоят, шундай хулоса чиқаради:

Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила,

Мундин ортуқ бўлмагай, Бобур, жаҳоннинг ширафати.(150)

Газал бор-йүғи беш байтдан иборат. У куни-кеча ёки шу бугун ёзилгандек. Фикрлар аник ва лўнда. Уларнинг ифодаси содда ва равон. Матлаъдаги “ёз фасли”, “ёр васли” сўз бирикмаларининг сажъ сингари кофиядошлиги ва матлаънинг иккинчи мисрасида “ш” товушларининг тақрорланиши ҳам оҳангдорликни оширган. Шу билан бирга газал Бобур шахсиятидаги муҳим бир жиҳатни ёрқин кўрсатиб берган. Бир сўз билан айтганда, Бобур газалиёти – бу ишқ тангриси – ёрга, сафобахш ҳаётга, хузурбахш инсоний туйгуларга эътиқод; дунёнинг ўткинчи ақидаларидан кечишга даъват; гўзаллик ва ҳақиқатга ошуфталик.

Бобур синоним сўзлардан ҳам ўринли ва интенсив фойдаланган. У маснавийларда шамол маъносини билдирган сўзларни куйидагича кўллаган:

Елдек етиб ул қўёши қошига,
Куюн киби эврулуб бошига.(227)

“Ел” сўзи бир қарашда вазн такозоси туфайли ишлатилгандек кўринади. Лекин Бобур ушбу ўринда мазкур сўзниңг бошқа маънодошларига қараганда, унда тезкорлик, шиддат маъносини кучлироқ ифодалашини назарда тутган. Колаверса, “елдек етиб” бирикмаси анонс ҳосил қилган. Куйидаги мисралар ҳам юкоридаги маснавийга ўхшаш:

Ел киби ет сарвинозим қошига!
Ҳам қуюндеқ эврул онинг бошига!(235)

Шоир бир маснавийда шамолга “эй ел” мурожаат қилиш орқали, лирик қаҳрамон ҳолатини акс эттиради:

Йўқ эмиши сабору саботинг, эй ел,
Хунук эрмииш ҳаракотинг, ани бил.(266)

Пейзаж лирикасида ҳам Бобур жон билан кўнгил поэтик тимсоллари воситасида ўз ҳасби холи, аҳволи руҳиясини талқин этади. Умуман, Бобур шеърларида жон, кўнгил тимсоллари ўзгача ифодасини топган. “Бобурнома”да этироф этишича, Бобурнинг даастлабки тугалланган шеъри унинг “Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим” мисраси билан бошланувчи ғазалидир. И.В.Стеблева ушбу ғазал тўғрисида шундай дейди: “Бобур ғазалларининг кўпчилиги маъшуканинг гўзаллиги ва анъанавий ошиқнинг ишқий кечинмаларини тасвирилаш мавзусидан кўра, унинг ҳаёт ва тақдир

карбаларидан шикоятларини тавсифлашга бағишиланганлиги билан ажрабиб туради”⁶⁴.

*Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.*

Газал ҳалқ сўзлашув тилига яқин лафзда, тушунарли, равон ёзилган. Ҳасби ҳоли қандай бўлишидан қатъи назар, у ҳар инсоннинг кўнглига яқин ҳолатдир. Ҳар бир кишининг кўнглидан Бобур ғазалларида таърифланган кечинмалар ўтиши табиий. Лекин кўнгилнинг бу маҷхул, мураккаб ҳолатини аник, равshan, содда талқин этиш Бобур шеъриятигагина хос.

*Жонимдек ўзга жонни дилафгор кўрмадим,
Кўнглим киби кўнгулни гирифтор топмадим.*

Бу байтда ҳам жон, сўзи орқали кўнгилнинг ахволи талқин этилади. Бобур “каби” кўмакчисини кўпроқ “киби” шаклида қўллайди. Лирик қаҳрамон “...васлиға ўзумни сазовор топмадим” деб ночор ахволда қолади ва ёр васлиға этмаганидан:

*Бори борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,
Нечаки бориб эшигига бор топмадим.*
деб изтироб чекади. Шундай бўлса-да; яна бир сафар эшигига борай-чи, “эй кўнгил”, деб шоир кўнглига хитоб қиласди. Ошик маъшуқа эшиги олдига кўп бориб уни топмаганидан ўксинади. Шеърдаги “эшик” сўзи Фарғона шевасида, ҳовли-жой маъносини билдиради.

Лирик қаҳрамон ўзига ўзи панд-насиҳат қиласди, тасалли беради:

*Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни, мунча қилиб ёр топмадим.(79)*

Бобур лирик қаҳрамонга айланиб, ўзининг жаҳонни кезиб, сарсон-саргардон кезиб, ватандан, ёрдан жудо бўлгани, одамлардан вафо, садоқат топмаганини сўзлайди. Бундай ғамалам ҳасратга тўла ғазаллар шоирнинг салафлари ижодида ҳам кўп учрайди. Бу Бобур шеъриятининг маълум анъаналар негизида равнақ топганидан далолат беради. Бироқ салафлари

⁶⁴ Стеблева И.В. Захираддин Мухаммад Бабур – поэт, прозаик, ученик. – Ташкент: Фан, 1983. – С. 9.

шісірлари билан Бобур шеърлари қиёсланса, унинг ижодида лирик қаҳрамон киёфаси янада равшанлашгани у қўллаган тимсоллар мавхум эмас, аниқ, ҳаётий экани яққол сезилади.

Маълумки, муаллиф, лирик қаҳрамон ва шоир шахси бир киши эмас. Уларнинг дид-қарашлари, кайфияти ҳамиша ҳам бир-бирига мувофиқ келавермайди.

Бегона бўлса ақл мени телбадин, не тонг,

Чун бўлди ул парисифатим ошно манга, –(29)

деган шоир лирик қаҳрамон сиёқида:

Эй кўнгул, юзин кўруб зулфи паришинонин соғин,

Шоми ҳижрондин таваҳҳум аила васл айёмида.(30)

деб мурожаат килади. Албатта, лирик қаҳрамоннинг ҳадиги бежиз эмас. Чунки ҳар нафасда тўқнаш келиши мумкин:

Ул парининг тигидин қўрқутма мени, эй рақиб,

Ишқида бошимга менинг ҳар не келса, ё насиб!(33)

Професор А.Ҳайитметов: “Лирикада шоир ўзининг борликқа, жамиятга, жамият масалаларига бўлган муносабатини лирик қаҳрамон хатти-ҳаракати, ўй-фикрлари, хулқ-атворлари орқали очади”⁶⁵, деб таъкидлайди.

Масалан, Оллоҳга муножот қилиб айтилган қўйидаги рубоийдаги лирик қаҳрамон киёфаси ва унда қўлланган тимсол анъанавий шеърлардагидан кўра реал ва конкрет:

Руҳим яратиб эдинг латофат бирла,

Қилдинг анга танни ҳамраҳ офат бирла.

Руҳимни чу тан уйига келтурдунг пок,

Мундин бори элтма касофат бирла.(193)

Бобурнинг мазкур рубоийси ҳақидаги адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул шундай дейди: “У Руҳнинг латофатига ишонарли. У Руҳнинг улуғ ғамхўри эди. У Руҳнинг “тан эви”да офатсиз, касофатга йўлиқмасдан, ҳур ҳаракатда бўлишини хоҳларди”⁶⁶. Рубоийда биргина “тан эви” бирикмаси “тан уйи” деб ўзгартирилса, ушбу рубоий гўё куни кеча ёзилгандек тушунарли ҳолга келади. Рубоийнинг сўнгги сатридаги “элтма” сўзи “элитма” шаклида берилган.

⁶⁵ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: Фан, 1961. – Б. 162.

⁶⁶ Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б. 171.

“Элитмок” сўзи эса сархуш бўлмок, караҳт қилмоқ маъносини билдиради. Шунинг учун рубоийда “Элтма” шаклида ёзилса, тўғри бўлади.

*Ислом учун овораи ёзий бўлдум,
Куффору ҳунуд ҳарбсозий бўлдум.
Жазм айлаб эдим ўзни шаҳид бўлмоқча,
Алминнатуллоҳки гозий бўлдум.(180)*

Бобур нақшбандия тариқати намояндаларига ҳамиша юксак эҳтиром кўрсатган. Лекин унинг ушбу тариқатга киргани тўғрисида аниқ матъумотлар йўқ. Шунинг учун уни “сўфий шоир” деб бўлмайди. Лекин Бобур Навоий каби нақшбандия тариқатига эътиқодли бўлган. У кучли иродали инсон бўлганидек, иймонда ҳам событ бўлган. Виждан, ростгўйликни инсон камолотида биринчи ўринга қўйган. Бобур юқоридаги мисраларда ислом йўлида ғозий бўлганидан сўзлайди.

Комилликнинг қадрига етмай, шеърни тақиқлаган *тири нокомил* хусусида Бобур шундай дейди:

*Шаих шеърим манъ этар, етмай балоғат лутфига,
Найлагай, ё Раб, киши бу пири ноболиг била?!(126)*

Жаҳолат доимо Бобурни азобга соглан. У шеърни ҳис кила оладиган ёру дўстларни қадрлаган. Шеърларидан бирида “Ёр улдурки, шеърга майли бўлса”, яъни шеърни тушунадиган, ҳис қиласиган ёр бўлса, дейди. Шу масалада шоирнинг ички оламида баъзан зиддиятли кураш кетган. Бобур шоҳ сифатида иш тутган. Лекин воқейликни шоирона қалб билан ҳис қилган. Унинг ижодида ана шу мураккаб жараён акс этган.

Шоир ижодида шукронга мазмунидаги шеърлар ҳам мавжуд:

*Кўзум уйи юзидин мусаввар бўлди,
Бу ваях била кўнгул мунаввар бўлди.
Юз шукрки, Бобур киби ошиқликда,
Ҳар неки тилаб эдим мұяссар бўлди.(201)*

Бобур кўнгли ёришган, орзулари амалга ошган дамларда фойт таъсирчан шеърлар ёзган. Улари бугун ҳам кишида ўзгача таассурот қолдиради. Бу Бобурнинг “мен”и – лирик

қаҳрамони ҳаётий эканини билдиради. У“дунёи фарсуда” ҳақида хайёмона мушоҳада юритади:

*Ўзунгни шод тутқил, гам ема дунё учун зинҳор—
Ки, бир дам гам емакка арзимас дунёи фарсуда.(120)*

Шоир дунё ўткинчи эканлиги, у гам чекишга арзимаслиги, инсон ҳар лаҳзадан баҳт топиб яшashi лозимлиги, ўзни бу дунё ташвишларига қурбон қилиш бемаънилигини биргина байтда ғоят таъсирчан ифода этади. Шунинг учун адабиётшунос Р.Воҳидов: “Бобур мизонинг барча асарлари тарих қаватларида қолиб кетса-ю, шу биргина матни кўчирилган шеъри авлодлар кўлига етганида ҳам, унинг бекиёс салоҳиятидан дарак берарди”⁶⁷, дейди. Шоирнинг “Яхшилиф” радифли шеърида бир-бирига қарама-қарши кайфият, икки хил ҳолат, икки хил фикр ифодаланади. Бобур дастлаб аламзадалик билан:

*Ким кўруббодур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?
Кимки, ондин яхши йўқ, кўз туттма ондин яхшилиғ! –
деса-да кейин,*

*Бори элга яхшилиғ қилгилки, мундин яхши йўқ,
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ! –(66)*

дэя одамларга яхшилик қилишдан кўра яхши иш йўклигини таъкидлайди. Унинг бу сўзлари авлодларга ўтит сифатида жаранглайди. “Чунки у, – адабиётшунос Эргаш Очилов таъкидлаганидек, – жаҳонда фақат яхшилик пойдорлигига, одам боласидан фақат яхшилик қолишига ишонган. Шунинг учун ҳам барча элга яхшилик қилки, шундан яхши нарса йўқ, токи дунёда фалон кишидан яхшилик қолди, деб эл эслаб юрсин, деган ақида билан яшаган”⁶⁸.

Бобур шеърларида ўзига хос, образ ва тимсоллар ҳам мавжуд. Шарқ адабиётида ит вафо, садоқат тимсоли сифатида талқин этиб келинган. Бобур ҳам бу тимсолни четлаб ўтмаган. У ёрнинг итини ўзига яқин тутади:

*Ёр ити, қичқирма гар Бобур деса ҳолин санга,
Найлайн, бу гурбат ичра сендин ўзга йўқ кипиим.(84)*

⁶⁷ Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур. – Тошкент, 1999. – Б. 6.

⁶⁸ Бобур. Сочининг савдоси тушти. Нашрга тайёрловчи Эргаш Очилов. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 17.

Шоир ёр итига якинлик қилиш билан қаноатланмайды. У ёрга:

*Итингдурмен, сочинг занжисирини бўйнумга маъкам қили,
Ки, водийи фироқинг ичра қўрқарменки, йиттаймён.(100)*

дэя илтижо киласди. Шоирнинг бошқа бир ғазалида ошиқнинг мақсад-муддаоси:

*Қаёнга борсанг, итингмен, ўзумни еткурайин,
Етшиимасам санга, бокиб дуо қилиб ҳуройин.(103)*

дэя янада очик ифодаланади. Ғазалининг кейинги байтларида ошиқнинг истак-илтижоси бундан ҳам кучли эканлиги маълум килинади.

Бобур мазкур шеърида ғазалчилигимизда кам учрайдиган ходиса, янни бир сўз туркумига мансуб сўзларни ўзаро кофиялаштиради: “еткурайин” – “ҳуройин” – “суройин” – “ёшуройин” – “туройин” ва ниҳоят “оин” (“оини”).

Бобур идрокида диёру ёр тушунчлари ўзаро уйғунлашиб кетади. Шоирнинг шеърларидағи тимсол ва рамзларни биргина маъно – Ватан соғинчи бирлаштириб туради. Адабиётшунос Ҳомил Ёкубов Бобур шеърияти хусусида мулоҳаза билдирад экан: “Ёни соғиниш маълум вақтларда юрту диёрини соғинишнинг ифодаси бўлиб чиқди. Кишини ўзига тортувчи, мафтун қилувчи, чиройли ёр билан диёр синоним бўлиб, ҳам маънодош, ҳам оҳангдош бўлиб кетади ва кўпинча кетма-кет тизилади”⁶⁹.

*Кўтдин бериким, ёру диёром ийқитур,
Бир лаҳзаю бир нафас қарориц ийқитур.(163)*

Бобур шеъриятдаги анъанавий тимсолларни кўллаш баробарида улар қаторига янги тимсоллар қўшди. У адабиётимизга реал ва конкрет *Ватан* тимсолини олиб кирди. Бобургача ҳам мумтоз шеъриятда *Ватан* тимсоли бор эди. Бобур “ватан” деганда, Андижонни, Фарғона водийсини, ва умуман, Туркистонни тушунган. Ўз асарларида унинг портретини чизган, пировард натижада, *Ватаннинг* бадиий образини яратган.

*Ёд этмас эмиши кишини гурбатта киши,
Шод этмас эмиши кўнгулни меҳнатта киши.*

⁶⁹ Ёкубов X. Адабий мақолалар. – Тошкент, 1970. – Б. 325.

Кўнглум бу гарибликда шод ўлмади, оҳ

Гурбатта севунлас эмиш, айбатта, киши, -(198–199)

дейди Бобур. Туғилган ютидан жудо бўлгач, шоир *Ватан* образи орқали ўзининг соғинчга тўла ҳиссиятларини ифода этган.

“Бобурнома” асаридағи ўнлаб қайдларда ҳам *Ватан* тимсоли гавдаланади:

Бормоқча не маскан мұяссар,

Турмоқча не давлат мұқаррар.(281)

Шоирнинг айрим рубоийлари дилнинг дилга изҳори, кўнгилнинг кўнгилга талпиниши ва чорлови сифатида яратилгандир. Улардаги сўз ва иборалар айнан юракдан тўлқин уриб чиққандай таассурот уйғотади. Куйидаги рубоийдаги “аҳбоб”, “фароғат тутунгиз”, “ғанимат тутунгиз” сингари сўз ва иборалар орқали инсон умри омонат ва ғаниматлигинигина эмас, балки шу омонатлик ва ўткинчиликда одам бир-бирини қадрлай олиши зарурлигини ҳам чукур таъкидлашга хизмат қиласди:

Аҳбоб, йигилмоқни фароғат тутунгиз!

Жамиятингиз борини давлат тутунгиз!

Чун гардиши чарх бу дурур, тангри учун,

Бир-бирни неча кун ғанимат тутунгиз!(166)

дея жуда таъсирчан ифодаланади. Шеърда “ватан”, “юрг” деган сўзлар йўқ. Лекин ундаги насиҳатомуз гаплар ватаннинг қадри ўтганидан, Ватан соғинчидан туғилганлиги яққол билинади. Бобур рубоийларида Ватан образи, айниқса, бўртиб кўринади. “Азм айла, сабо, ул гули хандонимға”, “Бекайд мену хароби сийм эрмасмен” сатрлари билан бошланувчи рубоийлар ҳам Ватан соғинчи билан битилган. Шоир шеърлари гўё Ватан жузвлари, улар бирикиб, жамулжам бўлиб ватан тимсолини ташкил этади.

Шоир қалбida барибир ватан тимсоли, унинг соғинчи ҳаммасидан устун келади, шунда у надомат билан ёзади:

Бу Ҳинд ери ҳосилидии кўп кўнгул олдим,

Не судки, бу ер мени дилгир қилибтур.(60)

Шеъриятда дўст тимсолини рафиқ, ҳабиб, улфат, ҳамдам, асхоб, ҳамнишин, аҳбоб сўzlари билан ифодаланади. Бобур ижодида дўст тимсоли ватан тимсоли билан

үйғунлашиб кетади. Ватан соғинчи шоир қалбини ўртайди, дүстга мұхтожлик уни азоблайди. Шоирнинг:

Дема, эй ҳамдам, диёру ёр сүзінким, менинг

Улфатим іўқ олам аҳли бирла, бал олам била,(129)
каби мисраларида Ватан соғинчи билан дүстта зор бұлған
қүнгил армонлари бирлашиб кетади.

“Даврон” (замон) тимсоли талқин этилган қуидаги
рубой биографик асосга зга. Унда муаллифнинг ҳасрати,
армони сезилиб туради:

Даврон мени ўткарди сару сомондин,

Ойирди мени бир йўли хонумондин.

Гаҳ бошима тоғж, гаҳ балойи таъна,

Неларки, бошнимга келмади даврондин.(188)

“Бесабрмену бесару сомондурмен” мисраси билан
бошланувчи рубой юқоридаги рубоийга ҳамоҳанг. Шоирнинг
рубоийларидан бирида шундай сатрлар бор:

Гар хотиринг истаса ийборгил савгот:

Маъжуну шаробу оби норанжсу набот.(158)

“Оби норанж” – Бобур шеъриятга олиб кирған янги
деталь, янги тимсолдир. “Оби норанж” ўзбек адабиёти учун
ҳам янги деталь, янги тимсол эди. Халқ қўшиғида теран
моҳиятли ва ўтқир мантиқли “Олмадек оғунаман, беҳидек
соғинаман” деган ташбех мавжуд. Шеъриятда киши дарду
аламдан заъфарондай ёхуд сомон, ёинки беҳидай сарғайиши
айтилади. Ушбу киёс оғзаки нутқда ҳам кенг қўлланади. Бобур
эса бунинг янгича талқинини яратади:

Норанж ийборди сенгаки, билгайсен,

Яъники, бу навъ саргорибтур Бобур.(162)

Шоирни норанждек сарғайишига ундаги Ватан соғинчи
сабаб. Норанж меваси ўсадиган юртда эканлиги, бу меванинг
тилга олининиши Бобурнинг ватандан жудолигини янада аниқ
акс эттиради.

Бобур шеъриятида ёр-ошиқ образларининг гўзалликка
карашларини акс эттирган, Бобур лирикасида алоҳида ўрин
тутган ўзига хос тимсоллардан яна бири ҳаммом тимсолидир.
Бобур салафлари ижодида ҳам ҳаммом тимсоллари мавжуд.
Лекин ушбу тимсол Бобур ижодида янгича сайқал топған.

Бобур шеъриятида бу тимсолнинг алоҳида мавқе касб этиши бевосита унинг ҳаёт йўли билан боғлиқдир.

Бобур амалга оширган прогрессив ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар Ҳиндистон тарихида алоҳида саҳифаларни ташкил этади. Давлат бошлиғи ва одил ҳукмдор сифатида Бобур турли диний эътиқод ва расм-русум, мистик ҳодисаларга дуч келди. У буни ўзининг “Бобурнома” асарида қайд қиласиди. Бобурнинг янги иқлим шароитига кўникиб мослашиши, янги диний эътиқодлар, урф-одат ва удумларни ўрганиб, ўзлаштириб олиши ҳам таҳсинга лойиқ.

Алишер Навоий ва Бобурнинг давлат арбоби ҳамда ҳукм фармон сифатида ҳаммомлар қурилишига алоҳида эътибор берганлари бежиз эмас эди, албатта. Алишер Навоийнинг кичик замондоши Ғиёсиддин Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” китобида: “...каромат эгаси Амир(Алишер Навоий. –Б.Х.) мансабдорлик кунларида ...ҳаммомлар курган”,⁷⁰ деб ёзади. Бу билан чекланмасдан: “Ҳаммомларнинг саноги қуйидагича: “Шифоия” ёнидаги ҳаммом; Зиёратгоҳ ҳаммоми; Тарноб ҳаммоми; Дарраи Занги ҳаммоми; Тувучи ҳаммоми; Чихлдухтарон ҳаммоми; Панҷдех ҳаммоми; Файзобод ҳаммоми; Саидобод ҳаммоми”⁷¹, дея уларни бир-бир санаб кўрсатади. Бу далилни Бобур мирзо ҳам “Бобурнома”да тасдиқлади.⁷²

Самарқанд қалъаси баёнида Бобур мирзо: “Улуғбек мирзонинг иморатларидин... Яна ушбу мадраса ва хонақоҳга ёвуқ бир яхши ҳаммом солибтур”,⁷³ – дея қайд этади. Ўз салтанатида улкан ободончилик ишларини бошлаб юборган Бобур подшоҳ салафлари изидан бориб ҳаммомлар қурилишига алоҳида эътибор берган. Чунки ўша пайтда Ҳиндистонда “ҳаммом йўқ”,⁷⁴ эди. Бу юртда ҳаммом

⁷⁰ Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1989. – Б. 66.

⁷¹ Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1989. – Б. 68.

⁷² Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б.173.

⁷³ Ўша манба. – Б. 45.

⁷⁴ Ўша манба. – Б. 267.

маданиятини Бобур подшоҳ жорий этиб, расм қилган, деб ҳеч иккиланмай айтиш мумкин.

“Хиндустаннинг яна уч ишидан мутазаррир эрдук: бир иссиғидин, яна бир гардидин, яна бир тунд елидин. Ҳаммом ҳар учаласининг дафии эрмиш”⁷⁵, “...намози шом намози хуфтон орасида Дўлтур қўргонига кириб, чароғ била Абдулфатҳ солғон ҳаммомни сайр қилиб...”⁷⁶, - деб ёзади. Бобур мазкур асарда яна бир ўринда: “Панжшанба куни жумодил-аввал ойининг учида боғнинг жанубий тарафида (яъни Дўлпурдаги Нилуфар боғида) ҳаммомға ер тайин қилиб, ҳаммом ерини тузаттилар. Буюрдумким, бу тузалган ерда ҳаммомнинг курсисини қўпорғондан сўнг, ҳаммом тархини солғайлар. Бу ҳаммомнинг бир уйида даҳрда ҳавз буюрдум”,⁷⁷ деб қайд қилган. “Бобурнома”дан бу хил мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин, бизнингча, ҳаммом поэтик тимсолининг устозлар бадиий ижодидаги инъикоси муҳимдир.

Ҳаммом таърифидаги шеърлар ўтмишда “ҳаммомнома” ёки “ҳаммомия” деб юритилган. Турк олими Огоҳ Сирри Лаванднинг ёзишича: “Шоирларнинг ғазалларида ҳаммом тасвиirlари маҳсус ўрин эгаллаган. Каттароқ ҳажмда бўлган ҳаммом таърифидаги шеърларга “ҳаммомнома” ёки “ҳаммомия” номи берилган. Масалан, турк шоирларидан Набийнинг ва Махмед Алининг ғазаллари орасида, Жъарнинг “Хавоснома”, Вужудийнинг “Хаёл ва ёр” маснавийси муқаддимасида ҳаммомномаларга ўрин берилган”⁷⁸. Бундай шеърлар дастлаб форс-тожик адабиётида пайдо бўлиб, XIV асрдан кейин туркий тилда ижод қилган шоирлар томонидан ҳам ушбу мавзудаги шеърлар яратилган. Туркиялик адабиётшунос Искандар Полонинг ёзишича, “Ҳаммомномалар кўпроқ қасида шаклида яратилган. Лекин ғазал, қитъа, маснавий, рубоий шаклларида битилганлари ҳам мавжуд... Ҳаммомномаларнинг аксариятида ҳодиса шоирнинг ҳаммомга келиши баёни билан бошланади. Бу ерда севимли маҳбубини кўриб, ҳайратга тушади ва шеърни шу гўзални

⁷⁵ Ўша манба. – Б. 275.

⁷⁶ Ўша манба. – Б. 316.

⁷⁷ Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 327.

⁷⁸ Огоҳ Сир Лаванд. Турк адабиёти тарихи. 1-жилд. – Анкара, 1984. – Б. 165.

мадҳ қилиши билан давом эттиради. Бундай шеърларда, албатта, “ҳаммом” калимаси ишлатилиб ҳатто, у радиф сифатида қўлланилган⁷⁹. Искандар Поло ҳаммом мавзусида қалам тебратган шоирлар ижоди тўғрисида мулоҳаза юритаркан, Муҳаммад Фузулийнинг қўйидаги байтини мисол келтиради:

Қилди у сарв саҳар ноз ила ҳаммомга хиром,

Шамъи руҳсори ила бўлди мунааввар ҳаммом.

Ҳаммом поэтик деталь ёхуд поэтик тимсол сифатида у буюк зотларнинг ижодида ҳам ўз аксини топганки, бу ҳолни кузатиб чиқамиз.

Ҳаммом тимсоли тўғрисида сўз кетганда кўпчиликнинг хаёлига дафъатан Навоийнинг ушбу маълум ва машҳур қитъаси ёдга келади:

Камол эт касбким, олам уйидин

Сенга фарз ўлмагай гамнок чиқмоқ.

Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ –

Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Навоий мазкур қитъада ёруғ дунёга келган ҳар бир кишининг комиллик касб этмоғи эҳтиёж даражасидаги зарурат деб уқтирган. Қитъада киёсий ташбех усулидан фойдаланган. Ҳаммом ўзида фоний дунё тимсолини инъикос этган.

Ҳаммомга азм айлагач ул шўхи ситамгар,

Ҳаммом юзи акси била бўлди мунааввар.

Лутфийнинг мана шу матлаъ билан бошланувчи ғазали ҳаммом ҳақида бўлиб, олти байтли, тасвирга бой, воқеабанд. Ғазални ўқиши давомида байтма-байт ҳаммом манзараси ўкувчи кўз олдида намоён бўлиб боради.

Гулдек танидин чунки арақ бўлди равона,

Ҳаммом гулоб иси била бўлди муаттар.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Лутфийнинг маҳоратига таҳсин айтиб, “...замон шуароси борча татаббуъ қилдилар (эрғашдилар)”, дейди. Навоийнинг ушбу эътирофи бежиз эмас. Бобур ижодидаги ҳаммомга бағишланган шеърлар

⁷⁹ Поро И. Адабиётшунослик терминлари қомуси. – Истанбул, 2007. – Б. 186.

Лутфийнинг мана шу биргина газалида жамлинигандек, таъсирида яратилгандек таассурот уйғотади:

*Сув гайратидинким танига тегди дамодам,
Жоним бори сув бўлдию ҳолим даги абтар.*

*Эй кошки, мен бўлгай эдим олида ходим,
То васл туни бўлгай эди бизга мұяссар.*

*Кавсар суйи, жсаннат гули олтун, тароз олгоч,
Хурлар келур эрдилар анга бўлголи чокар.*

Лутфийнинг оҳио ўти, кўз ёшига ҳаммомдаги ўту сув бас кела олмайди. Бу тасвир Бобур рубоийсида айнан такрорланади:

*Бу Лутфининг оҳио ўти кўз ёшидандор,
Ҳаммолининг ўтию суйи, туимас анга бовар.*

Бобур ўзигагина хос бўлган ростгўйлик билан ёзади:

*Ҳаммолки, арк ичинда пайдо қилдим,
Согинмаки, судин табарро қилдим.
Суд ушибу эмасмуким, тадбир била
Покиза баданларни тамошо қилдим.(182)*

Аркда, яъни ҳукмдорлар ошиёнида ҳаммом курдирдим. Аммо мени бундан фойда топиб бойимокчи, деб ўйлама. Покдомон бокира вужудларни бу тадбир билан тамошо қилиш фойда эмасми ахир?! – дейди бу рубоийда.

*Ҳаммолки, қилдим кўрунгизким, айём,
Ўҳшатти анинг бори шин манга тамом.
Кўз ёшию кўнгул ўти бирла мендин,
Гулчеҳралар истабон юрийдур ҳаммом.(182)*

Бобурнинг ушбу рубоийсида ҳам маъно-мазмун жиҳатидан Лутфийнинг юқоридаги ғазалида кўрган ҳолатимиз намоён бўлади. Бобур ўзининг ҳолати билан ҳаммом ўртасида яқинлик борлигини шоирона лутф билан шархлайди. Рубоийда маъшуқасига интилган ошиқ изтироблари жуда таъсиричан ифодаланган. Бобур ўз давримда ҳаммом бунёд этдим: унинг фаолияти менинг худди ишу коримга ўхшайди. Менинг қалбим ёнади-ю, кўзим сув тўқади. Гулчеҳралар шунинг учун ҳам ҳаммомга келишини исташади дейди.

Ҳақиқатан ошиқнинг қалби ўртаниб, ишқ оловида куйса, унинг кўз ёшланади. Ҳаммом ҳам ўту сув билан ишлайди. Ошиқнинг ҳолати билан ҳаммомнинг фаолияти орасида ички нозик боғланиш бор.

Бобур мирзо яна бир рубоийсида:

Ҳаммомки, то маскани жонона эмиши,

Анда парилар ҳуснига девона эмиши.

Ул худ паридур борча мулозимлари ҳам,

Алқиссанки, ҳаммом парихона эмиши! (167)

Беш аср аввал битилган ушбу рубоийда ҳозирги ўкувчи учун бирор бир нотаниш сўз ёки бирикмалар йўқ, мураккаб тушунча ҳам йўқ. Рубоий ҳалиқ орасида кенг тарқалган тасаввур асосида битилган. Яъни ҳаммомда инсу жинслар маскан қуради, дейилади. Мана шу тасаввурдан боҳабар ўкувчи шеър мазмунига тушуниб олади.

Юқоридаги ижод намуналарида маълум бўладики, Бобур ўзбек шеъриятида мавжуд ҳаммом поэтик тимсолидан унумли фойдаланган. Хулоса қилиб айтганда Бобур анъанавий тимсолларни янгича талқин этган ҳамда, шеъриятга янги поэтик образлар ва тимсоллар ҳам олиб кирган. Унинг шеъриятидаги *Ватан, байрам, пири нокомил, дунёйи фарсуда, ҳазон япроги, жон, яхшилик, ҳаммол* кабилар ана шундай образлар сирасига киради. Гарчи бу тимсолларнинг Бобурга қадар ҳам элементар кўринишлари мавжуд бўлган бўлса-да, Бобур уларнинг янги қирраларини очди. Шунинг учун ҳам И.В.Стеблева: "...Бобур ғазалларида тимсолларнинг ўзига хослиги борасидаги хулосалар туркийзабон мумтоз шеъриятнинг бутун тимсоллар тизимини ўрганишнинг бир бўлаги ва дастлабки босқичи деб қаралиши керак"⁸⁰, дейди.

Форс шеъриятида кенг қўлланган ва нисбатан узоқ тарихга эга бўлган гул ва булбул, шатъм ва парвона, васл ва ҳажэр, май ва майхона, соқий ва зоҳид, соч, кои, кўз, зулф каби рамз, тимсол ва образлар Бобур ижодида янгича сайқал топди, янгиланди.

Май ва майхона, кўнгил, оҳу, риндағеъл киши ва зоҳид, сабо сингари тимсоллар асосан ёзма адабиётга хосдир. Улар

⁸⁰ Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура. – Москва: Наука, 1982. – С. 102.

Бобур ижодида ўзига хос талқын этилган. Умуман олганда, халқ оғзаки ижоди билан ёзма адабиёт минг йиллар мобайнида муштарак ришталар билан боғланган.

Бобур шеърияти, албатта, муайян аньаналар негизида равнақ топган. Бироқ Бобур ижодида аньанавий шеърлардан фарқли ўларок, лирик қаҳрамон кисёфаси жуда хаётий ва у қўуллаган тимсоллар мавхум эмас, балки нисбатан реаллашди ва конкретлашди.

УЧИНЧИ БОБ

БАДИЙ ТАСВИР ВОСИТАЛАРИ ВА ШОИРЛИК МАХОРАТИ

БОБУР ШЕЪРИЯТИДА БАДИЙ ТАСВИР ВОСИТАЛАРИ

Ижодий услугб замон, маданий муҳит ва адабий анъаналар билан боғлиқ тушунчадир. Унда ижодкорнинг индивидуал характери, дунёкараши билан акс этади. Услуб замон таъсирида, ижодкор шахсидаги янгиланишлар асосида ўзгариб боради. Замон, давр услубидан фарқли ҳолда ижодкорнинг ўз шахсий услуби ҳам бўлади⁸¹.

Бобурнинг шеърларида намоён бўлган ифода услуби унинг шахси, дунёкараши билан бевосита боғлиқдир. Чунки ҳар бир ижодкорнинг ҳаётта муносабати, воқеликка ёндашиш, давр ва замон муаммоларини мушоҳада этишида унинг шахсияти, ўзига хос олами намоён бўлади. Бобур воқеликка мавхум эмас реал ёндашади. У таҳайюл куч-куватини ҳаёт сир-асорини очишга йўналтиради. Шунинг учун унинг шеърлари одамни ҳаётдан узилиш ёки четлашишга эмас, дилдан унга boglaniш, ҳаёт зарбаларини мардона туриб енгиш, ҳар қандай вазиятда ҳам маънавий кучсизликка ён бермасликка рағбатлантиради.

Професор А.Ҳайитметов “Навоий лирикаси ва янги давр поэтикаси” мақоласида ўрта асрлар ўзбек шеъриятидаги асосий услубларни куйидагича тасниф қилади:

1. Туркона услуб.
2. Классик услуб.

Унингча: “Классик услубнинг шаклланиши анча олдин – Рабғузий ва Хоразмий даврларидан бошланган бўлиб, Лутфий ижодиётида ўз такомилининг олий нуктасига етди. Бобур шеъриятини эса, классик услубнинг янги босқичи сифатида баҳолаш мумкин”⁸².

⁸¹ Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Тошкент, 1995. – Б. 13.

⁸² Ҳайитметов А. Навоийнинг ижод олами. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 63.

Бобур шеъриятининг ўзига хос реалистик хусусияти унинг ғазал ва рубоийларида аник кўриниб туради. У шеърларида бадиий тилнинг таъсирчанлиги, самимийлиги ва рангдорлигини оширишга эришади, ҳеч қачон сунъийлик, китобийлик ва баландпарвозлика берилмайди, ҳалқ тили бойлиги, ундаги сўзларнинг гўзал жозибасини кўрсатишга муюссар бўлади.

Мақсад Шайхзода таъкидлаганидек: “Ҳаёт, давр, воқелик кўп ҳақсизликларга, қайғу-ғам ва ғуссаларга тўлгандир. Бироқ, шоирнинг вазифаси булардан кўз юммай, бу ҳолатларни намоён қилиш билан бир қаторда, ҳалққа, инсонларга ҳаёт шодлиги, баҳт орзуси, умид ёруғи келтиришдир”⁸³. Бу жиҳатдан Бобур шеърияти ибратдир.

Бобурнинг энг кичик ғазали тўрт байтли, энг каттаси саккиз байтдан ошмайди. Бобурнинг нашр этилган девонидаги ғазалларнинг аксарияти олти байтлидир. Девонда 3,4,7,8 байтли ғазаллар мавжуд бўлгани ҳолда, кўпчилиги (73 таси) беш байтдан иборат. Девонда тўқиз байтли ғазал ҳам бор. Мазкур ғазал Навоийга татаббуъ қилиб ёзилган. Девондаги бир ғазал ўн байтдан иборат. Ғазал мажлиси тараб тасвирига бағишланган. Ушбу ғазал:

Туно кун бирла бу тун мажлиси асрү хуши эди,

Мажслис аҳли бори дилҳоҳу бори дилқаш эди,—

матлаъи билан бошланади. Ғазалнинг кейинги байтлари қуидагича:

Борининг сўзи эди хўбу латифу рангин,

Не паришону не бемаънию не чирмаши эди.

Яхши май йўқ эдию нашъаи май яхши эди,

Ноҳуши эл йўқ эдию асрү ҳавоийи хуши эди.

Бори аҳбоб эди ҳозир, бори асбоб эди жамъ,

Созу хонанда била нуқлу майи бегаши эди.

Гоҳ турханда эди эл, басе, сахушлуктин,

Мастлигдин яна гоҳ эл кўзи тўла ёши эди.

⁸³ Шайхзода М. Устоднинг санъатхонасида... // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1966. №7. – Б. 180.

*Барча таъзим килиб бир-бирини мастона,
Гоҳ бошта оёқ эрди, гоҳ оёқта бош эди.*

*Тун ярмиғача бу навъ эди-ю, ондин сүнг
Мажслис аҳлининг иши ҳар сорига тарқаси эди.*

*Мен иликдин бориб эрдим, тутуб илгимни бирор-
Мени уйғотди, күз очтим эса, ул маҳваш эди.*

*Тортаб илгини, құчуб бүйнини, оғзини ўпуб,
Тонггача иши эрди, не хүш ўйнаш эди.*

*Бобур ар ҳарза деди, мажслис эли, айб этманг,
Карам айланг; ани маъзур тутунг, сархуш эди.(148-149)*

Фазал ҳикоя услубига яқин тарзда ёзилган. Унда на ҳикмат, на фалсафий фикр, на ахлоқий, на маърифий ўғит бор. Фазалда айтарлы шеърий санъат ҳам қўлланмаган. Лекин унда ҳаётпинг бир парчаси ёки маълум бир манзараси худди рассом мўйқалами билан тасвирлаб берилгандай туюлади. Ҳаётсеварлик, ҳаёт лаззати ва шодликларига интилиш руҳи билан битилган мазкур шеър муаллиф катнашган бир зиёфат ва хурсандчилик “мажлиси”ни ўқувчи тасаввурида аниқ жонлантиради.

Бобурнинг турмуши саргузаштларга ниҳоятда бой бўлган. Унинг ҳаётида шодликдан кейин ғаму ҳасрат, хотиржамлик ортидан хавотир, ташвиш ва таҳлика эргашиб келаверган. Бундай пайтларда у баъзан нима қилишини, қандай қатъий бир карорга келишини билолмай қийналган:

*Бу ғамда менки, ишим фикрини не навъ этайин?
Не ерда сокин үлай, не қиласай, қаён кетайин? (108)*

Табиийки, шодлик, ғам-ташвиш, хавотир, таҳликаларнинг занжир ҳалкалари каби боғланиб келиши шоир кўнглига қайғу ва изтиробларни солган. Унинг ҳаёлида ғам билан бошланган кундуз тунга уланган ёки аксинча:

*Кундуз ўлса, тунгача айтайму бепоён ғамим,
Кечак бўлса, тонгга тегрү ҳоли зоримниму дей?*

Шоир ҳижрон азобида тонгни қаршилар экан, жуда таъсирчан бир гап билан шеърни тугаллайди:

*Бобур, ул ойнинг қүёшидек орази ҳижронида
Тонгга тегру ҳар кеча юлдуз саноримнику дей?* (139)

“Кечаке юлдуз санаб ...” – халқ оғзаки тилидаги бу ибора психологияк ҳолатни очади. “Зор” – “бекарор” – “хумор” оғзларига “санор” феълининг қофия қилиниши ҳам “бепоён ғам” ва “холи зор”ни жонлантиришга хизмат килган. Бу эса Бобур шеърлари деярли ҳамма пайт фикр ва туйғу, дард ва самимиятта асосланганидан далолат беради.

У күп ҳолларда оригинал қофиялар топишга интилади, масалан: “ұтру” – “парирү” – “айру” – “үйку” – “дегру” – “асру”. Яна бир ғазалида “илгидин” сүзини радиф қилиб қўллайди. Мумтоз шеъриятда бу жуда кам учрайди.

Сўзни ўз ўрнида қўллаш, аниқ бир мақсад асосида такрорлаш шоир шеърларида мавзууни ёрқин ёритишга хизмат қиласди. Беш байти бир ғазалидаги мисраларни назардан ўтказайлик:

*Гофил ўлма, эй соқий, гул чогин ғанимат тут!
Вакти айш эмас боқий, ол чогир, кетур, бот тут!*

Бобурнинг лирик қаҳрамони ҳаёт завқ-шавқи ва гўзалликларини гўёки ҳаётнинг ўзи орқали тасдиқлайди. “Гул чоги” – бутун оламни гул-чечакка буркаган баҳор фасли демак. Аммо умр сингари баҳор ҳам ўткинчи. Буни билиш эса айни пайтда умрнинг ғаниматлигини англашдир. “Вакти айш” ибораси “чоғир” ичиш кайфу сафоси билан бир қаторда ғафлатдан ҳолос бўлган кўнгли бокийлик суруридан бебахра қолмаслигини изоҳлайди. Шунингдек, шоирнинг насиҳат деб номлаган фикрлари ҳам ҳеч эскирмайдиган ва ҳар ким ҳамма вакт ёдда тутиши лозим бўлган ҳақиқат мазмунига эгадир:

*Бу насиҳатим тингла: не бўлур киши ёнгла,
Не бўлур экин тонгла; сен бу кун ғанимат тут!*

*Гофил ўлма давлатта, ўзни солма меҳнатта,
Тангри берур албатта, давлат иста, ҳиммат тут!*

*Хуштуур висоли ёр, анда бўлмаса дайёр,
Бўлса васл беағёр давлату саодат тут!*

Чиндан ҳам эрта ё индин нима бўлади, кимнинг бошига қандай савдо тушади – буни ҳеч ким билмайди. Ҳаётдаги

ушбу мавхумликдан умрнинг ҳар лаҳзасини мазмунли ўтказиш билан бартараф этиш лозим, дейди Бобур. Унингча, “ғам черики” қанчалик сонсиз-саноқсиз бўлмасин, бода ва жом билан ҳам уни мағлуб қилиш мумкин:

Ғам черики беҳаддур, чораси будур, Бобур,

Бодани кўмак келтур, ёюмни ҳимоят тут!(36)

Ушбу газал композицион жиҳатдан жуда пухта. Ундаги бирорта сўзни ҳам ўрнидан қимирлатиб бўлмайди, жуда осон ўқилади ва улар таъсирчанлигидан қалбга сингиб кетади. Шаклини ўзgartириб ўқилса, янада енгил мисралар ҳосил бўлади:

Бу насиҳатим онгла,

Не билур киши ёнгла,

Не бўлур экин тонгла,

Сен бу кун ғанимат тут.

Аксарият мумтоз шоирлар ўз шеърларида феъл сўз туркумидан имкон борича камроқ фойдаланишга ҳаракат қилишган. Бобур эса бир феълнинг турли-туман маъно товланишларини бера билган ва гоҳо улар воситасида қочириқлар, сўз ўйинларини ҳосил этган.

Ҳажр ўлтурди мени, англасам эрди мунча,

Дўстлар, ёрдин айрилмас эдим ўлгунча.(122)

“Ҳажр ўлтурди”, “англасам эрди мунча”, “ёрдин айрилмас эдим ўлгунча” – булар феълли сўз бирикмалар.

Секретиб елдурганида сарви тавсанига кўз солинг,

Ёйқолиб йўл юруса, сарви хиромонин кўрунг.(74)

Бунда ҳолат ва ҳаракат “секретиб елдурганида”, “ёйқолиб йўл юруса” кўшма феъллари орқали ёритилган.

Бобур барча жанрдаги шеърларида поэтик тасвир воситаларидан маҳорат билан фойдаланган. Атокли шарқшунос Э.Бертельс, газалнинг шаклигина эмас, мазмуни ҳам анъанавий қонун-қоидаларга бўйсунишини таъкидлаб, мазкур лирик жанр Бобурнинг маънавий эҳтиёжи ва қалб оҳангларига мувофиқ келганлигини қайд килади⁸⁴. Шунинг учун Бобур шеърларидаги бадиий санъатлар ҳам ўзига хос бир

⁸⁴ Лирика Бабура. (перевод Льва Пеньковского), предисл Бертельса. – М, 1943. – С. 5.

табиийлик касб этган. Чунки Бобур устози Алишер Навоий изидан бориб, шеър ёзида “санъату ранг”ни эмас, балки дард ва сўзни олдинги ўринга кўйган.

Маълумки, илми бадеъга оид китобларда 80 дан ортиқ шеърий санъат қўрсатилган. Мақсад Шайхзода Шарқ шоирлари қўллаган бу санъатларнинг сони юздан зиёдлигини кайд этган. Мумтоз шоирларнинг маҳорати бадиий тасвир воситаларидан қандай фойдаланишига қараб хам белгиланади.

Ўринли ишлатилган халқ мақол ва иборалари, ийҳом, тазод, ташбеҳ ва гўзал тажнислар ифоданинг гўзал ва таъсиричанинги таъминлайди. А.Абдулҳамидов ёзганидек, “...Бобурнинг ҳар бир ғазали, байтлари ва мисралари ўзаро узвий боғлиқлиги билан ишлатилган ҳар бир сўз ранго-ранг маъно ифодалай олиш хусусиятига кўра шоир поэтик маҳоратига тўла хизмат қилган”⁸⁵.

Бобур ғазал ва рубоийларида *ташибеҳ, тажнислар* хам юксак маҳорат билан қўлланади. Уларда тажнис санъатининг “*тажниси томм*”, “*тажниси нокис*”, “*тажниси музаййал*”, “*тажниси лоҳиқ*” каби турларидан фойдаланилади.

Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,

Келсун, агар юзумни эвурсам, бало манга.(29)

Юқорида икки ўринда келган “юз” сўзи уч хил маънони англатади. Биринчи мисрадаги “юз” сон маъносини билдиrsa, иккинчи мисрадаги “юз”нинг мазмуни: юзумни бурсам ёки воз кечсам. Байтнинг иккинчи мисрасидаги “юз” сўзида *тажнисдан ташқари, ийҳом* хам бор.

Соз айлаб бир нишотангез чанг, эй дилрабо,

Бенаво кўнглумни ғам чангидин озод айлагил.(77)

Бу байтда “чанг” сўзи икки хил маънода ишлатилган, яъни дилрабонинг мусиқий асбоби чанг ва ундан таралган оҳанг билан кўнгилни ғам чангу ғуборидан озод айлаш. Шоирнинг тажнислари кетма-кет тизилса, манзара янада бойиб, кенгаяди:

Гайр тоши заҳмидин дардимни изҳор этмадим,

Ичтаги пинҷон ғамил тоштин намудор этмадим.(83)

⁸⁵ Абдулҳамидов А. Бобур ғазалларининг поэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1989. – № 4. – Б. 14.

Биринчи мисрада “тош” сўзи жисм маъносини билдирса, иккинчи мисрадаги “тоштин” сўзи ошкор, сиртдан, ташқаридан маъноларини англатяпти. Чунончи шоир ичимдаги пинҳона ғамимни ошкора килмадим, деган.

Дўстлар, кўнглумдагин қабрим тошига ёзгасиз

Токи бирдек бўлгай ул ой ишқида ичим, тошим.(84)

“Тош” сўзи орқали байтда ҳам тажсис, ҳам ийҳом санъати қўлланган. Иккинчи мисрадаги “тош” сўзининг маъноси зоҳир, ташқаридир. Бу санъатлар шоирга қисқа жумлаларда чукур мазмунни ифодалашга йўл очган⁸⁶.

Ёёлигинг токим юзу кўзунгга тегмиш, бордуур

Юз менингдек зору юз минг мен киби бемор анга.(32)

Ёрнинг юзи, коши, холи ёки лаб ва дудоклари ошиқ дилида ҳар турли фикр ва хаёллар уйғотганидек, унинг бошидаги рўмоли ҳам турли-туман фикр-мушоҳадаларга сабаб бўлган. Ошиқ маъшуқанинг юзу кўзига “тегмиш” рўмолга ҳавас билан карап экан, “Юз менингдек зору юз минг мен киби бемор анга”, – дейди. Куйидаги байтда “юз” сўзи мазмуни янгиланган:

Очмагай кўзини то сўкмакка оғзин очмагай,

Юзини кўрсатмагай то юз жафо кўрсатмагай!?(135)

Ёр васфини куйлаб кўнгли тўлган шоир шундай дейди:

Бобур, ул гул кўйида булбул киби топтинг мақом,

Бир навое рост қил мундоқ мақоминг борида.(28)

Бу байтда “мақом” сўзини у икки хил ўринда икки хил маънода қўллади: биринчи мисрада булбул каби “оҳанг” топтинг дейди, кейинги мисрада “мақом” сўзи ўрин, жой маъносида келади. Бобур ўз шеърларида омоним ва омофон сўзларни қўллаб, улар воситасида оҳангдор байтлар битади:

Кошингдин мени ўқдек ташлар учун,

Янги ойдек кошингни ё қилибсен.(88)

Шу байтнинг ўзида таносиб, тажсис, ийҳом, ўҳшатиш ва китобат санъатлари қўлланган. Таносиб санъатидан фойдаланган шоир бир-бирига яқин маъноли сўзларни, образларни байтда мутаносиб равишда тизади:

⁸⁶ Адизова И. Сўзумни ўкуб англағайсен ўзумни. – Тошкент: Faafur Fуломномидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. – Б. 29.

*Лабинг бағрынни қон қылди, күзүмдан қон равон қылди,
Нега ҳолим ёмон қылди, мен ондин бир сұрорим бор.*

Таносиб санъатида бир байтта ёки мисрага түпланган сүзларнинг мажозий, күчма маънолари ҳам бўлиши керак. Бу байтда лаб, бағир, қон сүзлари қизил ранги орқали бир-бирига алокадор. Иккинчи мисрадаги лирик қаҳрамоннинг ҳоли ёмонлиги сабаби биринчи мисрада изохланади. Юкоридаги байтда муболага, зулқофиятайн, ийҳом санъатлари ҳам кўлланган. Иккинчи мисрадаги “сўрорим” сўзи икки хил: сабабини бир сўраб биламан ёки бўса олишим бор маъноларида келиб, ийҳом санъатини юзага келтирган. Ушбу ғазалнинг мақтаъсида ҳам боғлиқ сўзлардан таносиб санъати пайдо бўлган:

*Фигоним ошти булбулдин, гами йўқ зарра бу кулдин,
Басе, Бобур, ўшал гулдин кўнгуда хорхорим бор.(49)*

“Булбул”, “гул”, “хор” (тикон) сўзлари мантиқан бири бирига боғланиб таносиб санъатини ҳосил қилган. Бобур бадиий санъатлардан, энг аввало, мазмун-маънонинг бутунлиги, чуқурлиги ва таъсирчанлигига эришиш учун фойдаланади. Шунинг учун унинг шеърларида сўз, фикр ва мисраларнинг ўзаро боғланиши ва мутаносиблигига ҳеч пайт сохталик, зўракилик сезилмайди.

Юкорида қайд қилгандек, Бобурнинг жуда кўп ғазаллари ёр васфига бағишлиланган ёхуд бевафо ёрдан нолишга каратилган. У бундай ғазалларида, айниқса, бадиий санъатлардан юксак маҳорат билан фойдаланади. Шоирнинг:

Не кўрай тўбони, қадди хушироминг борида?!

Не қиласи сунбулни, ҳатти мушкфоминг борида?! –
матлаъли ғазали унинг ёр васфини таъриф–тавсифловчи шеърларидан бири саналади.

Иккинчи байтда таъриф–тавсиф яна ҳам кучайтирилади:

Ким Хизр сүйин оғизлагай лабишгнинг қошида?!

Ким Масих алфозидин дегай қаломинг борида?!(27)

Шоир ҳар икки байтда ҳам талмеҳ санъатидан фойдаланади: “тўби” – жаннатий дараҳт, “сунбул” – кора тусли хушбўй ўсимлик (садарайхонга ўхашалиги бор); “Хизр” – “Куръон”да қайд этилган авлиё; “Масих” – Исо

алайҳиссалломнинг сифати; “Хатти мушкфом” – дудоклар устидаги андак кўзга ташланадиган қора муаттар мўй.

Шоир маънони кучайтириш ва оҳангдорликни ошириш учун “Не кўрай – Не килай”, “ким Хизр – ким Масих” дейди. Хизр сувию лаб, Масих лафзи билан ёр нутки ўзининг ҳаётбахшик хусусияти ила ички боғланишга эга.

Куйидаги байтда:

*Хати лабига тумош бўлса, эй кўнгул, не ажаб-
Ки, Хизр чашмаи ҳайвонга раҳнамоедур.(39)*

Шоир ёр лабини чашмаи ҳайвон (оби ҳаёт)га муқояса қилиб, лаб устида мўй бўлиши ажабланарли эмас, дейди. Чашмаи ҳайвон – абадий тириклик сувига эса Хизр раҳнамолигида эришилади. Шеъриятда оби ҳаётга етиш Хизр алайҳиссалом билан боғлиқликда талқин этилади. Бобур куйидаги байтда ҳам талмиҳ санъати ишлатади.

Қошингга кўт бора олмон, нетай, аролиқда,

Ёшим тишинг дуридин айру баҳри Уммондур.(43)

Қандок қилайки, ҳузурингта кўпдан бери бора олмайман: тишлигинг дурларидан кўз ёшларим ўртадан иккига ажралиб, баҳри Уммонни ҳосил қилган. Маълумки, дур улкан ва теран уммонда бўлади. Бу байтда муболагани кўриш мумкин.

Кўнглумга дард келгали ҳам бўлди қоматим,

Қаддим магарки “дард” ёнидаги “дол”дур.(45)

Вужудга дард илашгач, қомат эгилиши – ҳам бўлиши, бу ҳолнинг “дард” сўзидағи “дол” ҳарфига қиёс этилиши – ҳам фожеий, ҳам ажиб бир ҳолат. Биринчи мисрадаги “дард” сўзи “касаллик” маъносида бўлса, иккинчи мисрада “дард” билан “дол” сўзларининг ёзилишига ишорат қилинади. Бу шоирнинг *китобат* санъатидан моҳирона фойдаланганидан далолат беради. Ушбу байтда *Китобат* санъатидан ташқари сўз ўйини ҳам бор.

Ҳарфий санъатлар ёзма адабиётга хосдир. Шарқ адабиётида араб алифбоси ва ундаги ҳарфлар шаклидан фойдаланиб, ҳарф санъати яратиш кенг тарқалган. Шоирлар адл қоматни “алиф”, букилган белни “дол” ҳарфига ўхшатишган. Бобур ҳам шеъриятдаги мавжуд анъаналарга асосланиб, ҳарфий санъатлар яратишга, уларга янгича мазмун, янгича сайқал беришга эришган. Масалан:

Заъфлиқ жисемим била бу нотавон күнглум аро,
Дард ёр эрканга ушибу эгма қаддим долдор.(44)

“Тазод” арабча сўз бўлиб, у бир-бирига зид, тескари икки ҳолатни, қарама-қарши фикрни қўйишни билдиради.

Мендин ўзга хасталарга лаътидит дармон берур,
Мен берурмен жону ул умр ўзгаларга жон берур.(48)

Шоир бу байтда тазод усули орқали ошиқликнинг “заволи”ни баён этишга эришган. У кўпгина ғазал ва рубойларни шу усулда ёзган. Юқоридаги матлаъ билан ва “Кимки бўлғай сен киби оламда дилдори анинг” мисраси билан бошланган ғазал бунга мисол бўлиш мумкин.

Гул жамолин ётқон ул гулнинг ики райҳонидур,
Гунча сиррин очқон ул икки лаби хандонидур.(50)

Бу байтда суратий ташбех – истиоравий ташбех мавжуд. Байтдаги “гул” сўзлари икки хил маънода қўлланган: биринчисида “ёр” назарда тутилган бўлса, иккинчисида “гул жамолин” бирикмасида “гул” сифатлаш бўлиб келган. “Ики райҳонидур” деганда шоир ёнинг юзидағи икки зулфи назарда тутилган. Бобур шеърларида мураккаб истиоравий ташбехларни ҳам қўллаган:

Олида гўйин кўрунг, илгода чавгонин кўрунг,
Юзида зулфи била гўйи занахдонин кўрунг.(74)

Унинг “Ортуқсен” радифли ғазали ҳам ёр васфига бағишиланган. Ушбу ғазалнинг сўнгги икки байтини кўздан кечирамиз:

Қадам ранжисида қил кўнглум учун, эй ёрнинг ўқи,
Менинг бу нотавон кўнглумга чун дармондин ортуқсен.

Ўқ-ёй, новак, камон, пайкон детали шеъриятда қадимдан мавжуд. Лекин Бобур уни янгича талқин этиб, муболагани иғроқ даражасига олиб чиққан.

Иқомат чунки қилдинг, Бобуро, ул ҳур кўйида,
Мақоминг равзадин авло, ўзунг ризвондин ортуқсен.(90)

Хурнинг маскани жаннат. Бобур хурнинг кўчасида яшаб қолди. Чунки у хурнинг манзилини равзадан афзал деб билади. Хурнинг масканида иқомат қилувчи эса ризвондан ортиқ. Бу каби бир-биридан таъсичан ташбехлар Бобур ғазалларида кўп учрайди.

Шеърий санъатлар ичида “мурожаат” ёки “иншо” санъатининг ҳам ўз ўрни бор. “Мурожаат” арабча сўз бўлиб, бирорга қаратса айтилган гап, килинган даъват, чакириқ ва шу каби маъноларни англатади. Бобур шеъриятида ҳам бу санъатга мисол бўладиган гўзал байтлар мавжуд:

*Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшигтаймен,
Не кун бўлгай, висолингга мени дигхаста етгаймен!(100)*

Бобур рубоийларида ҳам бадии санъатлар бир-бирига боғланиб келади:

*Ҳар вақткі күргасен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб, соғингайсен ўзумни.
Васлинг била кўнглумни Ҳудой айлаб шод,
... ёрутти юзунг била кўзумни.(209)*

Бу рубоийнинг дастлабки байтида шоир ийҳом санъати воситасида “Ҳар качонки менинг сўзимни (куйиб-ёнишимни) кўриб, яъни ёзган нарсаларимни ўқисанг, албатта мени соғинасан”, деган фикрни илгари сурган. “Васл”, “шодлик” ва “ёруғлик” сўzlари ўртасида эса ички маънавий боғланиш бор.

Бобур “Қаро зулфинг”, “Хаттинг аро узоринг” ғазаллари зулқофиятайн санъатига асосланган бўлса, унинг “Ёз фасли”, “Қаду хаттинг” ғазалларида лаф ва нашр санъатидан фойдаланилган.

Шунингдек, шоир шеърларида ирсоли масал санъати, ҳалқ ижодига хос лутфкорлик, қочириқ ва сўз ўйинлари, мақоллар мавжуд. В. Зохидов бу хусусда сўз юритар экан: “Бобур уларни муваффақиятли равишда танлайди, предметнинг моҳияти ва катта ижтимоий масалалар билан боғлайди. Шундай қилиб, улардан кўпинчча ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим хуносалар чиқаради”,⁸⁷ дейди. Бобур узоқ асрлар давомида турмуш тажрибасидан ўтган, ҳалқ донишмандлигини ўзида мужассамлаштирган мақол, матал, хикматли сўzlари таъсирланган ҳолда ўзи ҳам кўплаб афористик характеристики мисра, байт, ибора, ҳатто, яхлит

⁸⁷ Зохидов В. Бобирнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси. Бобирнома. – Тошкент, 1960. – Б. 25.

бошли рубоийлар ижод қилган. “Харгиз рост келмас ишк донолиғ била”; “Ким етар мақсадға ҳам ким бўлса ул бедорроқ”; “Ҳар кимки вафо қилса, вафо топкусиidor” мисралари билан бошланувчи шеърлар унинг шундай рубоийлари сирасига киради. Унинг “Биронниким, бирондан кўнгли қолур”; “Ажабким, мендин, эй дилдор, тўйдинг”; “...хор этма ўзунгни”; “Неча мени жавордин ер бирла яксон қилғасен” каби маснавийлари тўғрисида шундай дейиш мумкин.

Бобур ҳалқ тилига хос турли сўз ва ибораларни ёзма тил истеъмолига олиб кирган. Бу сўз ва ибораларнинг аксарияти Фарғона лаҳжасига хослигини алоҳида таъкидлаш зарур. Мисол учун: “чечанлар” (чаққонлар, моҳирлар), “қаттолдур” (золимдур, берахмдур), “чиқишишмоқлик” (келишиш, муроса қилмок), “оғриқ” (бемор, касал), “эй бедард”, “Худо кўрсатмагай”, “кўз олдуриб”, “қўймоғумдур этагинг”, “аёқ етганча кетгаймен”, “кўзумдин учти уйқу”, “бу беш кун умр”, “эмди топмагай гардимни”, “кўзумни қорарткон”, “Бўлубтур ишқинг ичра гарчи ҳасдек жисми Бобурнинг”, “Кўзидин ул қоши ё гарчи мени солди йирок”, “Хуш улки, бир киши кўзум йўлида эрканда”, “Севинчи!”, деб югурууб етсаным: – “Фалон келди!” ва ҳоказо.

Бобур ўзи хуш кўрган сўз ва сўз бирикмаларини такрор-такрор ишлатган. Масалан: “Бошимни олиб, эй Бобур, аёқ етганча кетгаймен” – “Бошини олиб бир сорига кетса киши” – “Бошини олибон ҳар сорига кетмак мушкул”.

Бошимни олиб қай сорига кетгаймен?(183)

Бошимни олиб бир сорига кетгаймен!

Шоир ушбу иборани қайта-қайта қўллайди. Чунки айни ибора унинг ахволи рухиясини аниқ ифодалайди. Таъкидлаганимиздек, Бобур шеърларида ўкувчи эътиборини жалб қиласидиган, маънони кучайтирадиган қайтариқлар кўп. Масалан:

Олгали жсонимни ҳижронга ҳавола қилди ёр,

Қўйма ҳижронга, ажсал, жсонимни ол Тенгри учун! (101)

Бобур сўз ўйинларига жуда моҳир:

Сиҳи қадларга, Бобур, ошиқ бўлсанг,

Бурунроқ кўзлагайсен дорларни.(138)

Яъни қадди келишган нозанинларга ошиқ бўлсанг, Бобур, олдиндан дорни кўз олдингга келтириб қўй, – дейди. Шунинг учун профессор Ҳ.Кудратуллаев: “Бобур муҳаббат, висол, ҳажр тушунчаларини диалектик бирликда деб билади”⁸⁸ дейди. Бобур ҳам бошқа шоирлар сингари ҳажрсиз висол лаззатини тўла англаш мушкул, деган хуносага келади:

Гарчи оламда висол айёми дилкашдур, ахий,

То бишингай васл қадри ҳажр ҳам хушибур, ахий.(278)

Бобур ғазал ва рубоийларидағи бадиий тасвир воситалари, шеърий санъатлар, тасвир услуби унинг юксак бадиий маҳоратидан дарак беради.

Ранг адабиётнинг воситаларидан бири саналади. Шоир айрим шеърларида ранглар орқали ўз хис-хаяжони, кўнглида кечაётган жараёнларни ифодалайди. Иқтидорли шоир рангларни гапиртиради. Ранглар тилга кирганда эса сўз тежалади ва шоир айтмоқчи бўлган фикр ўзининг аниқ ифодасини топади.

Маълумки, шеъриятда азалдан ишқ мавзуи бевосита хижрон ва айрилик хис-туйғулари орқали акс эттирилади. Бу Шарқ шеъриятида айникса, ёркин ифодаланади. Таъкидланганидек, Бобур лирикасида ҳам хижрон мотиви алоҳида ўрин тутади. Шоир хижрон мавзусини қаламга олар экан, сариқ ранг қайта ва қайта, турли товланишлари билан намоён бўлади.

Хижрон Бобур учун шоирона хаёлот билан ўйлаб топилган ҳол эмас. Бобур учун хижрон кисматга айланган. Уни қисмат диёридан айриб, хижронга солган.

Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,

Ё раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди?!(278)

Шоир “...юз қаролик бўлди,” яъни уятли иш бўлди, шармандалиқ бўлди, дейди. У ўзини оклашга уринмайди.

⁸⁸ Кудратуллаев Ҳ. Бобурнинг адабий эстетик қарашлари. – Тошкент, 1983. – Б. 39.

Бобур ранг-тусни билдирувчи “қаро” сўзини янги бир мазмунда талқин этади.

Бобур ўзи таъкидлаганидек, “Хазон яфроғи янглиғ” бутоғидан айрилди, яъни хонадонидан ва дўст-биродарларидан айрилди, эл-юртидан айрилди. Шунинг учун Бобур шеъриятидаги ҳижрон мотивлари табиий ҳол, унинг асл ҳасби ҳолидир. Ҳатто шоир уни бир тимсол даражасига кўтарган ва “шахслантирган”. Ҳижрон Бобурнинг асосий ғаними ва уни доимий равишда қийновчи шафқатсиз муҳолифидир.

*Ҳизқрон гамидин заиф жоним сўлди,
Гурбат алами бирла ичим қон бўлди.
Йоз шукурки, мунча йилги ғам бирла алам
Роҳат била иниратқа мубаддал ўлди.(207)*

Бобурнинг аксария рубойлари асосида айрилиқ ва ҳижрон туйгуси ётади. Лекин Бобур Навоий йўлидан бориб, ёлғиз ёрдан жудолик аламларини куйлаш билан кифояланмайди, балки бу ҳисга диёр фироқини ҳам уйғунлаштириб, мавзунинг куличини ёзди⁸⁹.

Ҳар қандай айрилиқ тури кўнгилни синдиради. Ёрдан жудолик, яқинлардан, молу давлатдан айрилиш ҳамиша оғир. Лекин ватандан айрилиш бениҳоя азоб. Ватан ҳижрони барча жудоликларни ўзида мужассам этади. Энг оғир ҳижрон ватандан узокдалик ёки юртдан жудо бўлишда эмас, балки ватанга қайта олмаслиқда. Бобур Ҳиндистоннинг куйдираётган иссиқ ҳавосидан ҳар бир олаётган нафасида ҳам ватанини ҳис қиласди, ватани ёдга тушади:

*Қовун бирла узумнинг ҳажсрида кўнглумда ғам ҳар сў
Оқар сувнинг фироқидин кўзумдин ҳар дам оқар су(в).(278)*

Ватан ҳижрони юртидан узокдалиги боис Бобур қалбига кўчган. Ватан энди унинг қалбida мустаҳкам жойлашган. Бобурнинг қалбини ўртаган ватан ҳижрони, унинг шеърларида акс-садо беради:

*Ҳизқрон қафасида жон қушии раш қиласдур,
Гурбат бу азиз умрни кам қиласдур.*

⁸⁹ Навоий ва ижод сабоқлари. (масъул муҳаририлар В.Зоҳидов, А.Ҳайитметов). Ҳаккулов И. Анъана ва маҳорат. – Тошкент, 1981. – Б. 96.

*Не наъ битай фироқу ғурбат шарҳин-
Ким, кўз ёши номанинг юзин нам қиласадур.* (160)

Инсоннинг хис-туйғу, ҳолатлари қандай рангларда кўринади? Биз хис-кечинмаларимизга хаёлан шу тарзда ранг берамиз. Жумладан, хижроннинг ранги қандай бўлар эди? Агар ёмонликни кора рангда ёки хижолатга тушишни қизарган рангда тасаввур этсак, хижронни саргайган рангда кўрамиз.

Алишер Навоий 7 байтли мустазоди мақтаъсида:

*Ҳажринда юзи саргарибон дам ура олмас, бечора Навоий,
Гўёки хазон фаслида бебаргу наводур, ул булбули гамнок.* –
деса,

Бобур ҳам:

*Хазон яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида саргардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лола рух, бу чехраи зардим.* –
мақтаъси билан бошланувчи ғазалида туйғу-кечинмаларини
ранглар воситасида ифодалайди. Ушбу ғазал А.Қаюмов,
С.Ҳасановнинг “Бобур ижодиёти” монографиясида атрофлича
таҳлил этилиб, жумладан: “...ошиқнинг айрилиқ дардида
саргарган, хазон бўлган юзи маҳбубанинг гул, лола, сабза
образлари орқали тасвирланган гўзал чехраси бир-бирига зид
кўйилади”⁹⁰, – дейилган. Адабиётшунос И. Ҳакқулов ушбу
шеър манзаравий ғазал, унда икки яратувчи – икки сувраткаш
иштирок қиласи: бири – табиат, иккинчиси – шоир эканлигига
эътиборни каратиб: “Буни (яъни хазон фаслини) шоир ранг,
оҳанг ва ҳолатлари билан шеърхонга гавдалантириб берган”⁹¹
деб таъкидлайди. Бу байтда “хазон яфроғи” алоҳида
олинганда ҳам ошиқнинг ахволини шарҳлай олади. Зотан,
хижрон дардидан хасталангани боис, унинг чехраси ҳам
саргайганки, қисмати “хазон яфроғидан” фаркланмай қолган.
Бу ҳолни ёрнинг гулдай юзи, лола каби гулгун чехраси яна
ҳам бўрттириб намоён этади.

Бобур ўзи “Бобурнома”да: “Боги Вафода себаргазор,
анор дарахтлари сап-сариг хушранг хазон бўлубтур”; “Бир

⁹⁰ Қаюмов А., Ҳасанов С. Бобур ижодиёти. – Тошкент, 2007. – Б. 156.

⁹¹ Ҳакқулов И. Шеърият – руҳий муносабат. – Тошкент: Адабиёт ва
санъат, 1989. – Б. 179.

нече туроқ дарахтлари асру хұб хазон бұлуптур”; “Душанба куни хазон сайриға Исталифға борилди”; “Панжшанба куни хазонлар сайр қилиб, кеч намози шом Чорбоғқа келиб туштум”; “...Истарғачда бир яхши хазонлық боғда тушуб, сұхбат тутулди”, деб ёзади ва давом этади: “Бир олма нихоли яхши хазон бұлуб эди, ҳар қайси шохида беш-олти барг сиёқ била қолиб эди, андоқким, агар наққошлар такаллуф била тортсалар, онча торта олмағай эдилар”. Бобур хазон фаслини севгани учун ҳам “Бобурнома”нинг жуда күп жойида хазон сайрини тилга олган, алоҳида хазон сайларлари уюштирганligини айтади. Бунга боғлик ҳолда Бобур ижодида сариқ ранг бұртиб күринади. Унинг турфа товланишларини берадики, сариқ рангни англатувчи ўнлаб синонимларни келтиради, юкоридаги биргина ғазалнинг ўзида: “хазон яфроги”, “саргардим”, “чехраи зардим”, “барги хазон”, “сориғ юзимдин” каби сүз ва сүз бирикмаларини күллайди. Адабиётшунос С.Үтанова Навоий ғазалларида сариқ ранг мухим ахамиятга эга эканлигини таъкилаб: “Алишер Навоий ижодида құлланилаётган сариқ рангнинг мазмун-мохияти хазон, меҳр (куёш), олтин, сомон (хошок), сариқ лола, заъфарон, қаҳрабо, зарварақ, зарбафт каби сүз ва иборалар ёрдамида очилган”⁹², дейди. Бобур эса юкорида күрганимиздек, сариқ ранг талқинида Навоийдан фарқли үлароқ, үзига хос сүз ва сүз бирикмаларни күллайди.

*Сен, эй гүл, құймадинг саркашилгингни сарвдең ҳаргиз,
Аёсингга тушуб барғи хазондек мунча ёлбордим.*

Хазон яфроғи – дарахтдан узилган япроқ. Маъшуқа гулга үхшаса-да, унинг “саркашлиги” қадди расо сарв кабидир. Ошиқ сарв дарахти тагига тушган баргдек ёр оёғига бош уриб ёлворади.

Бобур оёғи остига баргдек түқилиб, сарғайиб ялиниш ҳолатини ҳам сариқ ранг ёрдамида очиб берган. С.Үтанова “Сариқ ранг қуёш, хаёт, муқаддаслик рамзий маъноларига

⁹² Үтанова С. Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2007. – Б. 13.

эга”⁹³, – дейди. Лекин Бобур сарик рангдан соғинч, жудолик, хору зорлик рамзи сифатида фойдаланади. У таъкид учун бир сифатни турли шаклда ифодалайди: “хазон яфроғи” – “барги хазондек” – “хазондек”; “чехраи зардим” – “сориг юзумдин” каби.

Бундан кўринадики, Бобур ўз аҳволидан келиб чиқиб, сарик рангдан жуда кўп ўринда ватан соғинчи рамзи сифатида қўллаган. Бу унинг холати, кечинмаларига айнан мос келади. Чунки у бир умр мусофириликда эл-юртини соғиниб яшаган. Бобурнинг:

*Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол,
Мен арчи даҳр бозидин хазон яфроғидек бордим,*

каби мисралари унинг эл-юртига нисбатан видо фарёдидек янграйди. У ўзи хазондек сарғайиб битса-да, ватанининг гуллаб-яшинашини истайди. “Латофат гулшани” – гўзаллик гулшани. Ёр - ана шу бўстоннинг гули. Ўзини хазон япроғи каби ҳис қилган лирик қаҳрамон аввал маъшуқага ёлворган бўлса, энди унинг умри ҳеч завол кўрмаслигини тилайди. Чунки ошиқнинг қисмати аниқ: “бу даҳр боғидин хазон яфроғи янглиғ” кетишдир.

Ғазалнинг тўртинчи байти “Хазондек қон ёшим” деб бошлиданади:

*Хазондек қон ёшим, сориг юзумдин эл танаффурда,
Ба ҳар ранге, биҳамдиллаҳ, улусдин ўзни қуткордим.(81)*

Тилимизда “қон ёш” ибораси бор. Лекин “Хазондек қон ёшим” дейиш ички мантиққа эга бирикмадир. “Қон ёшнинг” хазондек бўлиши ва унинг “сориг юз”да акс этиши – янгича ифода. “Ба ҳар ранге”, яъни ҳар хил тусга кириб танаффурда элдан ошиқ ўзини четга олади.

Шоир қуйидаги тўртликда ҳам “хазон яфроғи янглиғ” бирикмасини такрорлайди:

*Тутмагил, эй гул, равоким, ишиқинг ичра ҳар гариф,
Ерга бош қўйгай хазон яфроғи янглиғ сарғариф.
Шаҳрдин безор бўлса, не ажаб, безор киши,
Ишқ аро бемор бўлса, тонг элас, бемор гариф.(222)*

⁹³ Ўтанова С. Алишер Навоий ғазалиётидаги ранг символикаси. Филол. фан. номз... дисс.. – Тошкент, 2007. – Б. 13.

Шоир бошқа бир шеърида лирик қаҳрамонининг абгор ҳолатини “чехраи зарди” сариқ ранг ёрдамида кўрсатади:

Бу чехраи зардимдин уёлсанг, нетгай?

Раҳмат назарини манга солсанг, нетгай?

Бир ишва била кўнгул бериб Бобурга,

Бир бўса била кўнгулни олсанг, нетгай? (208)

Шоир “Бу чехраи зардимдин уялсанг бўлмасмиди”, дея маъшуқасини инсофга чакириб. “Менга ҳам раҳмат назарини солиб қўя қол”, дейди. “Бир бўса билан кўнгилни чоқ қилиб қўй энди”, – деб илтижо қиласади.

Қаро зулфунг фироқида паришон рўзгорим бор,

Юзунгнунг иштиёқида не сабру не қарорим бор.

Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,

Нега ҳолим ямон қилди, мен ондин бир сўрорим бор. (49)

Бу ғазалда Бобур таносиб санъатидан фойдаланган ҳолда, “каро”, “зулф”, “кўз”, “ямон” сўзларини қора ранг, “юз”, “лаб”, “қон” сўзларини қизил ранг билан боғлаган.

Бобур кўпгина ўринларда рангларнинг лугавий ва кўчма маъносидан фойдаланади:

To оқ юзунг йироқ тушити,

Икки кўзум ичра оқ тушити. (228)

Биринчи мисрадаги “оқ” сўзи юзнинг тусини билдиrsa, иккинчи мисрадаги “оқ” сўзи кўзга тушган оқ – касалликни англатапти.

Бобур оддий туюлган тушунча ва деталлардан ҳам санъаткаrona маҳорат билан маъно ва теран умумлашмалар, чиқаради. Унинг хулосалари худди ҳикматли сўзлар каби таъсирчанлик касб этади, Бобур қуидаги рубоийсида хат ва хат ёзиш ишини вафо ва садоқат “достони” деб таърифлайди. У бунга оқ ва қора ранглар воситасида эришади:

Ул хатки, мен анда сени ёд этгаймен,

Кўз оқида, кошки, савод этгаймен.

Киприклардин анга қалам рост қилиб,

Кўз қаросидин анга мидод этгаймен. (183)

“Сени йўқлаб бир хат ёзсан, кошки уни киприкларимдан қалам тайёрлаб, кўзим корасини сиёҳ қилиб кўзларим оқига битсан”. Бобур лирикасида рангга доир бадиий тасвир воситалари қўлланган бу каби рубоийлар талайгина.

Бобур соҷ тимсоли акс этган ғазалида:

Кўнгулга бўлди ажойиб бало қаро сочинг,

Шикаста кўнглума эрмии қаро бало сочинг.(72)

деб бошланади. Ғазалда қора ранг икки хил маънони ифода этади. Шоир биринчи мисрадаги “бало каро сочинг” иборасини иккинчи мисрадаги “бало” ва “қаро” сўзларининг ўрнини алмаштириб, “қаро бало сочинг” шаклида қўллади. Лекин бундан байтда қофия бузилмайди. Халқ тилида “қаро бало” деган ибора мавжуд. Бу балонинг кўплиги, катталигини билдиради. Бобур шунга асосланиб, қора ранг ёрдамида ошиқ бошига тушган балонинг қанчалар оғир бало эканига ишора қиласди. У ошиқнинг ҳолини шу тарзда таъсирчан ифодалашга эришади.

Бобурнинг соҷ тимсоли қўлланган яна бир ғазали матлаъси қўйидагича:

Сочининг савдоси тушибоши маъноди яна,

Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошибин яна.(116)

Соч – қора, “савдо” сўзининг ҳам туб лугавий маъноси – қора; “Тийра бўлди” – коронғу бўлди. Бобур қора ранг мотам, чексизлик, мавҳумлик рамзи эканлигидан фойдаланиб, лирик қаҳрамоннинг ахволини бир неча қора ранг синонимларида акс эттиради.

Бобур бирор фикрни шунчаки айтмайди, у ҳар бир мисрани шунчаки битмайди:

Неча лаълингдин менинг бағрим тўла қон қилгасен?(106)

Шоир таносиб санъати орқали лабнинг қизиллиги билан бағир тўла қон ўртасида ички нозик боғланишга ишора қиласди. Қизил ранг воситасида Бобур қўпинча ёрнинг гўзаллигини ифодалайди.

Кўйидаги байтда эса “кўк” сўзи байт мазмунини очиб берган:

Кўк вусмада ул ой қоши гўё хаёлдур,

Ё ой бошида кўкта кўрунган ҳилолдур.(45)

Матлаънинг биринчи мисрасидаги “вусма” сўзидағи биргина “в” ҳарфини олиб ташлаш билан байт хозирги тилимиз ҳолатига келади. Бобур бу ерда ҳам ўз услугига хос тарзда ёрни “ул ой” деб истиоравий исм билан атаяпти. “Кўк” сўзи биринчиди мисрада ҳам, иккинчиди мисрада ҳам ишлатилган: биринчисида ранг-тус, иккинчисида осмон маъносида қўлланган.

Бобур кўпгина шеърларида туйғулари турли кечинмалари, изтиробли, ҳолатларини юқоридаги каби қора, ок, қизил, сариқ, кўк рангларда тасвирлаган.

СҮНГСҮЗ

Ўзбек адабиёти тарихи тўғрисида сўз кетганда, Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг номи ҳамиша Алишер Навоийнинг номи билан ёнма-ён тилга олинади. Чунки у ижодининг салмоғи, оригиналлиги ва мумтоз асарлари жаҳон мумтоз адабиёти намуналари каторидан жой олганлиги билан ҳам Навоийга сафдош ва елкадошdir. Албатта, Бобур ўзигача бўлган адабий анъаналардан, хусусан, Мавлоно Лутфий, Навоий ҳамда Умар Хайём асарларидан баҳраманд бўлди.

Бобур ижодий меросининг салмоқли қисмини, шубҳасиз, унинг лирикаси ташкил этади. Албатта, ҳар қандай ижодий янгилик – новаторлик анъаналар заминидан униб чиқади. Буни Бобур ижоди ҳам тўла тасдиклайди. У нафақат она тилида қалам тебратган салафлари, балки Умар Хайём, Ҳофиз, Саъдий, Жомий каби форс-тожик шеърияти даҳолари асарларини ҳам пухта ўқиб-ўргангандан улардан чукур илҳомланган.

Бобур шеърияти, албатта, муайян анъаналар негизида равнақ топган. Бирок Бобурнинг лирик қаҳрамон қиёфаси ва у қўллаган тимсоллар анъанавий шеърларга қиёсланганда нисбатан ҳаётий, жонли ва аниқдир. Бобурнинг ўзбек адабий тили тараққиётига кўшган ҳиссаси унинг, адабий тилни ҳалқ тилига яқинлаштириш ва уни янада соддалаштиришда намоён бўлади. Биз буни унинг шеърлари тилига таяниб, далиллар асосида исботлаб беришга ҳаракат қилдик.

Бобур асарлари тилида Фарғона шеваларидан ташқари Тошкент, Самарқанд, Бухоро шевалари ва фольклорига хос хусусиятлар ҳам мавжуд. Навоий ўзбек тилининг барча шеваларини умумлаштирган ҳолда ўз ижодида фойдаланган бўлса, Бобур ҳалқ тилига яқинлаштириш орқали бойитган, унга ҳалқ тилидаги жуда кўп сўз ва ибораларни олиб кирган. Бобур Навоийдан фарқли ўлароқ ўз асарларида равишда араб ва форсча сўз ва ибораларни камроқ ишлатишга ҳаракат қилган.

Бобурнинг ўзига хослиги шундаки, Навоий каби Бобур ҳам мавзу доирасидан четламайди, мавзуни ҳар томонлама мукаммал ёритишга ҳаракат қиласди. Лекин Навоийдан фарқли тарзда ғазал, рубойлар тилини соддалаштириш, ҳалқ тилига яқинлаштиришга эришади.

XI аср араб адабиётшуноси Ибн Рошид “Умда” номли асарида шоирликнинг муҳим қирралари ҳақида шундай ёзган эди: “Шоир шунинг учун шоир деб аталадики, у бошқалар ҳис эта олмайдиган нарсаларни идрок эта олади ва кўра олади. Агар у маъноларни кўра олмаса, ёки сўзга янги маъно товланишларини бағишлий олмаса, уни чинакам шонир деб бўлмайди”⁹⁴. Монографиямизда Бобур мана шу талабларга жавоб бера оладиган шоир эканлигини кўрсатишга интилдик. Бобур ҳар нафасда, ҳар қадамда тафаккур қилишга мажбур эди. У яшаётган ва фаолият кўрсатётган муҳит ва воқелик шуни тақозо этар эди. Ҳар куни, ҳар соатда турли-туман кишилар билан мулоқот-муомалада бўлган. У олам ва одам, одамнинг олам ичра тутган ўрни, беш кунлик фоний дунёда қандай яшаб ўтмоқ борасида муайян тўхтамга келишга, бу тўхтамларни умумлаштиришга эҳтиёж сезган. Бобур ҳам одоб-ахлоқ ва инсоний комиллик масалалари мавзуларини ёритди. Тўғри, уларда Умар Хайём ижодидаги каби олам ва одамзод масаласидаги теран мушоҳадалар, катта фалсафий умумлашмалар бўлмаса ҳам, илло инсон ва унинг турмуши, дунё сахнида тутган ўрни Бобурга хос тарзда талқин этилган. Унинг шеърларида шоирона нигоҳ ва мутафаккирона мушоҳада узвий бирлашиб кетган. Бобур олам ва одам, ҳаётнинг ибтидоси ва интихоси, инсон ҳаёти моҳияти хусусида мушоҳада юритар экан, олим ҳайратга тушади. Ҳайрат эса шоирликка хос фазилат. Алқисса, олим файласуфга, файласуф эса шоирга айланади.

Шак-шубха йўқки, Бобур ижодидаги бетакрор сатрлар шоир шеъриятининг ўзига хослиги, ҳаётийлиги, вақт ва замонга бўйсунмаслигини намойиш қиласди. Бобур шахсияти

⁹⁴ Ибн Рошид. Умда. I-том, – Қохира, 1934. – Б. 97.

унинг лирикасида ўз аксини топган. Бобур шеърлариниң тадкики ва таҳлили шундан далолат беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Илмий адабиётлар

1. Куръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Алоуддин Мансур таржимаси. – Бишкек, 2001. – 768 б.
2. Азимджанова С.А. Государство Бабура в Кабуле и Индии. Гл I(обзор источников и научной литературы). – Москва, 1977. с.5-33;
3. Азимжонова С. Индийский диван Бабура. – Ташкент: Фан, 1966;
4. Алишер Навоий. Фазаллар, шархлар. – Тошкент: Камалак, 1991. – 176 б.
5. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I том. – Тошкент: Фан, 1983. – 656 б.
6. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. II том. – Тошкент: Фан, 1983. – 644 б.
7. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. III том. – Тошкент: Фан, 1984. – 624 б.
8. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. IV том. – Тошкент: Фан, 1985. – 636 б. .
9. Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати хақида). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – 152 б.
10. Бартолд В.В. Қисқача ислом маданияти тарихи. – Тошкент: Узнашр, 1927.
11. Гулбаданбегим. Хумоюннома. – Тошкент: Фан, 1959;
12. Жамолов С. О Художественных особенностях «Бабурнаме». – Ташкент, 1961;
13. Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Тошкент: Фан, 1965. – 130 б.
14. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 168 б.
15. Иброҳимов А. Бобурийлар мероси. – Тошкент, 1993;
16. Иброҳимов А. “Бобурнома” – буюк асар. – Тошкент, 2002;
17. Иброҳимов А. “Бобурнома”даги ҳиндча сўзлар. – Тошкент, 2002;

18. Кошфарий М. Девону луготит турк. III томлик. I-том. – Тошкент: Фан, 1960. – 500 б.
19. Мукимий. Танланған асарлар. – Тошкент: УзССР Давлат нашриёти, 1953.
20. Мирзаев И. Бобур маърифати. – Тошкент, 1996;
21. Навоий ва адабий таъсир масалалари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи С.Фаниева. – Тошкент: Фан, 1968. – 353 б.
22. Навоий асарлари лугати. Тузувчилар: П.Шамсиев ва С.Иброҳимов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. - 784 б.
23. Навоий асарлари учун қисқача лугат. – Тошкент: Фан, 1993. – 376 б.
24. Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 2001. – 200 б.
25. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Асарлар. 6 жилдлик, 5-жилд. – Тошкент, 1973;
26. Орзивеков Р. Бобир ва лирикасининг жанрлари. // Бобир ва унинг замондошлари ижодини ўрганиш масалалари. Тўплам. – Тошкент, 1983. 49-50 бет.
27. Ойбек. Асарлар. XX томлик. IX том. Тадқиқот ва мақолалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 352 б.
28. Ойбек. МАТ. XIII том. Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: Фан, 1979. – 512 б
29. Отажонов Н. Жаҳонгашта “Бобурнома”. – Тошкент, 1996.
30. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 214 б.
31. Румер Годен. Гулбадан. – Тошкент: Шарқ, 2007.
32. Стеблева И.В. Захириддин Муҳаммад Бабур-поэт, прозаик, ученый. Ташкент: Фан, 1983.
33. Сулаймонов.С. “Бобурнома” миниатюралари. – Тошкент, 1972;
34. Файзиев Т. Бобур ва унинг авлодлари. – Тошкент, 1996.
35. Шарм Л.П. Бобурийлар салтанати (Инглизчадан F.Сотимов таржимаси). – Тошкент. 1998;
36. Шукуров Н. Бобур ғазалларининг ҳаётий асослари ва романтик бўёқлар ҳакида // Бобир ва унинг замондошлари ижодини ўрганиш масалалари. Тўплам. – Тошкент, 1983. 11-бет.

37. Шайхзода М. Ғазал мулкининг султони. VI томлик. IV том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 372 б.
38. Шамсиев П. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий. – Тошкент: Фан, 1966. - 152 б.
39. Эрскин У. Бобур Ҳиндистанда (Бобур хукмронлиги давридаги Ҳиндистан тарихи) таржимон Сотимов Г. – Тошкент, 1995;
40. Қамар Райис. Бобур шахсияти ва шеърияти. – Андижон: “Андижон нашриёти-матбаа”, 2007.
41. Қаюмов А. Ҳасанов С. Бобур ижодиёти. – Тошкент, 2007.
42. Кудратуллаев Ҳ. Бобур армони. – Тошкент, 2005. 364-бет.
43. Кудратуллаев.Ҳ Бобурнинг адабий-эстетик қарашлари. –Тошкент, 1983.
44. Фаниева С. Алишер Навоий. – Тошкент: Фан, 1968. – 148 б.
45. 33 Рубоий. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Мусиқа, 2007.
46. Ҳаққулов И. Абадият фарзандлари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – 192 б.
47. Ҳаққулов И. Шеърият – руҳий муносабат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – 240 б.
48. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 184 б.
49. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007.
50. Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970. – 176 б.
51. Ҳайитметов А. Навоийхонлик сұхбатлари. – Тошкент: Үқитувчи, 1993. – 216 б.
52. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан (Х-XV асрлар). – Тошкент: Фан, 1970. – 331 б.
53. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижод олами. – Тошкент: Фан, 2001.
54. Хондамир. Макорим-ул-ахлоқ. – Тошкент: Fa�ур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1989.
55. Ҳусайнний А. Бадойиъ-ус санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. - 398 б.

Бадийй адабиётлар

56. Атойи. Танланган асарлар. – Тошкент, 1960. – Б.153.
57. Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. I-том. – Тошкент: Фан, 1987. – 724 б.
58. Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя. МАТ. II-том. – Тошкент: Фан, 1987. – 620 б.
59. Алишер Навоий. Фаройиб ус-сигар. МАТ. III-том. – Тошкент: Фан, 1988. – 616 б.
60. Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. МАТ. IV-том. – Тошкент: Фан, 1989. – 560 б.
61. Алишер Навоий. Бадоесъ ул-васат. МАТ. V-том. – Тошкент: Фан, 1990. – 544 б.
62. Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. МАТ. VI-том. – Тошкент: Фан, 1990. – 568 б.
63. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. VII-том. – Тошкент: Фан, 1991. – 392 б.
64. Алишер Навоий. Мажолисун нафоис. – Тошкент, 1961, 72-бет.
65. Алишер Навоий. Лисонут-тайр (Куш тили). – Тошкент, 1984. 80-б.
66. Бобур. Бобурнома. I-II қисм, – Тошкент: Ўздавнашр, 1948.
67. Бобур. Бобурнома. – Тошкент: ЎзФАнашр, 1960.
68. Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 368 б.
69. “Бабурнаме–Записки Бабура”. (перев.М.Салье) Изд.2-е. – Ташкент: Фан, 1993;
70. Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002 .
71. Бобур. Назм дурдоналари. – Тошкент: Шарқ, 1996. – 208 б.
72. Бобур. Мухтасар. – Ҳасан С. –Тошкент, 1971.
73. Бобур. Рубоилар (тузувчи Н.Хотамов).
74. Бобур. “Танланган асарлар”. – Тошкент, 1958.
75. Бобур. “Асарлар” 2-3-жиллар. – Тошкент, 1965-1966.

76. Бобур. Девон. Нашрга таёровчи ва сўз боши муаллифи А. Абдуғафуров. – Тошкент: Фан, 1994.
77. Бобур. Сочининг савдоси тушти. Нашрга тайёрловчи Эргаш Очилов. – Тошкент: Шарқ, 2007.
78. Бобур девони. Кобул нашрига такмила (қўшимча). Нашрга тайёрловчи Шафиқа Ёрқин. – Тошкент: Шарқ, 2004.
79. Бобур. Мубаййин. – Тошкент, 2000.
80. Гадоий. Девон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашиёти, 1973. – 148 б.
81. Хожа Убайдуллоҳ Ахрор. Рисолаи волидия. Бобур таржимаси. Ношир Ҳасан С. – Тошкент: “Ёзувчи”, 1991. 2-бет.
82. Комрон Мирзо. Девон. – Тошкент: Үқитувчи, 1993.
83. Муборак мактублар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – 304 б.
84. Фирдавсий. Шохнома: Таинланган достонлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. - 688 б.
85. Хайём У. Рубоийлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – 128 б.
86. Хоразмий Ҳайдар. Девон. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – 304 б.
87. Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадгу билиг. – Тошкент: Фан, 1971. – 938 б.
88. Яссавий А. Девони Ҳикмат. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – 176 б.
89. Яссавий А. «Факирнома», Девони ҳикмат, – Тошкент, 1992.
90. Фузулий, Девон. – Тошкент, 1959. 52-бет.

Хорижда чоп этилган адабиётлар

91. Поло И. Адабиётшунослик терминлар қомуси. – Истамбул, 2007.
92. Пант Г.Н. «Бабур-наме» - блистательный памятник автобиографической литературы. – Индия, 1984. №4, с.17-19 и 36с;
93. Купрулу М.Ф. Тарих тадқиқотлари, I жилд, – Анқара, 2006.
94. Огоҳ Сирри Лаванд. Турк адабиёти тарихи. 1-жилд, Анқара, 1984. – Б.165.
95. Ибн Рошид. Умда. I-том, – Қохира. 1934. 97-бет.
96. Бобур девони, (Сўзбоши муаллифи Билол Южел). – Анқара, 1995.
97. Бабур З.М. «Бабур-наме». 1-2-жиллар, – Париж, А.Паве де Куртейл таржимаси, 1878.
98. Бобур З.М. “Бобурнома”, А.Бевериж хоним томонидан инглиз тилига таржимаси, Лондон, 1905-1922.
99. Бабур З.М. Энциклопедия Ислама (инглиз тилида) – Лондон, 1960.
100. Бабур З.М. «Бабур-наме», француз тилига Ж.Л.Бакье-Граммона таржимаси, Пюбликасион ориентал. – Париж, 1980-1985.
101. Бабур З.М. Рубоий ва ғазаллар. Ўзбек поэзияси антологияси, серб тилига Лъупчо Стойменски таржимаси-// Македонская книга, – Скопли, 1984.
102. Бабур лирика. (перевод Л.Пенковского), пред-е Бертельса, – Л.: изд. «Советский писатель», 1943.
103. Бабур Захириддин Мухаммад. Лирика. (перев. с узб. Л.Пеньковского, предисл. Е.Бертельса) – М.: Гослитиздат, 1957;
104. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Избранные труды. Т.3. – М.: Наука 1965. – 524 с.
105. Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Избранные труд. Т.4. – М.: Наука, 1965. - 498 с.
106. Белинский В.Г. Собрание сочинение. В трёх томах. – Москва, 1948. – С.164.

107. Миклухо-Маклай Н. Д.Хондамир и «Записки» Бабура. – Веб.: Тюркологические исследования. М.-Л., 1963, – С. 237-249.
108. Поэзия и проза Древнего Востока. Сборник. – М.: Художественная литература, 1973. – 735 с.
109. Самойлович А.Н. Тюркское языкознание. Филология. – М.: 2005. – С. 597-604.
110. Собрание стихотворений императора Бабура. Часть 1. Текстъ. – Петроградъ, 1917.
111. Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы и её трансформация в ранне-классический период. – М.: Наука, 1976. – 212 с.
112. Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура – М.: Наука, 1982. – 326 с.
113. Стеблева И.В. Захириддин Мухаммад Бабур. Трактат об арузе. Вступительная статья и указатели. – М.: 1972;

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА.....	3
БИРИНЧИ БОБ. БОБУР ЛИРИКАСИ: АНЬАНА ВА ЎЗИГА ХОСЛИК	
XVI асргача бўлган ўзбек шеърияти ва Бобур ижоди.....	10
Шеърий образ ва ифодадаги ўзига хослик	32
ИККИНЧИ БОБ. СЎЗ, ТИМСОЛ ВА ИФОДА МУТАНОСИБЛИГИ	
Бобур лирикасида образ ва тимсоллар.....	44
Бобур шеъриятида табиат лирикаси, ватан образи	56
УЧИНЧИ БОБ. БАДИЙ ТАСВИР ВОСИТАЛАРИ ВА ШОИРЛИК МАҲОРАТИ	
Бобур шеъриятида бадиий тасвир воситалари.....	72
СЎНГСЎЗ.....	92
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	95

ХОСИЯТ БЕКМИРЗАЕВА

БОБУР ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК ОБРАЗ

(Илмий рисола)

Муҳаррир:
Акрам Декон

Техник муҳаррир:
Файзулло Азизов

Дизайнер:
Отабек Ёкубов

«Муҳаррир» нашриёти
Лицензия: AI № 099, 2008 йил 24 март

Теришга 2013 йил 12 марта берилди.
Босишга 2013 йил 11 июня рухсат этилди.

Бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$. «Virtec Times» гарнитурасида
оффсет босма усулида оффсет қофозида босилди.
3,25 шарт. б.т. 5,2 ҳисоб нашр. таб.
Адади 300 нусха. 83-сон буюртма.

«Муҳаррир» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.
100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй
E-mail: Muharrir@list.ru

ISBN 978-9943-25-332-2



9 789943 253322